

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУДЬЯЛАР  
ОЛИЙ КЕНГАШИ ҲУЗУРИДАГИ СУДЬЯЛАР  
ОЛИЙ МАКТАБИ**

**КОРПОРАТИВ НИЗОЛАРНИ  
СУДДА КЎРИШГА ОИД АЙРИМ  
МАСАЛАЛАР**

(амалий қўлланма)

Тошкент - 2023

**УДК: 343.9(035.3)(575.1)**

**ББК: 67.400**

Корпоратив низоларни судда кўришга оид айрим масалалар / амалий қўлланма / С.Холбаев, М.Саидов. – Тошкент:, 2023. – 128 б.

Янги Ўзбекистоннинг таракқиёт стратегиясида бир қанча муҳим вазифалар, шу жумладан, бюрократик ғов ва тўсиқларни бартараф этиш орқали фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини тубдан ошириш, иқтисодийёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш ислохотларнинг устувор йўналишлари сифатида белгилаб берилган.

Тадбиркорларнинг сони кўпайиб, фаолиятининг самарадорлиги ошган сари уларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш, тугатиш, таъсисчилари ўртасида даромадларни тақсимлаш, ички бошқарувни амалга ошириш, ижро органларини сайлаш каби корпоратив ҳуқуқий муносабатлар ҳам ривожланиб боради. Бу эса табиийки, иштирокчилар ўртасида турли келишмовчиликлар, низоларнинг ҳам пайдо бўлишига сабаб бўлади. Шундай низоларнинг бир тури - корпоратив низолардир.

Корпоратив низоларни судда кўришга оид тартиб-қоидалар амалдаги қонунлар билан етарлича тартибга солинмаганлиги боис бу тоифадаги ишларни судларда кўриб чиқишда айрим муаммолар вужудга келмоқда, судьялар ва ишда иштирок этувчи шахслар томонидан камчилик ва хатоликларга йўл қўйилмоқда. Шу маънода қўлланмада дастлаб “корпорация” атамасининг мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритилиб, сўнгра корпоратив ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар бўйича иқтисодий судларга мурожаат қилиш тартиби, судга тааллуқлилиқ, давлат божини тўлаш, даъвони таъминлаш чораларини кўриш каби масалалар юзасидан ҳуқуқий тушунтиришлар берилган ва судьялар томонидан кўриб чиқишда кўпроқ хатоликларга йўл қўйилаётган айрим турдаги корпоратив низолар таҳлил қилиниб, қонуний ечими кўрсатилган. Ушбу қўлланма корпоратив низоларга оид муаммоли масалаларни адолатли ҳал қилишга, ягона суд амалиётини шакллантиришга хизмат қилади.

Қўлланмадан судьялар, суд ходимлари, судьялик лавозимига номзодлар, адвокатлар, қорхона раҳбарлари ва юристлари, иқтисодий суд ишларини юритишда иштирок этувчи шахслар, юридик соҳада таълим олаётган талабалар, тегишли мавзуда илмий изланиш олиб бораётган назариячи олимлар ҳамда корпоратив ҳуқуққа оид билим ва савиясини ошириш истагида бўлган ҳар қандай фуқаролар фойдаланишлари мумкин.

### **Муаллифлар:**

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий Кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби кафедра мудир, доцент, юридик фанлари номзоди

**Холбаев Собир Боратович**

(Кириш, 1-боб)

Судья, юридик фанлари бўйича фалсафа доктори, Ўзбекистон Республикаси

Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази

Хусусий-ҳуқуқий фанлар кафедраси доценти в.б.

**Саидов Мақсудбек Норбоевич**

(2-9-боблар)

Ушбу амалий қўлланма Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби кенгаши мажлисининг 2023 йил 13 апрелдаги 3-сон қарори билан нашрга тавсия этилган.

## Мундарижа

1-БОБ	
КОРПОРАЦИЯ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ..	9
2-БОБ	
КОРПОРАТИВ НИЗОЛАР БЎЙИЧА СУДГА	
МУРОЖААТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ .....	31
3-БОБ	
КОРПОРАТИВ НИЗОЛАРНИНГ СУДГА	
ТААЛЛУҚЛИЛИГИ МАСАЛАСИ .....	51
4-БОБ	
КОРПОРАТИВ НИЗОЛАРНИНГ СУДЛОВГА	
ТЕГИШЛИЛИГИ .....	81
5-БОБ	
КОРПОРАТИВ НИЗОЛАР БЎЙИЧА ДАЪВОНИ	
ТАЪМИНЛАШ ЧОРАЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС	
ЖИХАТЛАРИ .....	91
6-БОБ	
КОРПОРАТИВ НИЗОЛАР БЎЙИЧА СУД	
ХАРАЖАТЛАРИНИ УНДИРИШНИНГ АЙРИМ	
МАСАЛАЛАРИ .....	101
7-БОБ	
ЮРИДИК ШАХС ТАЪСИСЧИЛАРИНИНГ УМУМИЙ	
ЙИҒИЛИШИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОЛАР	
.....	118
8-БОБ	
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ УСТАВ	
ФОНДИ (УСТАВ КАПИТАЛИ)ДАГИ УЛУШ БИЛАН	
БОҒЛИҚ НИЗОЛАР .....	141

9-БОБ

ТЎЛОВГА ҚОБИЛИЯТСИЗ МАСЪУЛИЯТИ

ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ ИШТИРОКЧИЛАРИ

ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИГА ОИД АЙРИМ

МАСАЛАЛАР ..... 175

## К И Р И Ш

Сўнги йилларда миллий иқтисодиётимизни янада ривожлантириш, қонунчиликни либераллаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаш, мулкый муносабатларда бозор иқтисодиёти тамойилларини тўлиқ жорий этишга тўсқинлик қилувчи тартиблар, талаблар ва чекловларни аниқлаш, уларни бекор қилиш билан боғлиқ қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Айниқса халқ хўжалигидаги бошқарувда давлатнинг ролини муайян даражада чеклаш, давлат органларининг тадбиркорлик фаолияти субъектлари фаолиятларига қонунда белгиланганидан ташқари ҳар қандай аралашувларига чек қўйиш, аксинча, улар фаолиятининг барқарор ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, қўллаб-қувватлаш, шахс, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантириш бўйича олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда.

Ишлаб чиқаришга жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, халқаро стандартларга мос келадиган ва амалда ижобий жиҳатлари билан ўзини оқлаган моделларни жорий этиш масалаларига ҳам катта эътибор берилмоқда. Шундай моделлардан бири – Корпоратив бошқарув модели ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив

бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғриси”да 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сон Фармонида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, бўлажак инвесторлар учун уларнинг очиқлиги ва жозибадорлигини таъминлаш, замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий қилиш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида халқаро тажрибани чуқур таҳлил қилиш ва шу асосда замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш, ишлаб чиқариш, инвестиция, моддий-техник, молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, замонавий халқаро стандартлар ва бозор иқтисодиёти талабларига мос янги бўлинма ва лавозимларни жорий этишни инобатга олган ҳолда, жамиятлар бошқариш тузилмасини тубдан қайта ташкил этиш ва бошқалар корпоратив бошқарув тизимини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан этиб белгиланганди<sup>1</sup>.

Ҳозирда корпоратив бошқарув, корпоратив ҳуқуқий муносабатлар қанчалик ривожлангани сари ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳам янгича тарзда кучайиб бормоқда.

Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги, юридик шахс билан уни таъсисчилари ўртасидаги, юридик шахс билан унинг ижро органлари ўртасидаги корпоратив, шартномавий ва мулкӣ муносабатларнинг ривожланиши қонунчиликда ёки ички локал

---

<sup>1</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

хужжатларда акс этган ҳуқуқ ва мажбуриятларга оғишмай риюя қилишликни, ўзаро ҳурмат, тенглик, моддий манфаатдорлик асосида ишларни ташкил этишни, ортиқча маъмурчиликка йўл қўймасликни, бир-бирига ишонч ҳиссини кучайтиришни тақозо қилади.

Аммо ушбу муносабатлар иштирокчилари томонидан ўзларига юклатилган ва амал қилишлари керак бўлган мажбуриятларини, бурчларини, вазифаларини лозим даражада бажармасликлари улар ўртасида турли келишмовчиликлар, низолар, қонунбузарликлар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Судларда кўрилаётган корпоратив низолар сонининг йилдан-йилга ортиб бораётганлиги, уларнинг янги кўринишлари, жиҳатлари пайдо бўлаётганлиги, корпоратив ҳуқуқни қўллаш борасида тегишли субъектлар томонидан хато ва камчиликларга йўл қўйилаётганлиги, муаммоли масалалар учраётганлиги аввалом бор, корпоратив ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини такомиллаштиришни, корпоратив ҳуқуқни қўллаш билан боғлиқ суд амалиётини бир хиллаштиришни, ишларни кўришда юзага келаётган хатоликларни бартараф этиш ва муаммоли масалаларнинг қонуний ечимини топишга йўналтирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишни тақозо қилмоқда ва шу маънода ушбу амалий қўлланмани тайёрлаш лозим деб топилди.

Қўлланмада корпорация тушунчаси ва унинг турлари, корпоратив низолар бўйича судга мурожаат қилиш тартиби, бундай низоларнинг судга тааллуқлилиги ва судловга тегишлилиги, даъвони таъминлаш чоралари, суд харажатларини ундириш масалалари билан боғлиқ моддий ва процессуал қоидалар оддий тилда, суд амалиётидан мисоллар келтирилган ҳолда (тарафларнинг номлари, фамилиялари ва исми-шарифлари ўзгартирилган, уларнинг тўғри келиши тасодифий ҳисобланади) тушунтириб берилди.

Ёритилаётган ҳар бир масала республикамиз иқтисодий судларидаги амалиёт, судьялардан келиб тушаётган кўплаб савол-жавоблар, қонунчиликдаги корпоратив муносабатларни тартибга солишдаги бўшлиқлар ўрганилган, таҳлил қилинган, хорижий давлатларнинг тегишли қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан таққосланган ҳолда қўлланмага киритилди.

Мазкур қўлланма иқтисодий судларда фаолият олиб бораётган судьялар, суд ходимлари, юриспруденция соҳасида таълим олаётган талабалар, илмий изланиш олиб бораётган тадқиқотчилар, шунингдек, меҳнат фаолиятида корпоратив муносабатларга дуч келаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари, таъсисчилари, ижро органлари аъзолари ҳамда корпоратив ҳуқуқ соҳасига қизиқувчи ҳар қандай шахсга мўлжалланган.



## **1-БОБ**

### **КОРПОРАЦИЯ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ**

Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси (кейинчалик ИПК деб юритилади) 25-моддасининг биринчи қисмида иқтисодий судга тааллуқли ишлар рўйхати келтирилган бўлиб, 5-бандни мазмунига кўра, ушбу Кодекснинг 30-моддасида кўрсатилган корпоратив низолар бўйича ишлар, бундан меҳнатга оид низолар мустасно, тааллуқлидир<sup>2</sup>.

ИПКнинг 30-моддасида корпоратив низолар бўйича ишларнинг 7 та тури санаб кўрсатилган холос. Шу билан бирга мазкур моддада қонунга мувофиқ корпоратив низолар бўйича ишлар жумласига бошқа низолар ҳам киритилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган<sup>3</sup>.

Дарҳақиқат, қонунчиликда кўзда тутилган тақдирда, корпоратив низоларнинг бошқа турлари ҳам бўлиши мумкин экан. Шунда саволлар пайдо бўладики, корпоратив низоларнинг яна қандай турлари бўлиши мумкин? Корхонанинг фаолияти билан боғлиқ бўлган муайян низо юзага келган бўлса, унинг корпоратив низо ёки корпоратив низо

---

<sup>2</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>3</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

эмаслигини қандай мезонлар билан аниқлаш керак ва ҳоказо.

Ушбу саволларга жавоб топиш учун аввалом бор “корпоратив низо” тушунчасининг мазмун-моҳиятини етарлича англаб олиш муҳимдир. Чунки амалдаги қонунчиликда “корпоратив низо” тушунчасига ҳуқуқий таъриф берилмаган. Мазкур низонинг бошқа низолардан фарқ қиладиган томонлари, ўзига хос жиҳатлари ёритилмасдан, фақат айрим турлари санаб ўтилган ҳолос. Шу сабабли хўжалик юритувчи субъектларнинг вакиллари, адвокатлар, судьялар ва бошқа мутахассислар томонидан бу тоифадаги низоларни ўз фикрлаш қобилятидан келиб чиққан ҳолда турлича талқин қилинишига, баъзида кенг, баъзида эса тор маънода тушунтирилишига сабаб бўлмоқда. Ўз навбатида бу ҳолат суд статистикасининг бузилишига, суд амалиётининг нотўғри ва хато шаклланишига, кўплаб суд қарорларининг бекор қилинишига олиб келмоқда.

Таъкидлаш керакки, “корпоратив низо”, “корпоратив бошқарув”, “корпоратив муносабатлар” атамаларининг барчасини негизида “корпорация” ибораси ётади. Яъни “корпорация” тушунчасининг асл маъносини билмасдан туриб, юқоридаги атамаларнинг туб моҳиятини билиш мумкин эмас.

“Корпорация” тушунчаси лотин тилидан олинган бўлиб, муайян шахсларнинг бирлашмаси, жамияти, уюшмасини, уларнинг ҳамкорлик

килишини, улар ўртасидаги умумийликнинг мавжудлигини билдиради.

Ҳозирги “корпорация” тушунчасининг пайдо бўлиши қадимги рим ҳуқуқига бориб тақалади. «Корпорация» сўзи (лотинча «corporation» атамасидан олинган) профессионал ёки табақалар манфаатлари бирлиги бўйича уюшган шахслар гуруҳини, иттифоқини англатади.

Рим ҳуқуқини ўрганаётган олимларнинг изоҳлашича, “корпорация” тушунчаси лотинча «corpus habere» бирикмасидан келиб чиққан бўлиб, юридик шахснинг ҳуқуқларини билдиради. Лекин хусусий корпорациялар қадимги Римда юридик шахсни эмас, ҳар бир иштирокчи мулкдаги ҳиссасини эгаллайдиган ва учинчи шахслар билан мустақил ҳолда муносабатларга киришадиган оддий ширкат тарзидаги уюшмани билдиради<sup>4</sup>.

Қадимги Рим давлатида илк пайдо бўлган хусусий тадбиркорлик фаолиятини юритиш шакли ҳозирги “корпорация” тушунчасига бироз мос келсада, аммо рим ҳуқуқида “юридик шахс” атамаси ишлатилмаганлиги учун бундай уюшма таъкидланганидек, фуқароларнинг оддий бирлашмасидан (юридик шахс сифатида эмас - муаллиф) иборат бўлган. Римда бундай уюшмалар хусусий

---

<sup>4</sup> Е.А. Дорожинская. Корпоративное право: курс лекций / Е.А. Дорожинская; Новосибирск: Изд-во СибАГС, 2016.— 264 с.

корпорациялар, диний жамоалар, касаначиларнинг профессионал уюшмалари сифатида фаолият олиб боришган.

Рим ҳуқуқини ўрганаётган олимларнинг изоҳлашича, “корпорация” тушунчаси латинча «*corpus habere*» бирикмасидан келиб чиққан бўлиб, юридик шахснинг ҳуқуқларини билдиради. Лекин хусусий корпорациялар қадимги Римда юридик шахсни эмас, ҳар бир иштирокчи мулкдаги ҳиссасини эгаллайдиган ва учинчи шахслар билан мустақил ҳолда муносабатларга киришадиган оддий ширкат тарзидаги уюшмани билдиради<sup>5</sup>.

Қадимги Рим давлатида илк пайдо бўлган хусусий тадбиркорлик фаолиятини юритиш шакли ҳозирги “корпорация” тушунчасига бироз мос келсада, аммо рим ҳуқуқида “юридик шахс” атамаси ишлатилмаганлиги учун бундай уюшма таъкидланганидек, фуқароларнинг оддий бирлашмасидан (юридик шахс сифатида эмас - муаллиф) иборат бўлган. Римда бундай уюшмалар хусусий корпорациялар, диний жамоалар, касаначиларнинг профессионал уюшмалари сифатида фаолият олиб боришган.

Юқоридагилардан умумий тушунча пайдо бўладики, корпорация - бу тадбиркорлик фаолияти

---

<sup>5</sup> Е.А. Дорожинская. Корпоративное право: курс лекций / Е.А. Дорожинская; Новосибирск: Изд-во СибАГС, 2016.— 264 с.

билан шуғулланишни мақсад қилиб қўйган муайян шахсларнинг ташкилий бирлиги ҳисобланади. Масалан, 3 та жисмоний шахс бирор корхона, яъни масъулияти чекланган жамиятини тузишади ёки 4 та жисмоний шахс ва 1 та юридик шахс акциядорлик жамиятини тузишади ва ҳоказо.

Ҳуқуқшунос мутахассис М.Саидов корпорация тушунчасининг қуйидаги 5 та ҳуқуқий белгилари мавжудлигини таъкидлайди:

**биринчидан**, корпорация деганда асосан фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган ташкилот тушунилади.

**иккинчидан**, корпорация юридик шахс мақомига эга бўлиши керак.

**учинчидан**, ташкилот корпорация ҳисобланиши учун у икки ёки ундан ортиқ шахслар (таъсисчилар) томонидан ташкил этилган, яъни муайян шахсларнинг ташкилий бирлиги мавжуд бўлиши керак.

**тўртинчидан**, юридик шахсларнинг бирлашмалари республикамизнинг амалдаги қонун ҳужжатларига кўра нотижорат ташкилотлар бўлганлиги сабабли корпорация ҳисобланмайди.

**бешинчидан**, ташкил этилиши, фаолият кўрсатиши ва бошқарувни амалга ошириш тартиби ва усуллари мос келганлиги учун айрим тоифадаги

нотижорат ташкилотлари ҳам корпорация ҳисобланади.

Мазкур ҳуқуқий белгиларни санаган ҳолда муаллиф корпорация - бу тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни мақсад қилиб қўйган муайян шахсларнинг ташкилий бирлиги, деган хулосага келади.<sup>6</sup> Муаллиф корпорация тушунчаси ҳақида бир қанча хорижий давлатларнинг қонунчилигини ўрганиб, шундай хулосага келган.

Дарҳақиқат, муаллиф санаб ўтган корпорация тушунчасига оид ҳуқуқий белгилар аксарият хорижий давлатларнинг қонунчилигида мавжуд. Аммо юқорида қайд этганимиздек, Ўзбекистон қонунчилигида “корпорация” тушунчасига аниқ ҳуқуқий таъриф берилмаганлиги учун корпоратив низоларни кўриб чиқишда мазкур белгилар доирасидан четга чиқишга тўғри келади.

Жумладан, ИПК 30-моддаси биринчи қисмининг 1-бандида “юримдик шахсни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш билан боғлиқ низолар” корпоратив низоларнинг бир тури сифатида кўрсатилган<sup>7</sup>. Мазкур ҳолатда фойда олишни мақсад қилган, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланган ёхуд икки ёки ундан ортиқ шахслар (таъсисчилар)

---

<sup>6</sup> Корпоратив низолар: тушунчаси, турлари ва уларни судда кўришнинг ўзига хос жиҳатлари. Судьялар ва аҳоли учун амалий қўлланма /М.Саидов. – Тошкент: 2019, 10-20-бетлар.

<sup>7</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

томонидан ташкил этилган ташкилотлар эмас, барча ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги юридик шахслар ҳақида сўз бормоқда. Шундай экан, нафақат тижоратчи ташкилотларнинг, қолаверса нодавлат нотижорат ташкилотларининг, шу жумладан, юридик шахс мақомига эга бўлган давлат органларининг ҳам ташкил этилиши, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши билан боғлиқ низолар корпоратив низо сифатида тан олинмоқда.

Аmmo “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонун 22-моддасининг биринчи қисмида ёзилишича, жамоат бирлашмаси ушбу Қонун 3-моддасининг 2, 3, 4-қисми ва 18-моддасининг тўртинчи қисмида кўзда тутилган хатти-ҳаракатларни содир этган тақдирда суд қарорига биноан тугатилиши мумкин<sup>8</sup>.

Мазкур модданинг тўртинчи ва бешинчи қисмларида белгиланганки, халқаро жамоат бирлашмалари, унинг бўлинмалари, филиаллари, республика ва вилоятлараро жамоат бирлашмалари Ўзбекистон Республикаси прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг, Бош Давлат солиқ бошқармасининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан ваколат берилган бошқа идоралари ва мансабдор шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий суди чиқарган

---

<sup>8</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

қарорга мувофиқ тугатилади, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жамоат бирлашмасини тугатиш тўғрисида қарори устидан шикоят қилинмайди.

Маҳаллий жамоат бирлашмалари тегишли вилоят, Тошкент шаҳар судлари томонидан тугатилади. Бунда суднинг қарори устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиниши мумкин<sup>9</sup>.

Ушбу қоидаларда “суд” деганда айнан қайси суд эканлиги, “Олий суд” деганда унинг қайси судлов ҳайъати эканлиги аниқ кўрсатилмаган.

Маълумки, илгариги Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси 23-моддаси биринчи қисмининг 4-банди 2015 йил 20 августдаги Қонун билан илгариги Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексига “Корпоратив низолар бўйича иш юритиш” деган 20<sup>4</sup>-боб киритилди ва унда 4 та янги модда акс этди<sup>10</sup>. Бу моддаларда “корпоратив низо” деган ибора илк мартаба ишлатилди. Бу моддаларда ҳам корпоратив низоларга айнан қандай турдаги низолар кириши мумкинлиги, ушбу низоларнинг субъектлари кимлар бўлиши мумкинлиги батафсил кўрсатилмади. Шу сабабли судлар томонидан корпоратив низоларни

---

<sup>9</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>10</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).



кўришда муайян қийинчиликлар, хатоликлар, муаммоли ҳолатлар юзага келди.

Кейинчалик яъни 2018 йилнинг 1 апрелидан амалдаги ИПК қонуний кучга кирди ва унинг 30-моддасида илк маротаба корпоратив низоларнинг турлари санаб кўрсатилди<sup>11</sup>. Юқорида қайд этганимиздек, ушбу модда биринчи қисмининг 1-бандида юридик шахсни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш билан боғлиқ низолар иқтисодий судлар томонидан кўриладиган корпоратив низолар эканлиги аниқ кўрсатилди<sup>12</sup>.

Бироқ “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонунининг 22-моддасидаги халқаро жамоат бирлашмалари, унинг бўлинмалари, филиаллари, республика ва вилоятлараро жамоат бирлашмаларининг Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан, маҳаллий жамоат бирлашмаларининг эса тегишли вилоят, Тошкент шаҳар судлари томонидан тугатилиши ҳақидаги қоидалар<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексига корпоратив низоларга оид тегишли моддалар киритилгунга қадар ҳам мавжуд эди ва жамоат бирлашмаларини тугатиш тегишлича, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов хайъати ҳамда

---

<sup>11</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>12</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>13</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

Фуқаролик ишлари бўйича вилоят судлари томонидан кўриб чиқиларди. Ҳозирги кунга қадар ҳам мазкур қоидалар бекор қилинмаган. Фикримизча, судловга тегишлиликка оид бундай муаммоли масала юзасидан Олий суд Пленумининг қарори билан тушунтириш берилиши мақсадга мувофиқ.

Таъкидлаш керакки, “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддасига кўра, сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, хотин-қизлар, ёшлар ва болалар ташкилотлари, ветеранлар ва ногиронлиги бўлган шахслар ташкилотлари, илмий-техникавий, маданий-маърифий, жисмоний тарбия-спорт ва бошқа кўнгилли жамиятлар, ижодий уюшмалар, юртдошлар уюшмалари, ассоциациялар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари жамоат бирлашмалари деб эътироф этилади.

Ушбу Қонун тижорат мақсадларини кўзлайдиган ёхуд бошқа корхоналар ва ташкилотлар фойда (даромад) орттиришига кўмаклашадиган кооператив ташкилотларга ҳамда бошқа ташкилотларга, диний ташкилотларга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, шунингдек ташкил этиш ва фаолият кўрсатиш тартиби бошқа қонунчилик билан белгиланадиган ўзга органларга нисбатан татбиқ этилмайди<sup>14</sup>.

---

<sup>14</sup> www.lex.uz.

Юридик шахсни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш билан боғлиқ корпоратив низолар хақида сўз юритилар экан, ушбу низоларни судларда ҳал қилишга оид яна бир муаммоли масала хусусида тўхталиб ўтмоқчимиз.

ФК 42- ва 44-моддаларининг биринчи қисмларига асосан, юридик шахслар мулкдор ёки у вакил қилган шахс томонидан ёхуд ваколатли органнинг фармойиши асосида, шунингдек қонунчиликда назарда тутилган тартибда ташкил этилади. Юридик шахс қонунчиликда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

ФК 44-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларига кўра, юридик шахсни ташкил этишнинг қонунда белгилаб қўйилган тартибини бузиш ёки унинг таъсис ҳужжатлари қонунга мос келмаслиги юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказишнинг рад этилишига сабаб бўлади. Давлат рўйхатидан ўтказишнинг хабардор қилиш тартиби белгиланган юридик шахсларни рўйхатдан ўтказишни рад этиш қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади. Юридик шахсни ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас деган ваз билан уни рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди.

Давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш, шунингдек рўйхатдан ўтказиш муддатини бузиш устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Мазкур қоидалардан келиб чиққан ҳолда бирор юридик шахс, агар уни давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилаётган бўлса, савол туғиладики, у қайси судга мурожаат қилиши керак?

Юқорида қайд этганимиздек, амалдаги ИПК 30-моддаси биринчи қисмининг 1-бандидаги қоидага кўра, юридик шахсни ташкил этиш билан боғлиқ низолар иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқилиши керак<sup>15</sup>.

Аммо юридик шахсни ташкил этиш ҳақида мулкдор ёки у вакил қилган шахс томонидан ёхуд ваколатли органнинг фармойиши чиқарилгач, улар ушбу юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тегишли ва ваколатли давлат маъмурий органларига мурожаат қилишади. Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш ваколоти хусусий ташкилотларга берилмаган. Шу сабабли, давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш, шунингдек рўйхатдан ўтказиш муддатини бузиш билан боғлиқ низо юридик шахснинг мулкдорлари, яъни таъсисчилари билан давлат рўйхатидан ўтказувчи маъмурий орган ўртасида вужудга келади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс 27-моддаси биринчи қисмининг 5-бандига кўра давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ёхуд белгиланган

---

<sup>15</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

муддатда давлат рўйхатидан ўтказишдан бўйин товлаш устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни маъмурий судлар ҳал қилади<sup>16</sup>.

Юридик шахсни қайта ташкил этиш ва тугатиш билан боғлиқ низоларда ҳам бир тарафда юридик шахс ёки унинг таъсисчилари бўлиб, иккинчи тарафда давлат рўйхатидан ўтказувчи маъмурий орган иштирок этаётган бўлса, улар ўртасидаги низо маъмурий судлар томонидан кўриб чиқилиши лозим.

Шу билан бирга таъкидлаш керакки, агар юридик шахсни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш билан боғлиқ низолар юридик шахснинг мулкдорлари (таъсисчилари) ўртасида ёки улар билан юридик шахс ўртасида вужудга келган бўлса, бундай низолар корпоратив низолар сифатида ИПК 30-моддаси биринчи қисмининг 1-бандидаги қоидага кўра, иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқилади. Яъни бундай низолар бўйича судга ариза келиб тушганида судлар низонинг субъектлари ким эканлигига эътибор беришлари лозим.

Амалдаги ИПК 30-моддаси биринчи қисмининг 2-банди мазмунига кўра, корпоратив низолар бўйича ишлар жумласига хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларнинг, улушларнинг, кооперативлар аъзолари пайларининг мансублиги, уларга юкламалар

---

<sup>16</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

белгилаш ва улардан келиб чиқадиган ҳуқуқларни амалга ошириш билан боғлиқ низолар ҳам киради. Бундан хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни, улушларни, кооперативлар аъзоларининг пайларини ўз ичига олувчи мерос мол-мулкни ёки эр-хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган низолар мустасно<sup>17</sup>.

Мазкур қоидадаги “хўжалик жамиятлари ва ширкатлари” деганда кимлар тушунилади, деган савол туғилиши мумкин.

ФК 44-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларига кўра, улушларга (кўшилган ҳиссаларга) ёки муассисларнинг (иштирокчиларнинг) акцияларига бўлинган устав фонди (устав капитали)га эга бўлган тижоратчи ташкилотлар хўжалик ширкатлари ва жамиятлари ҳисобланади. Муассислар (иштирокчилар) қўшган ҳиссалар ёки улар сотиб олган акциялар ҳисобига вужудга келтирилган, шунингдек хўжалик ширкати ёки жамияти ўз фаолияти жараёнида ишлаб чиқарган ва сотиб олган мол-мулк мулк ҳуқуқи асосида унга тегишлидир.

Хўжалик ширкатлари ва жамиятлари тўлиқ ширкат, коммандит ширкат, масъулияти чекланган

---

<sup>17</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

ёки қўшимча масъулиятли жамият, акциядорлик жамияти шаклида тузилиши мумкин<sup>18</sup>.

Таъкидлаш керакки, юридик шахсларнинг ушбу турларидан фақат акциядорлик жамиятида акциялар чиқарилади холос, бошқаларида акциялар чиқарилмайди. Ўз навбатида корхонанинг мулкдорлари (таъсисчилари) акциядорлик жамиятида “акциядор”, бошқаларида эса “иштирокчи” деб юритилади.

Хўжалик ширкатлари ва жамиятларининг фаолиятига оид махсус ҳуқуқ нормалари ФКдан ташқари Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги, “Хўжалик ширкатлари тўғрисида”ги ва бошқа қонунлар ва қонун ости ҳужжатларида ҳам акс этган.

ИПКнинг юқоридаги қонинида “кооперативлар” ҳақида ҳам сўз юритилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси “Кооперация тўғрисида”ги Қонунининг 1-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасида кооперация жисмоний ва юридик шахсларнинг иқтисодий ҳамда ижтимоий фаолиятнинг турли соҳаларида умумий мақсадларга эришиш учун ташкилий жиҳатдан расмийлаштирилган, мулкнинг

---

<sup>18</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

ширкат (жамоа) шаклига асосланган ихтиёрий бирлашмаларидан (кооперативларидан) иборатдир.

Ўзбекистон Республикасида аҳолининг маҳсулотлар, ишлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун, шунингдек фойда (даромад) олиш мақсадида тузиладиган матлубот, ишлаб чиқариш ва аралаш ишлаб чиқариш-матлубот кооперативлари амал қилади.

Кооперация, шунингдек ўз аъзоларининг уй-жой-маиший ва бошқа ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиладиган кооперативларни, (уй-жой-қуриш уй жой кооперативларини, гараж қуриш, чорбоғ қуриш ва шу каби кооперативларни) ҳам ўз ичига олади<sup>19</sup>.

Мазкур Қонунга кўра, кооперативларнинг мулкдорлари (таъсисчилари) “кооператив аъзолари” деб, улар томонидан кооперативни устав фондига қўшган улушлари “пай бадаллари” деб юритилади.

ИПК 30-моддаси биринчи қисмининг 4-бандида қимматли қоғозлар эмиссияси билан, шу жумладан эмитентнинг бошқарув органлари қарорлари юзасидан низолашиш билан, эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштириш жараёнида тузилган битимлар, эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқариш (қўшимча равишда чиқариш) натижалари бўйича ҳисоботлар (хабарномалар) юзасидан низолашиш

---

<sup>19</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).



билан боғлиқ низолар, 5-бандида эса, қимматли қоғозларни номинал сақловчиларнинг акциялар ва бошқа қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш, қонунда назарда тутилган бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларни қимматли қоғозларни жойлаштириш ва (ёки) уларнинг муомаласи муносабати билан қимматли қоғозларнинг номинал сақловчилари томонидан амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятидан келиб чиқадиган низолар иқтисодий судлар кўрадиган корпоратив низоларнинг турлари сифатида белгиланган<sup>20</sup>.

Бу тоифадаги низолар бўйича ишда иштирок этувчи шахслар кимлар бўлиши мумкинлиги борасида ҳам баъзи тушунмовчиликлар бор.

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонуни 1-моддасининг иккинчи қисмида ёзилишича, ушбу Қонун қуйидаги қимматли қоғозларга нисбатан амал қилади: акциялар, облигациялар, ғазна мажбуриятлари, депозит сертификатлари, қимматли қоғозларнинг ҳосилалари ва векселлар<sup>21</sup>. Ушбу Қонунда мазкур турдаги қимматли қоғозларнинг ҳар бири бўйича батафсил тушунтиришлар берилган.

Бундан ташқари, Қонуннинг 3-моддасида қайд этилишича, қимматли қоғозлар эгаси — қимматли

---

<sup>20</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>21</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

қоғозлар ўзига мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида тегишли бўлган юридик ёки жисмоний шахслар бўлиши мумкин<sup>22</sup>.

Шундай экан, юқорида қайд этилган 2 турдаги низо бўйича қимматли қоғозлар эгаси ҳисобланган ҳар қандай юридик шахс ёки жисмоний шахс, шу жумладан, хусусий корхона, унитар корхона, оилавий корхона, фермер хўжалиги, деҳқон хўжалиги ишда тараф сифатида иштирок этишлари мумкин.

ИПК 37-моддасининг еттинчи қисмида ёзилишича, корпоратив низолар бўйича даъволар ушбу Кодекснинг 30-моддасида кўрсатилган юридик шахс жойлашган ердаги судга тақдим этилади<sup>23</sup>. Ушбу қондани қўллашда айрим судьялар “корпоратив низоларнинг барчасида ишда иштирок этувчи шахслар фақат юридик шахс мақомига эга бўлиши шарт” деган нотўғри тушунчага эга бўлишади. Аслида ундай эмас. Юқорида муҳокама қилинаётган 2 турдаги низо бўйича қимматли қоғозлар эгаси ҳисобланган ҳар қандай юридик шахс ёки ҳар қандай жисмоний шахс, шу жумладан, якка тартибдаги тадбиркор ҳам тараф бўла олади. Фақат улар ИПК 37-моддасининг еттинчи қисмига асосан бу турдаги низолар юзасидан даъво аризаси билан қимматли қоғозларнинг эмитенти ҳисобланган юридик шахс

---

<sup>22</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>23</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

жойлашган ердаги иқтисодий судга мурожаат қилишлари лозим.

Муҳокама қилинаётган 2 турдаги низоларда “эмитентнинг бошқарув органлари қарорлари юзасидан низолашиш” деган тушунча ҳам мавжуд. Бу ерда инобатга олиш керакки, биринчидан, “эмитент” деганда Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддасига кўра, эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарувчи ва улар юзасидан қимматли қоғозларнинг эгалари олдида мажбуриятлари бўлган юридик шахс тушунилади<sup>24</sup>, иккинчидан, даъвогар сифатида қимматли қоғозлар эгаси ҳисобланган юридик шахс ёки жисмоний шахс жавобгар сифатида эмитентнинг бошқарув органи, жумладан, кузатув кенгаши, бошқаруви, бошқарув раиси қарори юзасидан низолашиб, судга даъво аризаси билан мурожаат қилганида жавобгар ушбу бошқарув органи эмас, юридик шахснинг ўзи ҳисобланади. Чунки юридик шахснинг бошқарув органи ҳуқуқ субъекти ҳисобланмаганлиги ва юридик шахс мақомига эга бўлмаганлиги боис у ишда тараф сифатида иштирок эта олмайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддаси мазмунига кўра,

---

<sup>24</sup> www.lex.uz.

қимматли қоғозлар эгаларидан ташқари қимматли қоғозлар бозорининг бошқа иштирокчилари, яъни қимматли қоғозларнинг эмитентлари, инвесторлар, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари, шунингдек биржалар, Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси каби низога дахлдор шахслар ҳам ишда иштирок этувчи шахс сифатида ёки учинчи шахс сифатида иштирок этишлари мумкин<sup>25</sup>.

ИПК 30-моддаси биринчи қисмининг 3-бандида юридик шахс иштирокчиларининг (муассисларининг, аъзоларининг) юридик шахс томонидан тузилган битимларни ҳақиқий эмас деб топиш ва (ёки) бундай битимларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш ҳақидаги даъволари бўйича низолар, 6-бандида юридик шахс иштирокчиларининг умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги низолар, 7-бандида юридик шахс бошқарув органларининг қарорлари устидан шикоят қилиш тўғрисидаги низолар корпоратив низоларнинг турлари сифатида кўрсатилган<sup>26</sup>.

Ушбу қоидалардаги “юридик шахс” тушунчаси тижорат ташкилотлари билан бирга нотижорат ташкилотларини ҳам ўз ичига олсада, фикримизча, бу ерда тижоратчи ташкилотлар ҳисобланган тўлиқ

---

<sup>25</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>26</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

ширкат, коммандит ширкат, масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамият, акциядорлик жамияти, оилавий корхона, деҳқон хўжалиги, хусусий корхона, унитар корхона, шўъба корхона ва бошқа ташкилий-хукукий шаклдаги юридик шахслар назарда тутилмоқда.

Хуқуқшунос М.Саидовнинг фикрига кўра, ташкил этилиши, фаолият кўрсатиши ва бошқарувни амалга ошириш тартиби ва усуллари мос келганлиги учун айрим тоифадаги нотижорат ташкилотлари ҳам корпорация ҳисобланади.

Жумладан, ФКнинг 3-параграфида матлубот кооперативлари нотижорат ташкилотлар туркумига киритилган ва унинг 73-моддасида иштирокчиларнинг моддий (мулкӣ) эҳтиёжларини қондириш мақсадида фуқароларнинг аъзоликка асосланган ихтиёрий бирлашмаси матлубот кооперативи ҳисобланиб, бу бирлашув унинг аъзолари томонидан ўз мулкӣ (пай) бадалларини қўшиш йўли билан амалга оширилиши кўрсатилган.

Шу билан бирга Кодекс мазкур моддасининг олтинчи қисмида матлубот кооперативининг тижорат фаолиятига нисбатан ушбу Кодекснинг тижоратчи ташкилотлар тўғрисидаги қоидалари қўлланилиши ҳақидаги қоида акс этган. Демак, тижоратчи ташкилот ҳисобланмасада, матлубот кооперативини корпоративнинг бир тури сифатида кўрсатса бўлади.

Бундан ташқари ушбу модданинг еттинчи қисмида матлубот кооперативларининг ҳуқуқий маъноси, шунингдек улар аъзоларининг ҳуқуқ ва бурчлари ушбу Кодексга ва бошқа қонунларга мувофиқ белгиланиши қайд этилган. Бу ерда бошқа қонунлар деганда Ўзбекистон Республикасининг "Кооперация тўғрисида"ги Қонуни ҳам назарда тутилган<sup>27</sup>. Муҳокама қилинаётган 3 турдаги низоларда матлубот кооперативи ҳам тараф сифатида иштирок эта олади.

Фикримизча, бу каби тушунтиришлар Олий суд Пленумининг қарори билан берилиши мақсадга мувофиқ.

---

<sup>27</sup> Корпоратив низолар: тушунчаси, турлари ва уларни судда кўришнинг ўзига хос жиҳатлари. Судьялар ва аҳоли учун амалий қўлланма /М.Саидов. – Тошкент: 2019, 20-бет.

## **2-БОБ**

### **КОРПОРАТИВ НИЗОЛАР БЎЙИЧА СУДГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида биргаликда фаолиятни бошлаган иштирокчилар (таъсисчилар)ни қоида тариқасида, муайян мақсадга эришишга бўлган интилиш, моддий манфаатдорлик бирлаштириб туради ва улар шу мақсад сари биргаликда ҳаракат қилишади. Аммо муайян вақт ўтиши билан айрим иштирокчилар турли сабабларга кўра жамият фаолиятига бўлган кизиқишни йўқотиши оқибатида унинг фаолиятидаги иштирокига яқун ясашади, баъзида эса муайян ҳолатлар ва вазиятлар бўйича улар бир-бирлари билан жанжаллашиб ҳам қолишади. Бундай ҳолатлар нафақат иштирокчилар, шунингдек жамият бошқарув органлари фаолиятида ҳам учраб туради.

Корпоратив муносабатдаги бу каби келишмовчиликларни музокаралар орқали ҳал этиш имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда, корпоратив муносабат субъектлари ўз бузилган ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишга ҳаракат қилишади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига мувофиқ, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашма-

ларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади<sup>28</sup>.

Корпоратив ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар бўйича иқтисодий судга мурожаат қилинади ва у ИПКда белгиланган тартибда амалга оширилади. Жумладан, ИПКнинг 3-моддасида кўрсатилишича, ҳар қандай манфаатдор шахс ўзининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун иқтисодий судга ИПКда белгиланган тартибда мурожаат қилишга ҳақли. Судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан воз кечиш ҳақиқий эмас<sup>29</sup>.

Маълумки, судга мурожаат қилиш – суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқидан фойдаланишдаги дастлабки қадам ҳисобланади. Судга мурожаат қилиш борасида ИПКда белгиланган тартибга риоя қилинмаслик низонинг судда кўриб чиқилмаслигига сабаб бўлиши мумкин. Таъкидлаш керакки, амалдаги иқтисодий процессуал қонунчиликка кўра, муайян низони судда кўриб ҳал этишда ушбу низонинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда ўзига хос белгиланган тартиб-таомилларга риоя қилиниши зарур.

Корпоратив низолар бўйича процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллашда инобатга олиш керакки, мазкур тоифадаги низо юзасидан иқтисодий судга

---

<sup>28</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>29</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).



муурожаат қилиш шакли борасида ИПК ва “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонун нормалари ўртасида муайян фарқ мавжуд. Жумладан, Қонуннинг 41-моддасига кўра, жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари, жамиятнинг устави талаблари бузилган ҳолда қабул қилинган ҳамда жамият иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузادиган қарори овоз беришда иштирок этмаган ёки баҳсли қарорга қарши овоз берган жамият иштирокчисининг **аризасига** кўра суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Мазкур модданинг иккинчи қисмига кўра, суд ишнинг барча ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда, агар ариза берган жамият иштирокчисининг овози овоз бериш натижаларига таъсир кўрсата олиши мумкин бўлмаса ва (ёки) йўл қўйилган қоидабузарлик жиддий бўлмаса ва (ёки) қарор жамиятнинг ана шу иштирокчисига зарар етказмаган бўлса, **шикоятга** сабаб бўлган қарорни ўз кучида қолдиришга ҳақлидир<sup>30</sup>.

Бу каби ҳолатлар махсус қонунларда корпоратив низоларнинг юзага келиш ҳолатига кўра турлича ифодаланган. Аммо даъво аризаси процессуал ҳужжат бўлганлиги сабабли унинг шаклиг

---

<sup>30</sup> www.lex.uz.

ИПКда белгиланган шартларга мувофиқ бўлиши лозим.

ИПКнинг ўзида бу борада уч хил ёндашувни кузатиш мумкин. Жумладан, ИПКнинг 1-моддасида иқтисодий суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонунчилик буйруқ тартибида иш юритишга оид, даъво тартибида иш юритишга оид ва алоҳида тоифадаги ишларни кўришга оид процессуал тартибни белгилаши қайд этилган<sup>31</sup> бўлса-да, ушбу Кодексда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексидан фарқли равишда алоҳида тоифадаги ишлар махсус бўлим сифатида ажратиб кўрсатилмаганлиги сабабли айнан қайси тоифадаги ишлар назарда тутилганлигини аниқлаш имконияти мавжуд эмас.

ИПКнинг конструктив шаклидан келиб чиқиб, корпоратив низоларга алоҳида тоифадаги иш сифатида ёндошилган тақдирда судга “ариза” шаклида мурожаат қилиниши лозим. Шу ўринда, Россия Федерацияси Арбитраж процессуал кодексида ҳам “Корпоратив низоларга оид ишларни кўриш” деб номланган арбитраж судидаги алоҳида тоифадаги ишларни ишларни кўриш хусусиятлари тўғрисидаги IV бўлимида белгиланган. Лекин алоҳида судловга тегишлилик масалаларини тартибга солишга қаратилган ИПК 37-моддасининг бешинчи қисмида

---

<sup>31</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

корпоратив низолар бўйича мурожаат “даъво” шаклида бўлиши белгиланган. ИПКнинг 30-моддасида эса бошқарув органлари қарорлари устидан низолашишда судга мурожаат қилиш шакли сифатида “шикоят” кўрсатилган<sup>32</sup>.

Ҳуқуқшунос профессор Ш.Шораҳметов, даъво тушунчасига ҳуқуқнинг ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатнинг ҳимоя қилиниши тўғрисида судга ёки бошқа ваколатли ташкилотга мурожаат деб таъриф берган<sup>33</sup>. Судга мурожаат қилишнинг процессуал жиҳатларини ўрганган тадқиқотчи олим М.Тимоновга кўра, даъво - бу қонуний ҳуқуқлар, эркинлар ва манфаатларни судда ҳимоя қилишни талаб қилиш жараёнидир<sup>34</sup>.

Фикримизча, корпоратив низолар бўйича ишларни ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда амалдаги қонун ҳужжатларига (ИПК, Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуни ва бошқалар) бундай низоларнинг алоҳида тоифадаги ишлар сирасига киришини, аммо бу ишларнинг табиатидан келиб чиққан ҳолда корпоратив низолар бўйича ҳуқуқни тиклаш тўғрисида судга “ариза” ёки “шикоят” билан

---

<sup>32</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>33</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. (Дарслик). –Т.: “Адолат”, 2001. 136 -бет

<sup>34</sup> Тимонов М.А. Особенности применения обеспечительных мер в арбитражном процессе. Дис... канд. юр. наук. С.-Петербург 2006. С. 63.

эмас “даъво аризаси” (даъво тартибида) билан мурожаат қилинишини назарда тутувчи тегишли ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш лозим.

Мурожаат даъво аризаси шаклида берилганда тарафлар – “даъвогар” ва “жавобгар” деб аталади. ИПҚнинг 43-моддасига кўра, ўз ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида даъво тақдим этган ёки манфаатлари кўзланиб даъво тақдим этилган юридик шахслар ва фуқаролар даъвогарлардир<sup>35</sup>. Иштирокчини жамиятдан чиқариш, дивиденд ундириш каби даъволар бўйича судга мурожаат қилган иштирокчи даъвогар мақомига эга бўлади. Аммо муайян тоифадаги корпоратив низолар мавжудки, улар бўйича даъво аризаси иштирокчи томонидан имзолансада, даъво аризаси юридик шахснинг манфаатида берилади.

Юридик шахс иштирокчиларининг (муассисларининг, аъзоларининг) юридик шахс томонидан тузилган битимларни ҳақиқий эмас деб топиш ва (ёки) бундай битимларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш иштирокчининг жамият кузатув кенгашининг аъзоси, жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органи ва жамиятнинг коллегиял ижро этувчи органи аъзоси томонидан жамиятга етказилган зарар ўрнини қоплаш

---

<sup>35</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

ҳақидаги даъволари бўйича низолар шулар жумласидандир.

Даъво ёки билдирилган талаб тақдим этилган юридик шахслар ва фуқаролар жавобгарлардир. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумини “Иқтисодий судлар томонидан корпоратив низоларни ҳал этишнинг айрим масалалари тўғрисида” 2014 йил 20 июндаги 262-сонли қарорнинг 17-бандида ёзилишича, акциядорлик жамиятининг бошқарув органларининг (умумий йиғилиш, кузатув кенгаши, ижроия органи) қарорларини тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъволар бўйича жавобгар бўлиб ушбу бошқарув органлари эмас, балки жамиятнинг ўзи ҳисобланади. Даъво аризасида жавобгар сифатида муайян бошқарув органи кўрсатилганлиги, даъво аризасини қабул қилишни рад этиш ёхуд ИПКнинг 45-моддасида белгиланган тартибга риоя қилган ҳолда жавобгарни алмаштириш учун асос бўлади<sup>36</sup>.

Масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамиятнинг бошқарув органлари қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида берилган даъво аризаларини иш юритишга қабул қилиш масаласи ҳам худди шу тартибда ҳал этилади. Пленум қарорида бошқарув органининг фуқаролик ҳуқуқий муносабатда ҳуқуқ лаёқатига эга бўлмаслиги

---

<sup>36</sup> www.lex.uz.

сабабли судларга мазкур мазмунда тушунтириш берилган.

Инобатга олиш керакки, корпоратив низо бўйича даъво аризасининг шакли ва мазмунига қўйилган талаб ИПКнинг 149-моддасида белгиланган тартибда расмийлаштирилади. Шундай экан, даъво аризаси судга ёзма шаклда берилади. У даъвогар ёки унинг вакили томонидан имзоланади.

Даъво аризасида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- 1) ариза берилаётган суднинг номи;
- 2) ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми), жойлашган ери (почта манзили) ёки яшаш жойи;
- 3) агар даъво баҳоланиши лозим бўлса, даъвонинг баҳоси;
- 4) даъво талабларига асос бўлган ҳолатлар;
- 5) даъво талабларининг асосларини тасдиқловчи далиллар;
- 6) ундирилаётган ёки низолашилаётган сумманинг ҳисоб-китоби;
- 7) даъвогарнинг қонунчиликка асослаб келтирган талаблари, даъво бир нечта жавобгарга нисбатан тақдим этилганда эса уларнинг ҳар бирига нисбатан талаблар;
- 8) жавобгар билан низои судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, агар бу шу тоифадаги

низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса;

9) илова қилинаётган ҳужжатларнинг рўйхати<sup>37</sup>.

Бундан ташқари, мазкур тоифадаги низоларни иш юритишга қабул қилишда ИПКнинг 213-моддаси талабларига ҳам эътибор қаратилиши зарур. Ушбу норма талабларига асосан корпоратив низо бўйича даъво аризаси ИПКнинг 149-моддасида назарда тутилган талабларга, яъни даъво аризасининг шакли ва мазмунига мувофиқ бўлиши керак<sup>38</sup>.

Даъво аризасига ИПКнинг 151-моддасида назарда тутилган ҳужжатлардан ташқари юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ва унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳужжат ҳам илова қилиниши лозим. Мазкур талабларга риоя қилинмаган ҳолда иш юритишга қабул қилинган даъво аризаси (ариза) процессуал қонунбузилиши ҳисобланади.

Таъкидлаш керакки, амалиётда ушбу қоидага риоя қилинмаган ҳолда иш юритишга қабул қилинган даъво аризаси ишни кўриш жараёнида суднинг ташаббуси, жавобгар ёки ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномасига асосан иш судловга тегишлилик қоидаларини бузган ҳолда қабул

---

<sup>37</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>38</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

қилинганлиги сабабли ИПКнинг 39-моддасига асосан ажрим чиқариш орқали тегишли ваколатли судга ўтказилади. Бир қарашда ушбу ҳаракат орқали процессуал қонунбузулиши баратараф этилгандек туюлсада, аммо бу ҳолат ўз навбатида ишда иштирок этувчи шахсларнинг оворагарчилигига сабаб бўлиши мумкин.

ИПКнинг 44-моддасига кўра, корпоратив низолар бўйича ҳам даъво бир неча даъвогар (шерик даъвогарлар) томонидан биргаликда ёки бир неча жавобгарга (шерик жавобгарларга) нисбатан тақдим этилиши мумкин<sup>39</sup>. Бунда даъво аризасида тарафларнинг ҳар қайсисининг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми), жойлашган ери (почта манзили) ёки яшаш жойи алоҳида кўрсатилиши, бир неча даъвогар томонидан берилган даъво аризалари ҳар бир даъвогар томонидан имзоланиши лозим. Даъво аризасининг шерик даъвогарларнинг бири томонидан имзоланмасдан судга тақдим этиш ҳолатининг ҳуқуқий оқибатлари бўйича ҳар хил ёндашувлар мавжуд. Фикримизча, шериклардан бири томонидан имзоланмаган даъво аризаси ИПК 155-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига мувофиқ қайтарилиши лозим. Бироқ ушбу ҳолат даъво аризаси иш юритишга қабул қилинганидан кейин аниқланса, у

---

<sup>39</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).



даво аризасини кўрмасдан қолдириш учун асос бўлиб ҳисобланмайди.

Масалан, “Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 8-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, иштирокчини жамиятдан чиқариш талаби билан судга фақат жами улушлари жамият устав фонди (устав капитали) нинг камида ўн фоизини ташкил этадиган жамият иштирокчилари мурожаат қилишлари мумкин<sup>40</sup>. Бунда судлар эътиборга олишлари лозимки, жами улушлари жамият устав фонди (устав капитали)нинг камида ўн фоизини ташкил этадиган битта иштирокчи ҳам, жами улушлари жамият устав фонди (устав капитали)нинг камида ўн фоизини ташкил этадиган бир неча иштирокчи ҳам бундай талаб билан судга мурожаат қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасини «Хўжалик ширкатлари тўғрисида»ги Қонуни 19-моддасининг бешинчи қисмига кўра ширкат ишларини юритиш бўйича бир ёки бир неча иштирокчига берилган ваколатлар, асослар мавжуд бўлган тақдирда, хусусан ваколатли шахс (шахслар) ўз ваколатларини кўпол равишда бузган ҳолларда ёки унинг (уларнинг) ширкат ишларини юритишга қобилиятсизлиги аниқланганда, ширкатнинг бир ёки бир неча бошқа

---

<sup>40</sup> www.lex.uz.

иштирокчиларининг талабига биноан суд томонидан тугатилиши мумкин<sup>41</sup>. Бундай ҳолда суднинг ҳужжати асосида ширкатнинг таъсис шартномасига зарур ўзгартишлар киритилади.

“Хўжалик ширкатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 22-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ ширкат иштирокчилари бирор-бир иштирокчини қолган иштирокчиларнинг бир овоздан қабул қилган қарорига кўра ва бунга асослар мавжуд бўлган тақдирда, хусусан ана шу иштирокчи ўз мажбуриятларини қўпол равишда бузган ҳолларда ёки унинг ширкат ишларини юритишга қобилиятсизлиги аниқланганда, ширкатдан суд тартибида чиқариб юборишни талаб қилишга ҳақлидирлар<sup>42</sup>.

Бир нечта иштирокчи судга мурожаат қилганда даъво аризаси ушбу иштирокчиларнинг барчаси ёки уларнинг вакили (вакиллари) томонидан имзоланган бўлиши керак. Суд шериклардан бири томонидан имзоланмаган даъво аризаси бўйича ҳал қилув қарори қабул қиларкан, имзоламаган даъвогарнинг даъвосини кўрмасдан қолдириб, даъво аризасини имзолаган даъвогарнинг даъвосини далилларнинг мақбуллиги ва дахлдорлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқади.

---

<sup>41</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>42</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

Даъвогар ўзаро боғлиқ бўлган бир неча талабни битта даъво аризасига бирлаштиришга ҳақли. Умумий йиғилиш қарорини ҳақиқий эмас деб топиш, ушбу қарорга асосан тузилган битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг оқибатларини қўллаш тўғрисидаги даъволар бир неча талаб бирлаштирилган корпоратив низолар орасида сон жиҳатидан нисбатан кўп. Масалан, Зангиота туманлараро иқтисодий судида “GARANT” масъулияти чекланган жамиятининг АЖ шаклидаги “LAZZAT” қўшма корхонаси, чет эл капитали иштирокидаги “KORBANK” акциядорлик тижорат банки ва “AMIR” масъулияти чекланган жамиятига нисбатан АЖ шаклидаги “LAZZAT” қўшма корхонасининг 2018 йил 4 июлдаги 4-сонли бошқарув йиғилиш баённомасини ҳақиқий эмас деб топиш ва тарафлар ўртасида 2018 йил 13 июлда тузилган гаров (ипотека) шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талаблари бирлаштириб қўрилган иш бўйича даъволарни бунга мисол сифатида келтириш мумкин.

Суд амалиёти таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, корпоратив низолар бўйича даъво аризасида бирлаштирилган талабларнинг айримлари иқтисодий судга, бошқалари эса фуқаролик ишлари бўйича судга ёки маъмурий судга тааллуқли бўлади. Хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни, улушларни, кооперативлар аъзоларининг пайларини ўз ичига

олувчи мерос мол-мулкни ёки эр-хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган низолар, меҳнатга оид низолар, давлат рўйхатига олиш билан боғлиқ бўлган ёки давлат органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги талаблар шулар жумласидандир.

Ўзаро боғлиқ бир нечта талаб бирлаштирилган бўлиб, уларнинг айримлари фуқаролик ишлари бўйича судга ёки маъмурий судга, бошқалари эса иқтисодий судга тааллуқли бўлса, хусусан, иқтисодий судга тааллуқли бўлган талаб билан бирга давлат рўйхатига олиш билан боғлиқ бўлган ёки давлат органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш каби талаблар ҳам қўйилган бўлса, даъво аризаси (ариза) ИПК 155-моддаси биринчи қисмининг 4-бандига асосан қайтарилади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми “Биринчи инстанция суди томонидан иқтисодий процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 2019 йил 24 майдаги Қарорини 8-бандида тушунтириш берилган<sup>43</sup>. Мазкур тушунтиришда эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳат шундаки, корпоратив низо билан бирга иқтисодий судга тааллуқли бўлмаган (фуқаролик ишлари бўйича судга ёки маъмурий судга тааллуқли) талаб бирлаштириб берилган тақдирда, даъво аризасини қабул қилишни

---

<sup>43</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

рад этилишига йўл қўйилмайди. Қоида тариқасида (ИПКнинг 25-моддаси) ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари иқтисодий судга, бошқалари эса фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлган бир нечта талаб бирлаштирилган тақдирда, барча талаблар фуқаролик ишлари бўйича судда кўрилиши лозим.

Агар ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари иқтисодий судга, бошқалари эса фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлган бир нечта талаб бирлаштирилиб берилган даъво аризаси иш юритишга қабул қилинган бўлса, ИПК 110-моддасининг 1-бандига асосан иш юритиш тугатилади.

Агар ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари иқтисодий судга, бошқалари эса маъмурий судга тааллуқли бўлган бир нечта талаб бирлаштирилиб берилган даъво аризаси иш юритишга қабул қилинган бўлса, суд иқтисодий судга тааллуқли бўлган талабни мазмунан кўриб чиқиши, маъмурий судга тааллуқли талаб бўйича эса ИПК 110-моддасининг 1-бандига асосан иш юритиш тугатилиши лозим.

Маълумки, иқтисодий процессуал қонунчиликка кўра, муайян тоифадаги низолар учун судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартиби қонунда белгиланган ёхуд бу тартиб шартномада назарда тутилган бўлса, тарафлар ўзаро муносабатларини ихтиёрий равишда ҳал қилиш чораларини кўрганларидан кейингина судда иш қўзғатилиши мумкин. Талабнома юбориш тартиби айрим

корпоратив низоларга ҳам тааллуқлидир. Масалан, таъсис шартномасига ўзгартириш ёки қўшимча киритиш тўғрисидаги масала юзасидан таъсисчилар (иштирокчилар) ўзаро келишувга эриша олмасаларгина, манфаатдор тараф таъсис шартномасига ўзгартириш ёки қўшимча киритиш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилишга ҳақли. Чунки инobatга олиш лозимки, таъсис шартномаси ҳам битим ҳисобланади. Шунинг учун унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш масаласи битимларга оид қоидалар асосида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. ФКнинг 384-моддаси мазмунига кўра, манфаатдор тараф таъсис шартномасини ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки таклифда кўрсатилган ёхуд қонунда ёинки шартномада белгиланган муддатда, бундай муддат бўлмаганида эса – ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги талабни судга тақдим этиши мумкин<sup>44</sup>. Агар ушбу тоифадаги ишлар бўйича низони судгача ҳал қилиш тартибига риоя этилмаган бўлса, бу ҳолат ИПК 155-моддаси биринчи қисмининг 7-бандига асосан даъво аризасини қайтариш учун, даъво аризаси иш юритишга қабул қилинган тақдирда 107-

---

<sup>44</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

моддасининг 5-бандига мувофиқ, даъвони кўрмасдан қолдириш учун асос ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленуми “Иқтисодий судлар томонидан корпоратив низоларни ҳал этишнинг айрим масалалари тўғрисида” 2014 йил 20 июндаги 262-сонли қарорини 13.1-бандида берилган тушунтиришга кўра, судлар шуни эътиборга олишлари керакки, акциядорнинг ўзига қарашли акцияларни қайтариб сотиб олиш тўғрисидаги талабини акциядорлар умумий йиғилишининг тегишли қарори қабул қилинган кундан эътиборан кечи билан ўттиз кун ичида жамиятга тақдим қилишлари керак. Ушбу талаб ёзма шаклда берилиши ва унда акциядорнинг яшаш манзили (жойлашган манзили) ҳамда у қайтариб сотиб олинишини талаб қилаётган акциялар сони кўрсатилган бўлиши керак. Бунда қайд этилган ўттиз кунлик муддат низони судгача ҳал этиш муддати ҳисобланишини назарда тутиш лозим. Судлар бундай даъволарни кўриш жараёнида акциядор томонидан талабнома жамиятга қарор қабул қилинган кундан эътиборан, ўттиз кун ичида юборилганлигини текширишлари лозим. Агар талабнома ушбу муддат ичида юборилган бўлмаса, даъво бўйича иш юритиш ИПК 110-моддасининг 8-бандига асосан тугатилиши лозим<sup>45</sup>.

---

<sup>45</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

Амалдаги қонун ҳужжатларига кўра, акциядор жамиятга ўз акцияларини қайтариб сотиб олиш талабини қўйиши ҳам мумкин. Бундай ҳолда “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 41-моддасининг тўртинчи қисмига кўра, ўттиз кунлик муддат тугаганидан сўнг жамият қайтариб сотиб олиш талабини қўйган акциядордан акцияларни ўн кун ичида сотиб олиши шарт<sup>46</sup>. Шу боис, судлар эътиборга олишлари керакки, ўн кунлик муддатни ҳисоблаш акциядорлар умумий йиғилишининг тегишли қарори қабул қилинган кундан эътиборан ўттиз кун ўтганидан сўнг бошланади. Агар ҳал қилув қарорини қабул қилиш пайтида мазкур модданинг биринчи ва иккинчи хатбошиларида кўрсатилган муддатлар ўтмаган бўлса, акциядорнинг ўз акцияларини қайтариб сотиб олиш ҳақидаги мажбуриятни юклаш тўғрисидаги даъво талаби, жамият томонидан мажбуриятни бажариш муддати келмаганлиги сабабли, рад этилиши лозим.

Амалиётда тушунмовчилик келтириб чиқараётган яна бир муҳим масала шуки, ИПКнинг 148-моддасида манфаатдор шахслардан ташқари, прокурорнинг аризаси бўйича, шунингдек, давлат органлари ва бошқа шахслар юридик шахслар ва

---

<sup>46</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).



фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қонун бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган ҳолларда, шу давлат органларининг ва бошқа шахсларнинг аризалари бўйича иш қўзғатилиши белгиланган<sup>47</sup>. Мазкур норма корпоратив низоларга оид судларга қилинадиган мурожаатларга нисбатан ҳам татбиқ этиладими ёки йўқми, деган саволга судьялар турлича фикр билдиришади. Фикримизча, мумкин. Чунки, қонунда бу каби даъволарнинг тақдим этилишига ҳеч қандай тақиқ мавжуд эмас. Масалан, Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида<sup>48</sup>ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 56-моддасининг биринчи қисми мазмунига кўра, қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи инвесторларнинг, қимматли қоғозлар эгаларининг, давлатнинг манфаатларини кўзлаб судда даъво қўзғатишга ҳақли<sup>48</sup>. Бу ерда судлар инобатга олишлари лозимки, ваколатли давлат органининг даъво аризасида у кимнинг манфаатини кўзланаётганлиги кўрсатилиши шарт. Чунки бундай даъво аризаларида ваколатли давлат органининг процессуал мақоми даъвогар сифатида эмас, балки ишда иштирок этувчи шахс сифатида белгиланади.

---

<sup>47</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>48</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

Даъво аризасида у кимнинг манфаатини кўзлаб берилаётганлиги кўрсатилган бўлмаса, даъво аризаси ИПК 155-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан қайтарилиши лозим.

### **3-БОБ**

## **КОРПОРАТИВ НИЗОЛАРНИНГ СУДГА ТААЛЛУҚЛИЛИГИ МАСАЛАСИ**

Низоларнинг судга тааллуқлилиги масалалари суд тизимининг қайси тармоғи ваколатига мансублиги мезонларининг аниқ белгилаб қўйилиши, ҳуқуқий ҳимоя кафолатининг самарали воситаси бўлиб, бу - фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишдан иборат бутун суд тизими тармоқлари судларининг, яъни фуқаролик ишлари бўйича судлар, жиноят ишлари бўйича судлар, маъмурий судлар ва иқтисодий судларнинг одил судловни таъминлашдан иборат умумий мақсадига эришишида муҳим аҳамият касб этади.

Судларда иш юритишда тааллуқлилиқ - бу муайян низони у ёки бу суд (давлат органи) томонидан қўрилиши ва ҳал қилинишига бўлган алоқадорлигини белгилаш институти сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, тааллуқлилиқ процессуал қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган тақдирда қайси судга мурожаат қилиш масаласини ҳал қилиш зарурати вужудга келганда, у тааллуқлилиқ институти орқали ҳал этилади.

Мулкдор ҳуқуқларини, шу жумладан корпоратив бошқарув жараёнида уларнинг қонуний

манфаатларини кафолатланишида судларнинг ўрни бениҳоя юқори. Чунки ҳуқуқларининг кафолати таъминланганлигига “кўзи етмаган” мулкдор бундай ишга кўл урмайди. Шу ўринда корпоратив низоларнинг судларда ҳал этилиши, жумладан қайси суд томонидан ва қандай тартибда ҳал этилиши, мазкур тоифадаги ишларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш муҳим ҳисобланади.

Тааллуқликка оид нормаларнинг аниқ бўлмаган шаклда ифодаланилиши, унинг қоидаларига риоя қилинмаслиги ёки судлар томонидан тааллуқликка оид нормаларнинг нотўғри қўлланилиши суд ҳимоясида бўлиш билан боғлиқ халқаро ҳужжатларда эътироф этилган нормалар билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддаси<sup>49</sup>, “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддаси<sup>50</sup> талабларини бузилишига олиб келиши мумкин.

Судларнинг у ёки бу низони кўриб чиқиши мазкур судга тааллуқли эмас ёхуд даъво аризасида кўйилган талаб суднинг ваколатига кирмаслиги тўғрисидаги ваз билан даъво аризаси (ариза, шикоят)ни қабул қилишни рад этиши, низоларнинг ўз вақтида ҳал этилишидан асоссиз равишда бош

---

<sup>49</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>50</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

тортилганлик сифатида ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини судлар томонидан ҳимоя қилинишининг сансалорлигига сабаб бўлади.

Дарҳақиқат, аввалига даъво аризаси (ариза, шикоят)ни иш юритишга қабул қилиб, иш бўйича манфаатдор шахсларни суд муҳокамасига чақириб, зарур ҳолларда ваколатли идоралардан муайян далилларни талаб қилиб, кейинчалик суднинг ишни судга тааллуқли эмаслиги тўғрисидаги асос билан иш юритишни тугатиши муайян бир ташвиш билан юрган одамнинг ҳафсаласини пир қилиши табиий. Бу каби ҳолатлар ўз навбатида мамлакатда суд ҳокимиятининг нуфузига ҳам путур етказиши мумкин. Низоларнинг тааллуқлилиги борасида сўз юритилганда С.Семенов, тааллуқлилиқнинг нотўғри белгиланиши сабабли у ёки бу масаланинг ноқонуний ечим топиши, нафақат адолат қарор топишини қийинлаштиради, балки жамиятда бутун суд тизимининг ҳуқуқий лаёқатлилигига ишончсизликни вужудга келтиради<sup>51</sup> деб таъкидлайди.

Амалиётдан мисол келтирсак, даъвогар фуқаро К.Олимова жавобгар Давлат хизматлари агентлиги Чилонзор туман бўлими ва қўшимча жавобгар

---

<sup>51</sup> Семенов С.Н. Разграничение подведомственности между арбитражными судами и судами общей юрисдикции / С.Н. Семенов, С.А. Абрамова // Арбитражная практика. – 2004. – № 01 (34). – С. 24.

“GROUP” оилавий корхонасига нисбатан фуқаролик ишлари бўйича Уchteпа туманлараро судига мурожаат қилиб, оилавий корхонанинг таъсис шартномасининг 2-бўлими 2.2-бандини ҳақиқий эмас деб топишни ва ҳақиқий эмас деб топилган таъсис шартномаси оқибатини қўллашни сўраган. Даъво талабида унинг турмуш ўртоғи Д.Олимов умумий рўзғор асосида орттирилган кўчмас мулкни, юридик шахснинг устав фондини шакллантириш учун К.Олимованинг розилигисиз қиритганлиги асос сифатида кўрсатилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Уchteпа туманлараро судининг 2022 йил 10 апрелдаги ажрими даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш рад қилинган. Суд ҳужжатида мазкур келишмовчилик корпоратив низо сифатида иқтисодий судда ҳал этилиши баён этилиб, даъвогарга Тошкент туманлараро иқтисодий судига мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилган.

Даъвогар К.Олимова суднинг ажримини олгач, айнан шу даъво аризаси билан 2022 йилнинг 23 апрелида Тошкент туманлараро иқтисодий судига мурожаат қилган.

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2022 йил 26 апрелдаги ажрими билан низо иқтисодий судга таалуқли эмаслиги сабабли ИПК 154-моддасининг 1-бандига асосан қабул қилиш рад қилинган.

Кейинчалик, даъвогар томонидан суд ҳужжатлари устидан юқори инстанция судларига шикоят киритилган. Бундан ташқари, ушбу ҳолат бўйича турли идораларга кўплаб мурожаатлар қилинган.

Процессуал қонунчиликдаги тааллуқлиликка оид бундай муаммоли ҳолатлар фақат Ўзбекистонда эмас, балки бир қатор ривожланган давлатларда ҳам мавжуд. Масалан, умумий юрисдикция судлари ва маъмурий суд каби икки бир-биридан мустақил суд ҳокимиятига эга бўлган Францияда 1972 йилда ташкил этилган «Tribunal des conflits» – «Зиддиятлар бўйича трибунал» судлар юқоридаги судлар ўртасида тааллуқлилик борасида низо вужудга келганда юрисдикция масаласини ҳал қилади<sup>52</sup>. Ихтисослашган ((Федерал суд палатаси), маъмурий (Федерал маъмурий суд), меҳнат (Меҳнат ишлари бўйича Федерал суд), молиявий (Федерал молия суди) ва ижтимоий (Ижтимоий ишлар бўйича Федерал суд)) суд тизимига эга бўлган Германияда ҳам тааллуқлилик борасида низо вужудга келган тақдирда, унинг ечими Федерация олий судларининг умумий сенатида кўриб чиқилади.

Иқтисодий процессуал ҳуқуқда тааллуқлилик борасида тадқиқод ўтказган И.Салимова тааллуқлилик

---

<sup>52</sup> [https://en.wikipedia.org/wiki/Judiciary\\_of\\_France](https://en.wikipedia.org/wiki/Judiciary_of_France)

институтининг ривожланишини шартли равишда 3 та босқичга бўлаган:

а) биринчи босқич – ҳакамлик (арбитраж) судлари фаолият юритган 1991-1993 йиллар, яъни «government to government» (G2G) даври. Бу даврда ҳакамлик судлари, асосан, давлат ёки жамоа мулкчилиги шаклидаги субъектлар ўртасидаги низоларга «арбитраж» қилиш вазифасини бажарган;

б) иккинчи босқич – хўжалик судлари фаолият кўрсатган 1993-2017 йиллар, яъни «government to business» (G2B) даври. Бу давр хўжалик субъектларининг мулкчилик шаклидан қатъий назар, суд олдида тенг бўлишини таъминлашга, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари давлат органлари томонидан бузилишига нисбатан суд орқали ҳимоя тизими яратилишига хизмат қилган;

в) учинчи босқич – иқтисодий ва маъмурий судлар ташкил этилган 2017 йилдан ҳозирги вақтга қадар, яъни «business to business» (B2B) даври. Ушбу даврда хўжалик судлари иқтисодий судларга айлантирилган, маъмурий судлар ташкил этилган, бу эса, ўз навбатида, иқтисодий судларни, биринчи навбатда, ўзаро тенг бўлган тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги иқтисодий низоларни холис кўриб чиқиб, қонуний ҳал қилишга қаратилган мустақил суд органига айлантиришда муҳим аҳамият касб этган.



Корпоратив низоларнинг судларга тааллуқлилиги, яъни уларнинг қайси суд томонидан ҳал этилиши процессуал қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Корпоратив низоларнинг судларда ҳал этилиши тарихига назар ташлайдиган бўлсак, мазкур тоифадаги низоларда асосан фуқаролар таъсисчи, мулкдор, иштирокчи, юридик шахс ижро органи аъзоси сифатида иштирок этганликлари боис, даставвал, бундай низоларо фуқаролик ишлари бўйича судларда ҳал этилган.

Аmmo мазкур низоларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бундай низоларда аксарият ҳолларда бир тараф жисмоний шахс бўлишига қарамасдан, низо юридик шахснинг иқтисодий фаолияти бўйича, яъни иқтисодиёт соҳасида вужудга келади. Амалиётда фуқаролик ишлари бўйича судлар бундай низоларни айнан шу сабаб бўйича кўриб чиқишни рад этган (иш бўйича иш юритишни тугатган) ҳолатлар кўплаб учрайди. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2017 йил 6 апрелга қадар амалда бўлган 111-моддаси таҳририда мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасидаги, шунингдек тадбиркорлар ўртасидаги, иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган хўжалик низоларини ҳал этиш Олий хўжалик суди ва хўжалик судлари томонидан

уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилиши кайд этилган<sup>53</sup>.

Хўжалик судлари эса Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси (матнда ХПК деб юритилади)нинг шу вақтда амалда бўлган таҳририга асосан субъектив таркиб бўйича, яъни жисмоний шахс хўжалик судида тараф сифатида иштирок эта олмаслигидан келиб чиқиб, бундай низоларни кўриб чиқишга ҳақли бўлмаган. Шу боис, корпоратив низоларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, уларнинг иқтисодиёт соҳасида вужудга келишини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 30 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан ХПКга қўшимчалар киритилиб<sup>54</sup>, корпоратив низоларнинг асосий қисми, аниқроғи иштирокчилар ўртасида, иштирокчилар билан хўжалик ширкатлари ва жамиятлари ўртасида, акциядорлар ўртасида, акциядор билан акциядорлик жамияти ўртасида хўжалик ширкатлари ва жамиятлари фаолиятидан келиб чиқадиган низоларни кўриб чиқиш тааллуқлилиги бўйича хўжалик судларига ўтказилди.

---

<sup>53</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>54</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

ХПКда 2013 йилдан бошлаб мазкур тоифадаги ишлар бўйича низо вужудга келган тақдирда ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиси юридик ёки жисмоний шахс бўлишидан қатъий назар, хўжалик суди томонидан кўриб чиқилишининг белгиланиши хўжалик процессида тараф сифатида фуқаронинг ҳам иштирок этиши ҳуқуқини таъминлаб берган янгилик бўлди.

Таъкидлаш жоизки, корпоратив низоларнинг айримларини хўжалик, бошқаларини эса умумий юрисдикция судига тааллуқлилиги мазкур соҳада вужудга келаётган низоларнинг судлар томонидан ҳал этилиши бўйича ягона суд амалиётининг шакллантирилиши ва такомиллаштирилишида муайян қийинчиқларни келтириб чиқариш билан бир қаторда, корпоратив бошқарув субъектлари ўртасидаги низоларни ҳал этилиши билан боғлиқ оовворагарчиликларига сабаб бўлди.

Кейинчалик, яъни 2015 йил 20 августда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни<sup>55</sup> билан ХПК 23-

---

<sup>55</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

моддасининг 4-бандига иштирокчилар ўртасида, иштирокчилар билан хўжалик ширкатлари ва жамиятлари ўртасида, шу жумладан, акциядорлар ўртасида, акциядор билан акциядорлик жамияти ўртасида хўжалик ширкатлари ва жамиятлари фаолиятдан келиб чиқадиган низоларга доир ишлар, бундан меҳнатга оид низолар мустасно тўғрисидаги ўзгартириш киритилиб, меҳнат низоларидан ташқари барча корпоратив низолар хўжалик судлари томонидан кўриб чиқилиши белгиланди<sup>56</sup>. Шунингдек, ХПКга “Корпоратив низолар бўйича иш юритиш” деб номланган янги боб киритилиб, корпоратив низоларни хўжалик судлари томонидан кўришнинг процессуал жиҳатлари белгиб берилди. Мазкур қонун билан “корпоратив низо” атамаси илк мартаба хўжалик процессуал қонунчилигида акс эттирилди.

Натижада корпоратив низо тарафларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини янада самарали ҳимоя қилишининг ҳуқуқий асоси яратилиб, корпоратив низоларни умумий юрисдикция ва хўжалик судлари томонидан ҳал этиш амалиётида мавжуд бўлган тааллуқлилиқ борасидаги муаммолар бартараф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини

---

<sup>56</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4966-сонли Фармони<sup>57</sup>га асосан суд тизимига ўзгартириш киритилганидан кейин, яъни 2017 йилнинг 1 июнидан бошлаб корпоратив низолар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий судлари, туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судлари томонидан ҳал этилиб келинмоқда ва бу борада низоларни кўриб чиқиш 2018 йил 24 январда қабул қилинган ИПКда белгиланган тартибда амалга оширилмоқда.

ИПКнинг 30-моддасида етти хил шаклдаги корпоратив низолар санаб ўтилган:

1) юридик шахсни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш билан боғлиқ низолар;

2) хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларнинг, улушларнинг, кооперативлар аъзолари пайларининг мансублиги, уларга юкламалар белгилаш ва улардан келиб чиқадиган ҳуқуқларни амалга ошириш билан боғлиқ низолар, бундан хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни, улушларни, кооперативлар аъзоларининг пайларини ўз ичига олувчи мерос мол-мулкни ёки эр-хотиннинг умумий мол-мулкни

---

<sup>57</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

бўлиш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган низолар мустасно;

3) юридик шахс иштирокчиларининг (муассисларининг, аъзоларининг) юридик шахс томонидан тузилган битимларни ҳақиқий эмас деб топиш ва (ёки) бундай битимларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш ҳақидаги даъволари бўйича низолар;

4) қимматли қоғозлар эмиссияси билан, шу жумладан эмитентнинг бошқарув органи қарорлари юзасидан низолашиш билан, эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштириш жараёнида тузилган битимлар, эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқариш (қўшимча равишда чиқариш) натижалари бўйича ҳисоботлар (хабарномалар) юзасидан низолашиш билан боғлиқ низолар;

5) қимматли қоғозларни номинал сақловчиларнинг акциялар ва бошқа қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш, қонунда назарда тутилган бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларни қимматли қоғозларни жойлаштириш ва (ёки) уларнинг муомаласи муносабати билан қимматли қоғозларнинг номинал сақловчилари томонидан амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятдан келиб чиқадиган низолар;

6) юридик шахс иштирокчиларининг умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги низолар;

7) юридик шахс бошқарув органларининг қарорлари устидан шикоят қилиш тўғрисидаги низолар<sup>58</sup>.

Таъкидлаш керакки, қонун ҳужжатларида корпоратив низолар тушунчаси, уларнинг мазмуни бўйича аниқ тушунтиришлар мавжуд эмас. Хорижий мамлакатларнинг қонун ҳужжатларида, шунингдек айрим ҳуқуқшунос олимларнинг тадқиқот ҳамда илмий ишларида бундай низоларга тушунча беришда турлича ёндашилган. Барча ёндашувларнинг асоси мазкур тоифадаги низоларнинг негизида корпоратив муносабатлар туриши кўрсатилган.

Д.Северинга кўра, корпоратив низо – бу тадбиркорлик ва бошқа (иқтисодий) фаолият билан боғлиқ, корпорация ишларини бошқариш ва юритишда ёки унинг капиталида иштирок этиш корпорация иштирокчилари, корпорация ва унинг иштирокчилари, органлари (органлари аъзолари) ва корпорация иштирокчилигига талабгор ёки талабгор бўлмаган, лекин улушга бўлган ҳуқуқлари орқали корпорацияга талаб қўйишга ҳақли бошқа шахслар ўртасидаги низо ҳисобланади<sup>59</sup>.

---

<sup>58</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>59</sup> Северин Д.Н. Рассмотрение судами споров, вытекающих из условий учредительства хозяйственных обществ (корпоративные споры). Автореферат диссертации на сосикание ученой степени кандидата юридических наук. Минск, 2014. Стр.13

Иқтисодий судларга муружаат қилиш тартиби тўғрисидаги қўлланмада тадбиркорлик субъектлари бўлган акциядорлик жамиятлари ва масъулияти чекланган жамиятлар, қўшимча масъулиятли жамиятлар, уй-жой мулкдорлари ширкатлари, матлубот кооперативлари ва улушли мулкка асосланган хўжалик юритувчи субъектлар иштирокчилари ўртасида ёки айнан шу субъектлар бошқарув органлари ва уларнинг иштирокчилари ўртасида юзага келадиган низолар, юридик шахсни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш билан боғлиқ низолар корпоратив низолар ҳисобланади<sup>60</sup>, деб таъриф берилган.

Айрим ҳуқуқий адабиётларда корпоратив низоларнинг қуйидаги мезонлари ажратиб санаб ўтилган:

а) низо иштирокчилари сони камида иккита бўлиши, булар сифатида корпорация, корпорация иштирокчиси, иштирокчилари, қимматли қоғозлар реестр сақловчиси, депозитарий ва ҳ.к. бўлиши кераклиги;

б) низо тарафларининг ҳуқуқий зиддияти, корпоратив муносабатлар иштирокчиларининг мақсад ва манфаатларидан келиб чиққанлиги;

в) низонинг объекти корпорация фаолияти билан боғлиқ ёки корпорация манфаатларидан келиб

---

<sup>60</sup> Iktisodij-sudlarga-murozaat-kilis-tartibi-amalij-kullanma.pdf



чиқувчи талабларга оид корпоратив ёки бошқа муносабатлар эканлиги;

г) низо асоси - бошқа томоннинг иродасини бошқариш ёки назорат қилиш имконини олиш ёки ўз мақоми ва юридик ҳолатини ўзгартиришга қаратилган ҳаракат бўлиши кераклиги.

Ю.Пашкова корпоратив низоларни объектига мувофиқ куйидаги туркумга бўлган:

1) акциялар (улушлар, пайлар) га эгалик билан боғлиқ ҳуқуқларни амалга ошириш билан боғлиқ низолар;

2) акциялар тури ёки иштирокчининг турига (тўлиқ ёки коммандит ширкатчилигига) боғлиқ ҳуқуқларни амалга ошириш билан низолар;

3) корпорация шаклига боғлиқ ҳуқуқларни амалга ошириш билан боғлиқ низолар<sup>61</sup>.

Г. Осокинанинг фикрига кўра, корпоратив низоларни икки хил белгига қараб, яъни предметига (низолари ҳуқуқий муносабатнинг характерига қараб) ва субъектига (шундай низолари ҳуқуқий муносабат иштирокчисининг маълум мақомга эгаллиги)га қараб аниқланиши тўғри мезон ҳисобланади<sup>62</sup>.

---

<sup>61</sup> Пашкова Е.Ю. Подведомственность арбитражным судам споров, возникающих из корпоративных правоотношений. Автореферат диссертации на соискание кандидата юридических наук. Москва-2016. Стр.9.

<sup>62</sup>Осокина Г.Л. Подведомственность и подсудность дел гражданского судопроизводства. Томск, 1993. С. 10.

Судья М.Эшимбетова корпоратив низоларнинг объектига ва субъектига нисбатан классификация қиларкан, иштирок этувчи субъектлар доирасини аниқлашнинг мураккаблигини алоҳида таъкидлайди. У тааллуқлиликини аниқлаш мезонлари бўйича фикр-мулоҳазалар билдирар экан, корпоратив низолар субъект мезони доирасида нафақат корпорация иштирокчилари, корпорациянинг ўзи, шу билан бирга корпорация ва иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир этувчи, яъни улар билан муносабатга киришувчи ташқи субъектлар, жумладан, депозитарийлар, қимматли қоғозлар номинал сақловчилар ва реестр сақловчилар, шунингдек, қимматли қоғозлар соҳасидаги ваколатли органларни ҳам киритиш мумкинлиги тўғрисида хулоса қилади.

Корпоратив низо тушучасига берилган таъриф, унинг аниқлаш мезонларидан келиб чиқиб, ИПКнинг 30-моддаси<sup>63</sup>да кўрсатилган корпоратив низоларнинг рўйхати тугал ҳисобланмаслиги, ушбу моддада кўрсатилмаган, аммо ўзининг моҳиятига кўра корпоратив низо ҳисобланган даъволар ҳам иқтисодий судлар томонидан ҳал этилиши лозимлигига яна бир қарра гувоҳ бўламиз. Шунинг учун низонинг ушбу рўйхатда кўрсатилмаганлигини асос қилиб, даъво аризасини қабул қилишни рад этишга ёки иш юритишни тугатишга йўл қўйилмайди.

---

<sup>63</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

Суд амалиётида муайян талаблар бўйича ИПКда назарда тутилган корпоратив низолар рўйхатида мавжуд эмаслиги ёки ҳимоя қилиш усули нотўғри танланганлиги тўғрисидаги асослар билан иш юритиш тугатилиб келинмоқда. Бу каби ҳолатни даъвогар “ТА’MIRLOYИНА” МЧЖ таъсисчиси М.Бўриевнинг жавобгар “ТА’MIRLOYИНА” МЧЖ ва ушбу жамият таъсисчиси О.Зуфаровага нисбатан, “ТА’MIRLOYИНА” МЧЖ уставининг 9.1.-бандини қисман ҳақиқий эмас деб топишни сўраб судга киритган даъвосида кўриш мумкин.

Бухоро туманлараро иқтисодий судининг 2022 йил 15 декабрдаги ажрими билан даъво аризаси иш юритишга қабул қилиш рад этилган. Суд ҳужатига асос сифатида ИПК 30-моддасининг биринчи қисмида иқтисодий суд томонидан ҳал этиладиган корпоратив низолар қайд этилганлиги, унда жамият уставини ҳақиқий эмас деб топиш назарда тутилмаганлиги, яъни ушбу низо иқтисодий судга тааллуқли эмаслиги сабабли ИПК 154-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш рад этиш лозимлиги кўрсатилган. Кейинчалик ушбу суд ҳужжати юқори инстанция судида ҳам ўзгаришсиз қолдирилган<sup>64</sup>.

---

<sup>64</sup> Қаранг: Бухоро туманлараро иқтисодий судининг 4 -2001-2001/953-сонли иши

Фикримизча, мазкур тоифадаги келишмовчиликлар корпоратив низо сифатида иқтисодий судларда мазмунан кўриб чиқилиши керак. Зеро, уставда мавжуд бўлган қонунга зид банд ёки иштирокчиларнинг уставдаги айрим бандлар бўйича келишмовчиликларини бошқача усулда ҳал этиш имконияти мавжуд эмас. Қолаверса, "Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига кўра жамият иштирокчилари ўртасида муросасиз зиддиятлар сабабли қарор қабул қилиш учун етарли овозлар сони мавжуд бўлмаганлиги туфайли жамиятни бошқариш масалалари юзасидан келишувга эришиш мумкин бўлмаган тақдирда, низоли ҳар қандай вазият суд тартибида ҳал этилади<sup>65</sup>.

Эътибор берилиши лозим бўлган яна бир жиҳат корпоратив низо меҳнатга оид бўлмаслиги, шунингдек хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни, улушларни, кооперативлар аъзоларининг пайларини ўз ичига олувчи мерос мол-мулкни ёки эр-хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган низо бўлмаслиги лозим.

Амалиётда, айнан шу ҳолат бўйича судга тааллуқлилик борасида низолар ҳанузгача давом этиб келмоқда. Масалан, жамиятнинг яккабошчилик

---

<sup>65</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

асосидаги ижро этувчи органи (директор)нинг уни эгаллаб турган лавозимидан озод қилиш тўғрисидаги таъсисчилар умумий йиғилиши қарори бунга мисол сифатида келтириш мумкин. Жумладан, У.Халилов, И.Софиев, С.Илҳомовалар (матнда даъвогарлар деб юритилади) судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, “BAZARI” масъулияти чекланган жамиятининг (бундан буён матнда МЧЖ деб юритилади) 2019 йил 14 март ва 11 май кунги умумий йиғилиш баённомаларини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган. Суднинг 2022 йил 13 январдаги ажрими билан даъвогарларнинг МЧЖнинг 2019 йил 14 март ва 11 май кунги умумий йиғилиш қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги қўшимча даъво аризаси иш юритишга қабул қилинган ва даъво талаблари алмаштирилган. Биринчи инстанция судининг 2022 йил 20 февралдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талаблари қаноатлантирилиб, МЧЖнинг 2019 йил 14 март ва 11 май кунги умумий йиғилиш қарорлари ҳақиқий эмас деб топилган. Апелляция инстанцияси судининг 2022 йил 3 апрелдаги қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган. Олий суднинг 2022 йил 25 сентябрдаги қарори билан суд ҳужжатлари бекор қилиниб, иш юритиш тугатилган. Суд ҳужжатида МЧЖ умумий йиғилишининг 2019 йилги 14 мартдаги қарори билан МЧЖ раҳбари лавозимини бажариш Қ.Бобомуродовга юклатилганлиги, МЧЖ раҳбари лавозимини вақтинча

бажаришни топшириш тўғрисидаги МЧЖ умумий йиғилиш қарори ва баённомасини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги низолар меҳнатга оид низолар бўлиб, иқтисодий судга тааллуқли эмаслиги асос сифатида кўрсатилган<sup>66</sup>.

Фикримизча, жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органи (директор)нинг уни эгаллаб турган лавозимидан озод қилиш тўғрисидаги таъсисчилар умумий йиғилиши қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талаб иқтисодий судга тааллуқли. Чунки, "Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 39-моддасининг биринчи қисмига асосан жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органи (директор) жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан жамиятнинг уставида белгиланган муддатга сайланади.

Меҳнатга оид низолар деганда, иш берувчи ва ходим ўртасида меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қўлланиши ва меҳнат шартномасида назарда тутилган шартлар юзасидан келиб чиққан келишмовчиликлар тушунилади. Меҳнатга оид низолар таъсисчиларнинг йиғилиш қароридан эмас, балки меҳнат шартномасидан вужудга келади. Ишга

---

<sup>66</sup> Қаранг: Нукус туманлараро иқтисодий судининг 4-2301-1903/1297-сонли иши бўйича Олий суднинг 2020 йил 25 февралдаги қарори

тиклаш ва компенсация тўловларини тўлаб бериш тўғрисидаги талаб меҳнат муносабатларидан келиб чиққанлиги сабабли тегишинча фуқаролик ишлари бўйича судларда ҳал этилади.

Агар таъсисчи ёки акциядор айни вақтда жамиятининг ходими ҳам бўлиб, у бирор меҳнатга оид низо юзасидан иқтисодий судга мурожаат қилган бўлса, ИПК талабларидан келиб чиқиб, бундай даъво аризасини қабул қилиш рад этилиши, агар ушбу ҳолат ишни кўриш жараёнида аниқланса, иш юритиш тугатилиши лозим бўлади.

Маълумки, ИПК 30-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига кўра, юридик шахс иштирокчиларининг (муассисларининг, аъзоларининг) юридик шахс томонидан тузилган битимларни ҳақиқий эмас деб топиш ва (ёки) бундай битимларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш ҳақидаги даъволари бўйича низолар корпоратив низолар сифатида иқтисодий судларда кўриб чиқилиши белгиланган<sup>67</sup>.

Таъкидлаш керакки, бу каби низоларни судда кўриш жараёнида юридик шахс билан шартнома тузиш орқали фуқаролик ҳуқуқий муносабатга киришган иккинчи тараф жисмоний шахс бўлганда, тааллуқлилиқ борасидаги масала бўйича яқдил фикр мавжуд эмас. Судда гарчи шартноманинг иккинчи тарафи жисмоний шахс бўлса-да, иштирокчининг

---

<sup>67</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

даъвосини кўриб чиқиб, мазмунан ҳал қилиш амалиёти билан бирга, даъво бўйича иш юритиш тугатиш амалиёти ҳам мавжуд. Фикримизча, бундай ҳолатда битимдаги иккинчи тарафнинг жисмоний ёки юридик шахс эканлигининг аҳамияти йўқ. Бундай низолар корпоратив низо сифатида иқтисодий судда кўриб чиқилиши керак. Аммо, йирик битим тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилинмаган ҳолда тузилган битим бўйича мол-мулк бошқа бир битим билан учинчи шахсга бегоналаштирилган бўлса, иштирокчининг битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва ҳақиқий эмаслик оқибатларини қўллаш тўғрисидаги талаб бўйича иш юритиш тугатилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Агар даъво аризасида битимни ҳақиқий эмас деб топиш талаби қўйилган бўлса (оқибатини қўллаш талаби мавжуд бўлмаса), иш корпоратив низо сифатида мазмунан кўрилиши лозим. Бу борада амалиётда мавжуд бўлган фикрлар ҳар хиллиги ва муаммоларни бартараф этиш мақсадида Пленум қарорида тушунтириш бериш лозим.

Масалан, Даъвогар “ЕША” МЧЖ таъсисчиси С.Ахмедов Тошкент туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар “ЕША” МЧЖ ҳамда низонинг предметиға нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар “GREAT” МЧЖга нисбатан “ЕША” МЧЖ билан “GREAT” МЧЖ ўртасида 2018 йил 27 августда



тузилган Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Оқилов ва Нурмат кўчалари кесишмасида жойлашган нотураржой бино-иншоотларининг 1- сонли кўчмас мулкнинг олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Ишни судда кўриш жараёнида шартнома объекти кейинчалик “GREAT” МЧЖ ва фуқаро Ф.Жуманов ўртасида тузилган 2020 йил 16 сентябрдаги 1-сонли олди-сотди шартномасига Ф.Жумановга сотилган. Ушбу объектнинг фуқаро Ф.Жумановга тегишли эkanлиги 2020 йил 21 сентябрдаги кадастр йиғма жилдаги ҳужжатлар билан тасдиқланган. Даъвогар томонидан низолашилаётган мулкка нисбатан фуқаронинг мулккий ҳуқуқ ва манфаатлари вужудга келган деб ҳисоблаб, суд ИПК 110-моддасининг 1-бандига асосан иш юритишни тугатиш тўғрисида хулосага келган<sup>68</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми “Биринчи инстанция суди томонидан Иқтисодий процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 2019 йил 24 майдаги 13-сонли Қарорининг 22-бандига кўра, ИПК 110-моддасининг 1-бандига мувофиқ, агар иш иқтисодий судда кўриш учун тааллуқли бўлмаса, суд иш юритишни тугатади.

---

<sup>68</sup> Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 4-1001-2114/18784-сонли иши.

Ишнинг иқтисодий судга тааллуқлилиги ИПК 25 ва 26-моддаларининг талабларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади<sup>69</sup>.

Бунда судга тааллуқлилиқ бошланиб бўлган иқтисодий процесда ҳам ўзгариши мумкинлигини эътиборга олиш керак, масалан, процесга процессуал муносабатлар иштирокчилари мақомига эга бўлмаган шахслар - жисмоний шахслар ёки юридик шахслар бўлмаган ташкилотлар ва бошқаларнинг жалб этилиши муносабати билан ва ҳоказо. Суд ҳужжатидан кўринишича, ишни судда кўриш жараёнида Пленум қарорининг мазкур талабига риоя қилинмаган.

Корпоратив низоларнинг тааллуқлилиги борасида сўз юритилар экан, ИПК 25-моддаси биринчи қисмининг 1-банди<sup>70</sup> олимлар ва амалиётчилар ўртасида турли хил баҳслашувларга сабаб бўлмоқда. Жумладан, Кодекснинг мазкур бандига асосан иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар ҳамда юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва яқка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тартибда олган фуқаролар, шунингдек корпоратив низолар бўйича ишлар кўриляётганда тарафлар бўлган фуқаролар (бундан буён матнда фуқаролар деб

---

<sup>69</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>70</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

**юритилади) ўртасидаги фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан юзага келадиган низоларга доир ишлар** иқтисодий судларга тааллуқлилиги белгиланган. Чунки, биринчидан Қонундаги ўзбек ва рус тилидаги матни таҳририда ҳар хил тушуниш мавжуд. Иккинчидан, Қонунда кўрсатилган уч турдаги, яъни меҳнат, оила ва мерос муносабатларидан ташқари барча корпоратив низолар иқтисодий судларга тааллуқлилиги деб белгиланган.

Корпоратив низолар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан вужудга келса-да, баъзида уларнинг оқибати оммавий-ҳуқуқий муносабатларга тааллуқли бўлади. Жамият таъсисчиларининг умумий йиғилиши қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ва таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартиришларни давлат рўйхатидан ўтказилганлигини қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги талаб бунга мисол бўла олади. Яъни, таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартиришларнинг давлат рўйхатидан ўтказилиши маъмурий ҳуқуқий муносабат бўлиб, ушбу ҳолатда низо вужудга келган тақдирда, аксарият ҳолларда у бевосита корпоратив низолардан келиб чиқади.

Бундай ҳолларда ўзаро боғлиқ бир нечта талаб бирлаштирилган бўлиб, уларнинг айримлари маъмурий судга, бошқалари эса иқтисодий судга тааллуқли бўлса, хусусан, иқтисодий судга тааллуқли бўлган талаб билан бирга давлат рўйхатига олиш билан боғлиқ бўлган ёки давлат органининг

хужжатини ҳақиқий эмас деб топиш каби талаблар ҳам қўйилган бўлса, даъво аризаси ИПК 155-моддаси биринчи қисмининг 4-бандига асосан қайтарилади. Ушбу ҳолат даъво аризаси иш юритишга қабул қилингандан кейин аниқланса, суд иқтисодий судга тааллуқли бўлган талабни мазмунан кўриб чиқиши, маъмурий судга тааллуқли талаб бўйича эса ИПК 110-моддасининг 1-бандига асосан иш юритишни тугатиши лозим. Бу ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми “Биринчи инстанция суди томонидан иқтисодий процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги Қарорининг 8-бандида тушунтириш берилган<sup>71</sup>.

ИПК 25-моддасининг бешинчи қисмига кўра, ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари иқтисодий судга, бошқалари эса фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлган бир нечта талаб бирлаштирилган тақдирда, барча талаблар фуқаролик ишлари бўйича судда кўрилиши лозим<sup>72</sup>. Фикримизча, корпоратив низоларнинг махсус нормалар билан иқтисодий судга тааллуқлилиги белгиланганлиги сабабли бундай низолар бўйича талаблар бошқа судларда кўриб чиқилишига йўл қўйилмаслиги лозим.

Бу борада судья Д.Эшимбетованинг ўзаро боғлиқ талабларнинг судга тааллуқлилиги масаласида: агар

---

<sup>71</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>72</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

бирлаштирилган талаблардан бири корпоратив муносабатдан келиб чиқса, бу талаб иқтисодий суднинг мутлақ ваколатига кирувчи масала эканлиги сабабли ИПК ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексларига ўзгартириш ишлаб чиқиш кераклиги тўғрисидаги фикрини қўллаб қувватлаймиз.

Шуни инобатга олиш лозимки, тааллуқлилик борасидаги қонун нормаларнинг бузилиши ҳар қандай ҳолатда ҳам суд ҳужжатининг бекор қилинишига асос бўлади. Чунки тааллуқлилик масаласи ҳал этилмасдан туриб, ишни мазмунан кўриб чиқилишига йўл қўйилмайди. Ўз навбатида муайян низоли ҳолат бўйича мазмунан ҳал этилмаган суд ҳужжати юзасидан юқори инстанцияси судида қайта кўрилиб қароро қабул қилинишига йўл қўйилмайди. Зеро, ИПКнинг 281-моддасига кўра, апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг қарори, ажрими устидан берилган шикоятни (протестни) кўриб чиқиш натижалари бўйича қуйидагиларга ҳақли:

- 1) қарорни, ажримни ўзгаришсиз қолдиришга;
- 2) қарорни, ажримни ўзгартиришга ёхуд бекор қилишга;
- 3) даъво аризасини қабул қилишни рад этиш, даъво аризасини қайтариш, даъво аризасини кўрмасдан қолдириш, иш юритишни тугатиш, иш юритишни тўхтатиб туриш тўғрисидаги ажримни

бекор қилишга ва даъво аризасини, ишни биринчи инстанция судида кўриб чиқиш учун юборишга ҳақли<sup>73</sup>.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми “Иқтисодий судлар томонидан корпоратив низоларни ҳал этишнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорини янги таҳрирда ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Чунки биргина тааллуқлик борасида қарорнинг 1-бандида судлар иштирокчилар ўртасида, иштирокчилар билан хўжалик ширкатлари ва жамиятлари ўртасида, шу жумладан акциядорлар ўртасида, акциядор билан акциядорлик жамияти ўртасида хўжалик ширкатлари ва жамиятлари фаолиятдан келиб чиқадиган низоларни ҳал қилишда қўлланилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар келтирилган бўлиб, Пленум қарорининг 3-бандига кўра, хўжалик ширкати ва жамиятининг таъсис шартномасини тараф сифатида имзолаб, хўжалик ширкати ва жамиятини ташкил этиш мажбуриятини олган юридик ва (ёки) жисмоний шахс ёки улар томонидан ваколат берилган шахс ушбу ширкат ва жамиятнинг муассиси (таъсисчиси) ҳисобланади<sup>74</sup>.

Хўжалик ширкати ва жамияти қонунда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиб,

---

<sup>73</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>74</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

юримдик шахс мақомини олганидан сўнг унда ўз улуши (пайи, ҳиссаси)га эга бўлган юримдик ва (ёки) жисмоний шахс ушбу хўжалик ширкати ва жамиятининг иштирокчиси ҳисобланади.

Пленум қарорининг 4-бандида судларга шахснинг хўжалик ширкати ва жамиятининг иштирокчиси (акциядори) эканлигини аниқлаш учун:

тўлиқ ва командит ширкатлардан таъсис шартномасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;

масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлардан таъсис шартномаси (агар муассислар сони икки ва ундан ортиқ бўлса) ва жамият уставининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;

акциядорлик жамиятларидан акциядорлар реестридан қўчирма талаб қилиб олиниши лозимлиги тўғрисида тушунтириш берилган<sup>75</sup>.

Амалиётда, улушни сотиб олган ёки улушга бошқача усулда эгалик ҳуқуқини қўлга киритган шахснинг жамият томонидан уни эътироф этмаслиги, яъни тан олинмаслиги, унинг талабини умумий йиғилишда қўриб чиқилмаслиги ҳолатлари учраб туради. Шу боис, ушбу шахс улушнинг мансублилиги борасида бузилган ҳуқуқларини тиклаш мақсадида жамиятга нисбатан судга даъво киритиш ҳолатлари

---

<sup>75</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

бор. Аммо, судлар томонидан Пленум қарорида берилган тушунтиришдан келиб чиқиб, улушга нисбатан эгаллик рўйхатдан ўтказилмаганлиги сабабли ушбу шахс қонунда белгиланган тартибда муассис мақомини олмаган деган важ билан даъволарни қабул қилишни рад этиш ҳолатлари ҳам мавжуд.

Ваҳоланки, ИПК 30-моддаси биринчи қисмининг 2-бандида хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларнинг, улушларнинг, кооперативлар аъзолари пайларининг мансублиги, уларга юкламалар белгилаш ва улардан келиб чиқадиган ҳуқуқларни амалга ошириш билан боғлиқ низолар судларда ҳал этиладиган корпоратив низолар сирасига киритилган<sup>76</sup>.

---

<sup>76</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).



## **4-БОБ**

### **КОРПОРАТИВ НИЗОЛАРНИНГ СУДЛОВГА ТЕГИШЛИЛИГИ**

Фуқаролик процессуал ҳуқуқига оид баъзи ҳуқуқий адабиётларда судловлилик – фуқаролик ишларини суд бўғинлари ўртасида тақсимланиши сифатида кўрсатилган<sup>77</sup>.

Ш.Ш.Шорахметовнинг фикрича, судлов, биринчидан, айрим фуқаролик ишларининг кўрилиши ва ҳал қилиниши суд органларига тааллуқли бўлишини, иккинчидан, судлов ягона суд тизимига кирадиган судларнинг (туманлараро, туман (шаҳар), вилоят судлари, республика Олий судининг) қайси бири муайян фуқаролик ишини кўриш ва ҳал қилишга ваколатли бўлишини билдиради. Судловлилик деб, судларга тааллуқли бўлган ҳамма ишларнинг суд тизими бўғинлари ўртасида тақсимланишига айтилади<sup>78</sup>.

Аксарият юридик адабиётларида судловга тааллуқлилиқ умумий юрисдикция судларига тааллуқли бўлган ишларнинг судлар ўртасидаги тақсимотини тартибга соладиган процессуал институт

---

<sup>77</sup> Муаллифлар жамоаси. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Ўқув услубий қўлланма. Т.: ТДЮУ, 2017. 80-б. (-200 б).

<sup>78</sup> Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. –Тошкент, Адолат. 2001. – 141 б.

сифатида эътироф этилади. Судловлиликни икки жиҳатдан кўриш мумкин:

- судга нисбатан муайян доирадаги ишларни кўриш ва ҳал қилишга доир ваколатлари;

- суд ҳимоясига мурожаат қилувчи шахсларга нисбатан эса, ҳимояни амалга оширувчи судни аниқлаш қоидалари.

Корпоратив низо бўйича даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш масаласини ҳал қилишда, даъво аризаси судга судловга тегишлилик қоидасига риоя қилинган ҳолда тақдим этилганлиги ҳолатини ўрганиш зарур. Чунки, судловга тегишлиликнинг умумий қоидасидан фарқли равишда ИПК 37-моддасининг 7-қисми мазмунига кўра, корпоратив низолар бўйича даъво аризаси жавобгар давлат рўйхатидан ўтган жойдаги судга эмас, балки юридик шахс жойлашган жойдаги судга тақдим этилади<sup>79</sup> ва корпоратив низо бўйича шартномага асосан судловга тегишлилик қоидасини ўзгартирилишига йўл қўйилмайди. Шу сабабли ИПК 213-моддасининг иккинчи қисмида даъво аризасига ИПКнинг 151-моддасида назарда тутилган ҳужжатлардан ташқари юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ва унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар

---

<sup>79</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

кўрсатилган ҳужжат илова қилиниши лозимлиги назарда тутилган<sup>80</sup>.

Судловга тегишлилик қоидаларига риоя қилинмаган ҳолда судга тақдим этилган даъво аризаси ИПК 155-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига<sup>81</sup> мувофиқ қайтарилади. Масалан, даъвогар “Қумкўрғон ёғ” АЖнинг акциядори К.Бобокелдиева Тошкент туманлараро иқтисодий судига даъво ариза билан муурожаат қилиб, жавобгар “Invest” МЧЖга нисбатан жавобгар Бобокелдиевага тегишли бўлган 2996 дона ҳар бирини бозор нархларида, яъни 42 778,5 сўмдан жами 128 164.386 сўмлик акцияларни сотиб олиш мажбуриятини юклашни сўраган.

Аниқланишича, “Қускўрғон ёғ” АЖ Сурхондарё вилояти, Қумкўрғон шаҳри, Қурбоналиев кўчаси, 2-уйда жойлашган.

ИПК 155-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига асосан иш мазкур суднинг судловига тегишли бўлмаса, судья даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатларни қайтаради<sup>82</sup>.

Мазкур нормага асосан суд “Қумкўрғон ёғ” АЖ Сурхондарё вилоятида жойлашганлигини, шу сабабли даъвогар даъвони ИПК 37-моддасида кўрсатилгандек, корпоратив низолар бўйича даъволар ушбу Кодекснинг 30-

---

<sup>80</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>81</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>82</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

моддасида кўрсатилган юридик шахс жойлашган ердаги судга тақдим этиши лозим эканлиги белгиланганлигини инобатга олиб, даъвогарнинг даъво аризасини ва унга илова қилинган ҳужжатларни қайтаришни лозим топган<sup>83</sup>.

Даъво аризасига таъсис ҳужжатларининг илова қилиниши, энг аввало, юридик шахс тўғрисида тўлиқ маълумотларни олишга хизмат қилади. Шунингдек, ишни судда кўришда манфаатдор шахсларнинг доирасини аниқлаш имкониятини беради. Бундан ташқари, судловга тегишлилик қоидаларининг асоссиз бузилишини олди олинади. Бундай ҳужжатлар сифатида, юридик шахснинг белгиланган тартибда тасдиқланган таъсис ҳужжатлари, устав (низом), шунингдек, корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри маълумотномаси бўлиши мумкин. Бироқ таъкидлаш керакки, қонунда даъво аризасига илова қилиниши лозим бўлган мазкур қўшимча ҳужжатлар узоғи билан қайси санада тўлдирилган бўлиши кераклиги тўғрисида аниқ қоида белгиланмаган.

Маълумот тариқасида билдириш мақсадга мувофиқки, Ўзбекистонда замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш, электрон давлат хизматларини кўрсатишнинг яхлит тизимини яратиш, давлат

---

<sup>83</sup> Тошкент туманлараро иқтисодий судинининг иши

органларининг аҳоли билан мулоқот қилишининг янги механизмларини жорий этиш борасида олиб борилган изчил ишлар натижасида, бугунги кунда корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри маълумотномасини ваколатли давлат органига муурожаат қилмасдан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг stat.uz сайтига кириб, хизматлар бўлиmidан тегишли юридик шахснинг КТУТ ёки СТИР коддини тегиб, тўғридан-тўғри уларни олиш имконияти мавжуд.

ИПК 213-моддасининг иккинчи қисмидаги қоида<sup>84</sup> императив характерга эга бўлса-да, ИПКда ушбу талабга риоя қилинмаган ҳолда судга тақдим этилган даъво аризасини бартараф этишга қаратилган ҳуқуқий механизм мавжуд эмас. Яъни, талаб қилинган ҳужжатларни қайтариш қонунда назарда тутилмаган.

Амалиётда ушбу қоидага риоя қилинмаган ҳолда иш юритишга қабул қилинган даъво аризаси ишни қўриш жараёнида иш судловга тегишлилик қоидалари бузилган ҳолда қабул қилинганлиги сабабли ИПКнинг 39-моддасига асосан ажрим чиқариш орқали тегишли ваколатли судга ўтказиш ҳолатлари бошқа низоларга қараганда бир мунча кўпроқ.

Бир қарашда ушбу ҳаракат орқали процессуал қонунбузилиши баратараф этилгандек кўринса-да, аммо бу ҳолат ўз навбатида ишда иштирок этувчи

---

<sup>84</sup> www.lex.uz.

шахсларнинг оворагарчилигига ва ишни кўриш муддатларининг узайишига сабаб бўлади.

Масалан, даъвогар “Techno” масъулияти чекланган жамияти собиқ таъсисчиси К.Турдиев Тошкент туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгарлар “Techno” масъулияти чекланган жамияти ва жамият таъсисчиси К.Тошовга нисбатан жамиятнинг 26.05.2021 йилдаги умумий йиғилиш баённомаси ҳамда 21.05.2021 йилдаги жамият устав фондидаги улушнинг олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Даъвогар томонидан судга даъво аризага илова қилган ҳолда тақдим қилган юридик шахс (тадбиркорик субъекти)ни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида 26.06.2013 йилдаги гувоҳномага кўра жавобгар Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Каттабўй йўли кўчаси 1-уй, 46-уй манзилида жойлашганлиги аниқланди.

Даъво аризаси Тошкент туманлараро иқтисодий суди девонхонаси томонидан 06.10.2021 йилда қилинган. Суд мажлисида жавобгар вакиллари томонидан тақдим қилинган маълумотларга кўра, жавобгарнинг юридик манзили Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани Мазанглик кўчаси 13-уйга ўзгартирилган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги давлат хизматлари агентлигининг

23.11.2021 йилдаги 1-5-1/2-131-сонли хатига асосан жамиятнинг юридик манзили 09.10.2021 йилда ўзгартирилганлиги аниқланган. Даъво аризаси суд томонидан 11.10.2021 йилда иш юритишга қабул қилинганлиги, ушбу вақтда жавобгарнинг манзили Фарғона вилоятида бўлганлиги аниқланган. ИПК 33-моддасининг биринчи қисмида юридик шахсларга нисбатан даъволар улар давлат рўйхатидан ўтган жойдаги судга, ушбу моданинг иккинчи қисмида эса юридик шахсларга нисбатан уларнинг алоҳида бўлинмалари фаолиятидан келиб чиқадиган даъволар алоҳида бўлинмалар давлат рўйхатидан ўтган жойдаги судга тақдим этилиши белгиланган. Шу боис суднинг ажрими билан иш Фарғона вилоят, Олтиарик туманлараро иқтисодий судига ўтказилган<sup>85</sup>.

Фикримизча, юқоридаги муаммоли ҳолат юзага келмаслиги учун ИПК 155-моддасининг биринчи қисми<sup>86</sup>ни қуйидаги мазмундаги 11-банд билан тўлдириш лозим деб ҳисоблаймиз:

“11) корпоратив низо бўйича юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ва унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳужжатни даъвогар тақдим этмаган бўлса”.

---

<sup>85</sup> Тошкент туманлараро иқтисодий судининг иши

<sup>86</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

Шу ўринда таъкидлаш керакки, ФК 46-моддасининг учинчи қисмига кўра юридик шахснинг жойлашган ери, агар қонунга мувофиқ юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, у давлат рўйхатидан ўтказилган жой билан белгиланади<sup>87</sup>. Айнан шу мазмундаги қоида “Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонун 6-моддасининг олтинчи қисмида<sup>88</sup> ҳамда “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун 3-моддасининг саккизинчи қисмида<sup>89</sup> ҳам мустаҳкамланган.

Корпоратив низолар бўйича даъволарнинг судловга тегишлилигини аниқлашда ИПКнинг 32-моддасига<sup>90</sup> ҳам эътибор бериш зарур. Чунки тарафлардан бири (корпоратив низолар бўйича одатда акциядор, улушни сотиб олган шахс, таъсисчи, иштирокчи) Ўзбекистон Республикаси норезиденти - чет эл шахси бўлган ишлар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар иқтисодий судлари томонидан кўриб чиқиладиган низолар тоифасига киритилганлиги сабабли бундай ишларни туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судлари томонидан кўриб чиқилишига йўл қўйилмайди.

---

<sup>87</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>88</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>89</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>90</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).



Шу мазмундаги асос билан даъвогар “Арех” МЧЖ таъсисчиси Ф.Қорабоевнинг жавобгарлар “Арех” МЧЖ таъсисчилари Туркия Республикаси фуқаролари Фарид Уммон ва Эдем Гулканларга нисбатан ушбу иштирокчиларни “Арех” МЧЖ иштирокчилари сафидан чиқариш тўғрисидаги даъвоси Тошкент туманлараро иқтисодий судининг ажрими билан қайтарилган<sup>91</sup>.

Баён этилган ҳолатлар билан бир қаторда, корпоратив низолар бўйича судлар томонидан судловга тегишлилик қоидаларини бузган ҳолатлари ҳам мавжуд. Масалан, Даъвогар “INNOVATION” МЧЖ шаклидаги ҚК Тошкент туманлараро иқтисодий судига даъво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар “Health” МЧЖ таъсисчиси Ж.Сафаровга нисбатан гаров предмети бўлган Ж.Сафаровнинг “Health” МЧЖ устав фондидаги 23.99%, номинал қиймати 239 900 сўм улушига даъвогарни мулк ҳуқуқини белгилашни сўраган.

Даъво аризаси мазмуни ва унга илова қилинган ҳужжатларга қараганда, низо тарафлар ўртасида 2021 йил 6 апрелда тузилган 1-сонли шартномадан юзага келган бўлиб, шартноманинг 7.2-бандида тарафлар ўртасида судловга тегишлилик бўйича низолар

---

<sup>91</sup> Тошкент туманлараро иқтисодий судинининг 4-1001-1903/13281-сонли иши

хакамлик судида кўрилиши ҳақида алоҳида келишув мавжуд.

Мазкур келишувга мувофиқ суд томониан даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар ИПК 155-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига мувофиқ қайтарилган<sup>92</sup>. Фикримизча, мазкур ҳолатда суд даъво аризасини иш юритишга қабул қилиши, ишни судда кўриш жараёнида вазиятдан келиб чиқиб, даъво аризасининг тақдири ИПКнинг 107-моддасига<sup>93</sup> мувофиқ ҳал этилиши лозим.

---

<sup>92</sup> Тошкент туманлараро иқтисодий судинининг 4-1001-2210/26325-сонли иш

<sup>93</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

## **5-БОБ**

### **КОРПОРАТИВ НИЗОЛАР БЎЙИЧА ДАЪВОНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРАЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ**

ИПКнинг 94-моддасида<sup>94</sup> кўрсатилган даъво ни таъминлаш чоралари, агар уларни қўлламаслик суднинг ҳал қилув қарорини бажаришга қийинчилик туғдириши мумкин бўлса ёхуд бажариб бўлмайдиган қилиб қўйса, иш бўйича иш юритишнинг ҳар қандай босқичида қабул қилиниши мумкин. Даъво ни таъминлаш тўғрисидаги илтимоснома даъво аризасида баён этилиши ёки алоҳида ариза шаклида иқтисодий суд ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичида берилиши мумкин.

Корпоратив низола рнинг ўзига хослигини, жамиятдаги иштирокчилик билан боғлиқлигини (акция, улуш, пайларга бўлган ҳуқуқларни амалга ошириш) инобатга олганда, суд томонидан даъво ни таъминлаш чораларини қўллаш юридик шахснинг фаолиятини сезиларли даражада қийинлаштириши, шунингдек бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузилишига олиб келиши мумкин. Даъво ни таъминлашнинг мақсади бошқа шахснинг ўз қонуний фаолиятини амалга оширишга тўсқинлик қилиш ва

---

<sup>94</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

уни муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш эмас балки, ариза берувчининг манфаатларини ҳимоя қилишдир.

Корпоратив низолар бўйича даъвони таъминлаш чоралари арз қилинган талабларга мос келиши, яъни бевосита низо предметиға боғлиқ, даъво талабларига мутаносиб, суд ҳужжати ижросини таъминлаш учун керакли ва етарли бўлиши лозим. Низо предметиға боғлиқ бўлмаган даъвони таъминлаш чорасини қўллашга йўл қўйилмасада, корпоратив низо бўйича суд амалиётида предметиға боғлиқ бўлмаган чоралар қўлланилганлик ҳолатлари мавжуд.

Даъвогар “Elite” МЧЖ иштирокчиси Г.Давронованинг жавобгарлар “Elite” МЧЖ иштирокчиси Қ.Эргашев ва МЧЖга нисбатан МЧЖга улуш сифатида киритилган 177 946 848 сўм миқдоридаги мулкнинг қийматини ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича қўзғатилган ишни кўриш жараёнида, суд томонидан даъвогарнинг МЧЖ балансидаги мулкдан фойдаланишга таъқиқ солиш ва хатловга олиш тўғрисидаги аризаси қаноатлантирилган. Натижада суд ҳужжатиға асосан МЧЖ балансидаги Бухоро тумани, Қалмақон МФЙ, Навоий кўчасида жойлашган 85,08 кв.метрдан иборат озик-овқат савдо дўкони хатланиб, ундан фойдаланишга тақиқ қўйилган (қулфлаб, муҳрлаб қўйилган).<sup>95</sup>

---

<sup>95</sup> Гиждувон туманлараро иктисодий судининг 4-2003-2101/26-сонли иши

Гарчи даъвони таъминлаш чораси низо предметига боғлиқ бўлмаса-да, суд томонидан ариза каноатлантирилиб, процессуал хатоликка йўл қўйилган. Мазкур ажрим кейинчалик юқори инстанция суди томонидан бекор қилинган бўлсада, бир ой давомида озиқ-овқат маҳсулотлари савдосининг чекланишига, аксарият қисмини истеъмол муддатини ўтишига ва ўз-ўзидан манфаатдор шахс ҳуқуқларининг бузилишига сабаб бўлган.

Корпоратив низолар иқтисодий судларда қўрилаётганида даъвони таъминлаш билан боғлиқ амалиётда учрайдиган айрим муаммоли ҳолатларга қисқача тўхталиб ўтамиз.

Жумладан, улушнинг мансублиги тўғрисидаги низони қўриб чиқиш жараёнида низонинг предметига бевосита боғлиқ бўлган хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг устав фондидаги улушларини хатлаб қўйиш тўғрисидаги даъвони таъминлаш чорасини қўлашда айрим муаммолар мавжуд. Бундай талаб жамиятда шахснинг иштирок этиш ҳуқуқини таъминловчи улушнинг сотилиши ёки сотишдан бошқа усулда бегоналаштирилишини олдини олишга қаратилган бўлади. Яъни, агар суд хужжатида бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, жамиятни бошқариш ҳуқуқини амалга оширишни чеклаш, жумладан умумий йиғилишларда иштирок этиш, уларда овоз бериш, имтиёзли ҳуқуқларни амалга

ошириш, жамиятнинг фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳамда унинг бухгалтерия дафтарлари ва бошқа хужжатлари билан танишиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

Жавобгарга, шунингдек бошқа шахсларга жамият ва ширкат устав фондидаги акция, улуш, пайлар бўйича битимлар тузиш ва бошқа ҳаракатларни амалга оширишни тақиқлаш тўғрисидаги даъвони таъминлаш чораси қаноатлантирилганда, бундай тақиқлаш нафақат битимларга, шунингдек ушбу фуқаролик объектларига нисбатан бошқа ҳаракатларни, жумладан, акцияларни айирбошлаш, акция (улуш) қийматини тўлаш, гаровга бериш ҳам тақиқланган ҳисобланади. Даъвони таъминлаш чораси нафақат жавобгарга, балки бошқа шахслар, масалан, акцияга нисбатан ҳуқуқни рўйхатдан ўтказувчи шахсга ҳам қўлланилиши мумкин.

Амалиётда даъвони таъминлаш борасида энг кўп учрайдиган муаммоли ҳолатлардан бири иштирокчиларнинг умумий йиғилишини ўтказишни тақиқлаш талаби билан боғлиқдир.

Жамият ўз фаолиятини умумий йиғилиш томонидан қарорлар қабул қилиш орқали ҳам амалга ошириши ва умумий йиғилишини ўтказишни тақиқлаш ҳақидаги даъвони таъминлаш чорасининг қўлланилиши билвосита жамиятни фаолиятини амалга оширишни тақиқлашни ҳам англатади. Бундай

чора ўз мазмунига кўра аризачининг манфаатларини ҳимоя қилишга эмас, балки бошқа шахсни ўз қонуний фаолиятини амалга ошириш имконияти ва ҳуқуқидан маҳрум этмасликка қаратилган даъвони таъминлаш чораларининг мазмунига зид ҳисобланади.

Акциядорлик жамияти бошқарув органларининг қарорлари устидан шикоят қилиш, жамият акциялари билан тузилган битимларни ҳақиқий эмас деб топиш ва бундай битимларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини кўллаш, акциядорлик жамиятининг акцияларини чиқаришни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги, шунингдек бошқа низолар бўйича жамиятга, унинг органларига ёки иштирокчиларга навбатдаги ёки навбатдан ташқари умумий йиғилишни ўтказишни тақиқлаш Ўзбекистон Республикаси фуқароларинг йиғилиш ҳуқуқини кафолатлайдиган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳамда “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги ва “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунларида<sup>96</sup> назарда тутилган ҳуқуқларига зид бўлиб, жамиятнинг бошқарув органлари қарори устидан шикоят қилмаётган акциядорларнинг ҳуқуқлари бузулишига сабаб бўлишини инобатга

---

<sup>96</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

олиб, судлар томонидан қаноатлантирилиши рад этилиши лозим.

Тошкент туманлараро иқтисодий судида даъвогар “Конструкторлик-технологик маркази” МЧЖнинг жавобгар “Agromash” АЖга нисбатан жавобгар акциядорларининг 2021 йил 17 майдаги навбатдан ташқари умумий йиғилишида қўшимча акциялар чиқариш орқали жамият устав капиталини ошириш ҳамда қўшимча акциялар чиқариш тўғрисидаги қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъвоси бўйича қўзғатилган ишни апелляция инстанцияси судида кўриш жараёнида даъвогар томонидан даъвони таъкинлаш мақсадида “Agromash” АЖ зиммасига 2022 йил 2 июнда ўтказилиши лозим бўлган умумий йиғилиш мажлисини ўтказишни тақиқлаш мажбуриятини юклашни сўраган. Суднинг ажрим билан аризани қаноатлантириш асосли равишда рад этилган.<sup>97</sup>

Агар аризачининг даъвони таъминлаш чораларини кўриш зарурлигини ушбу чорани кўрмаслик, унга зарар етказилиши мумкинлиги билан асослаган тақдирда, у бундай зарар етказиш эҳтимолини, зарарнинг ҳажмини, етказилиши мумкин бўлган зарарнинг низо предмети билан боғлиқлигини шунингдек бунинг олдини олиш учун ушбу чоранинг зарурлиги ва етарлилигини асослаши керак.

---

<sup>97</sup> Тошкент туманлараро иқтисодий судининг иши.



Яна бир муаммоли масалалардан бири шундаки, юридик шахс органларига низонинг предмети билан боғлиқ ёки бевосита боғлиқ бўлган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш ёки бошқа ҳаракатларни амалга оширишни тақиқлаш тўғрисидаги даъвони таъминлаш чорасини кўришда суд ушбу чора унинг қўлланилиши учун қабул қилинаётган қарор ёки ҳаракатнинг низо предметига боғлиқлигига эътибор қаратиши лозим.

Тегишли тақиқ чораси қўйилган даврида юридик шахс органи томонидан қабул қилинган қарор унинг ҳақиқий эмаслигига, ҳаракат ноқонунийлигига олиб келади. Шунини инобатга олиш керакки, тақиқ қўйилганлиги тўғрисида жавобгарга у томонидан қарор ёки ҳаракат қилингунга қадар маълум бўлган бўлиши лозим.

Юридик шахсга, унинг органларига ёки иштирокчиларига, шунингдек бошқа шахсларга ушбу юридик шахс органлари томонидан қабул қилинган қарорларни ижро этишни тақиқлаш борасида ҳам амалиётда муаммолар мавжуд ва бу борада суд амалиёти бир хил эмас.

Фикримизча, агар асослар мавжуд бўлса, судлар томонидан даъвони таъминлаш чораси сифатида юридик шахслар органларининг ҳар қандай қарорини ижро этишга тақиқ қўйилиши мумкин. Қарор келгусида муайян ҳаракатларни (дивидендлар тўлаш, устав капиталини кўпайтириш ёки

камайтириш, таъсис хужжатларига ўзгартиш, кўшимчалар киритиш) амалга оширишни назарда тутса, ушбу ҳаракатларни бажаришни тақиқлаш чораси кўрилиши мумкин.

Агар юридик шахс органлари қарорида назарда тутилган ҳаракатлар бажарилган бўлса ёки уларнинг ижроси амалга ошириш бошланган бўлса, судлар даъвони таъминлаш чораси сифатида талаб қилинган тақиқ чоранинг амалга ошиши ва самаралик даражасини аниқлаб, кейин тўхтамга келишлари лозим.

Яна бир муаммоли ҳолатлардан бири қимматли қоғозлар эгаларини регистларига ва/ёки депозитарийга акциялар ва бошқа қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш ёки ўтказиш тўғрисидаги ёзувларни киритишни, шунингдек қимматли қоғозларни жойлаштириш ва (ёки) муомаласи билан боғлиқ бошқа ҳаракатларни амалга оширишни тақиқлаш билан боғлиқ.

Мазкур даъвони таъминлаш чораси корпортив низолар сифатида ИПК 30-моддаси биринчи қисмининг 5-бандида<sup>98</sup> қайд этилган - қимматли қоғозларни номинал сақловчиларнинг акциялар ва бошқа қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш, қонунда назарда тутилган бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларни қимматли қоғозларни

---

<sup>98</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

жойлаштириш ва (ёки) уларнинг муомаласи муносабати билан қимматли қоғозларнинг номинал сақловчилари томонидан амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятдан келиб чиқадиган низоларда қўлланилади.

Даъвони таъминлашнинг бундай чораси фуқаролик муомаласидаги қимматли қоғозларнинг мавжудлиги, уларнинг эркин муомалада бўлиши ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг рўйхатга олиниши билан боғлиқ.

“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 37-моддасига кўра, ҳужжатсиз қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар олувчига унинг депо ҳисобварағи бўйича тегишли кирим ёзуви киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади. Эгасининг номи ёзилган ҳужжатли қимматли қоғозга бўлган мулк ҳуқуқи олувчига қимматли қоғоз бланкасига белгиланган тартибда тегишли ёзув киритилган пайтдан эътиборан ўтади<sup>99</sup>.

Қимматли қоғоз билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар ушбу қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар ўтган пайтдан эътиборан олувчига ўтади.

Қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларнинг амалга оширилиши (пайдо бўлиши, ўзгартирилиши ва бекор қилиниши) регистрларда акс эттирилган

---

<sup>99</sup> www.lex.uz.

маълумотлар билан боғлиқ бўлганлиги сабабли бундай даъвони таъминлаш чораси қимматли қоғозлар бозорида иштирокчилар ўртасида низоларнинг (қимматли қоғознинг бир шахсдан бошқасига, кейин учинчи шахсга ўтиб кетишини олдини олишга қаратилган) келиб чиқишини олдини олишга қаратилган.

Иқтисодий суд даъвони таъминлаш бўйича бир вақтнинг ўзида бир нечта чора кўриши, шунингдек қўлланиладиган чораларни бирлаштирилиши мумкин. Масалан, иштирокчининг МЧЖ устав капиталидаги улушига (улушнинг бир қисмига) тақиқ қўйиш ва рўйхатдан ўтказувчи органга ушбу улушни бегоналаштириш билан боғлиқ ёзувлар киритишни тақиқлаш шулар жумласидандир.

## **6-БОБ**

### **КОРПОРАТИВ НИЗОЛАР БЎЙИЧА СУД ХАРАЖАТЛАРИНИ УНДИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ**

Суд харажатлари, уларни тўлаш, ундириш, кечиктириш, тақсимлаш ва умуман суд ҳужжати қабул қилишда суд харажатлари билан боғлиқ масалалар ҳал қилув қарорини тузиш ва мазмунини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Зеро, иш бўйича суд харажатлари тўғрисидаги масаланинг ҳал этилмаганлиги кейинчалик қўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилишга, суд харажатларини ундириш билан боғлиқ қонун нормаларини қўллашда хатоликка йўл қўйилган тақдирда эса, суд ҳужжатини юқори инстанция суди томонидан ўзгартирилишига сабаб бўлади.

Иқтисодий ишлар бўйича одил судловни амалга оширишда давлат томонидан сарфланадиган маблағларнинг муайян қисми тарафлар (даъвогар ва жавобгар) зиммасига юклатилади ва ишни судда кўрилиши билан боғлиқ ушбу чиқимлар суд харажатлари деб юритилади.

Назарий жиҳатдан суд харажатлари давлат божидан ва ишни кўриш билан боғлиқ суд чиқимларидан иборат бўлади. "Давлат божи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасига мувофиқ давлат божи деганда, юридик

аҳамиятга молик ҳаракатларни амалга оширганлик ва (ёки) бундай ҳаракатлар учун ваколатли муассасалар ва (ёки) мансабдор шахслар томонидан ҳужжатлар берганлик учун олинадиган мажбурий тўлов тушунилади<sup>100</sup>.

ИПКнинг 116-моддасида суд чиқимлари- суд хабарномалари ва суд ҳужжатларини юбориш билан боғлиқ почта харажатларидан, суд тайинлаган экспертизани ўтказиш, гувоҳни чақириш, далилларни жойида кўздан кечириш, суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш билан боғлиқ харажатлардан, шунингдек ишни кўриш билан боғлиқ бошқа харажатлардан иборатлиги ҳақида тушунтириш берилган<sup>101</sup>.

Корпоратив низолар бўйича суд амалиёти таҳлили (умумлашмалар ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди кассация инстанцияси судларида кўрилган корпоратив низоларга тааллуқли ишлар) шуни кўрсатмоқдаки, суд чиқимларини ундиришда судлар томонидан қонунбузилишига йўл қўйилганлик ҳолати аниқланмаган.

Зеро, суд чиқимларининг аксарият қисмини, жумладан почта харажатлари, экспертизани ўтказиш, суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш билан боғлиқ харажатларнинг миқдори

---

<sup>100</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>101</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

норматив ҳужжатлар ҳамда тегишли идоралар томонидан аниқ белгилаб қўйилган бўлса, гувоҳни чақириш, далилларни кўздан кечириш бўйича суд амалиётида суд чикимлари деярли бўлмаган. Шу сабабли коорпоратив низоларни судда кўриш билан боғлиқ ишлар бўйича давлат божини тўлаш, уни судлар томонидан ундириш билан боғлиқ муаммоли масалалар ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Энг аввало, корпоратив низолар бўйича даъволар ҳам мулкӣ ва ҳам номулкӣ хусусиятга эга бўлишидан келиб чиқиб, "Давлат божи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланганидек, мулкӣ хусусиятга эга даъволар бўйича даъво баҳосининг 2 фоизи миқдорида, бироқ базавий ҳисоблаш миқдори (БҲМ)нинг 1 бараваридан кам бўлмаган миқдорда, номулкӣ хусусиятга эга даъво аризаларидан БҲМнинг 10 баравари миқдорида тўланишини инобатга олиш лозим<sup>102</sup>.

ИПКнинг 118-моддасига кўра, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдorigа мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади<sup>103</sup>. Бироқ, мазкур норма номулкӣ тусдаги даъво талабига нисбатан қўлланилмайди. Яъни, даъво аризасида умумий йиғилиш қарорини ҳақиқӣ эмас деб топиш

---

<sup>102</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>103</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

тўғрисидаги талаб қўйилган бўлиб, суд томонидан даъво қисман қаноатлантириб, умумий йиғилиш қарорининг муайян бир қисми ҳақиқий эмас деб топилганда, давлат божи ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда тақсимланмайди. Бундай ҳолатда агар давлат божи даъвогар томонидан тўлаб чиқилган бўлса, жавобгардан даъвогар фойдасига, агар давлат божи тўланмаган бўлса, давлат бюджетига тўлиқ ундирилади.

Корпоратив низолар бўйича давлат божининг тўлови иқтисодий судга умумий тартибда мурожаат қилиш қоидаларига риоя қилинган ҳолда даъво аризаси (ариза, шикоят) билан мурожаат қилингунга қадар нақд пулли ёки нақд пулсиз шаклда тўланади. Аммо, "Давлат божи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида айрим тоифадаги корпоратив низолар бўйича умумий қоидадан бошқача ҳолатлар, яъни даъвогар давлат божини тўлашдан озод қилинган ёки даъво аризасини беришда давлат божининг тўлови кечиктирилган ҳолатлари белгиланган. Масалан, ушбу Қонун 9-моддаси биринчи қисмининг 11-бандида Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ва унинг ҳудудий органлари ўз зиммасига юклатилган ваколатларига мувофиқ судларда кўриб чиқилиши учун киритиладиган даъволар юзасидан давлат божидан



озод эканлиги белгиланган<sup>104</sup>. Бунга мисол тариқасида агентлик ва унинг ҳудудий органлари томонидан жамият акциядорининг ёки миноритар акциядорлари кўмитасининг мурожаати асосида судга жамиятнинг зиммасига ушбу жамият акциядорларига дивидендлар тўлаш мажбуриятини юклаш, шунингдек қимматли қоғозлар эмиссияси билан боғлиқ низолар бўйича судга киритиладиган даъво аризаларини мисол келтириш мумкин.

Қонунчиликда аниқ белгилаб берилмаганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Иқтисодий ишлар бўйича суд харажатларини ундириш амалиёти тўғрисида” 2020 йил 19 декабрдаги 36-сонли қарори<sup>105</sup>да тушунтириш мавжуд бўлмаганлиги сабабли суд амалиётида давлат органининг ваколат доирасида киритган даъво аризаси рад этилган тақдирда давлат божини ундириш масаласида судда икки хил амалиёт мавжуд.

Айрим ишлар якуни бўйича давлат божи даъвогардан бюджетга ундирилса, бошқа ҳолатларда давлат божи ундирилмасдан келинмоқда. Бу борада, М.А.Викунининг агар суд томонидан ҳал этиладиган низо оммавий характер касб этса, одил судловни амалга ошириш харажатлари давлатнинг зиммасида, агар келишмовчилик хусусий муносабатларда

---

<sup>104</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>105</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

вужудга келса, суд харажатлари манфаатдор шахслар зиммасига юкланиши кераклиги ҳақидаги фикрларидан келиб чиққан ҳолда<sup>106</sup>, ваколатли давлат органи томонидан киритилган ўз зиммасига юклатилган ваколатларига мувофиқ судларда кўриб чиқилиши учун киритиладиган даъволар рад этилган тақдирда, даъвогардан давлат божи ундирилмаслиги лозим деб ҳисоблаймиз.

"Давлат божи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 9-моддаси биринчи қисмининг 9-банди (Ўзбекистон Республикасининг Монополияга қарши курашиш кўмитаси ва унинг ҳудудий органлари — ўз зиммасига юклатилган ваколатларига мувофиқ судлар кўриб чиқиши учун киритиладиган даъволар бўйича) 10-банди ва 14<sup>2</sup>-бандларини<sup>107</sup> қўллашда ҳам айнан шундай ёндашув бўлиши лозим.

Зеро, "Давлат божи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасига<sup>108</sup> мувофиқ давлат божини тўлашдан озод қилиниши деганда нафақат даъво аризасини беришда, балки иш якуни бўйича ҳам ушбу субъектлар томонидан киритилган даъво аризаси рад этилган тақдирда ҳам, қолаверса ушбу субъектлар томонидан апелляция ва кассация

---

<sup>106</sup> Викут М.А. Судебные расходы // Викут М.А., Зайцев И.М. Гражданский процесс: Курс лекций. Саратов. 1998. С. 130.

<sup>107</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>108</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

тартибида шикоят қилинганда ҳам давлат божи тўловидан озод эканлиги тушунилиши лозим.

ИПК 118-моддасининг учинчи қисмида даъвогар тўлашдан белгиланган тартибда озод қилинган давлат божи, агар жавобгар бож тўлашдан озод қилинмаган бўлса, қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда жавобгардан республика бюджети даромадига ундирилиши белгиланган<sup>109</sup>. Даъво талабларининг рад қилинган қисми бўйича қонунчиликда давлат божини ундириш назарда тутилмаган.

Бундан ташқари, "Давлат божи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 19-моддасининг йигирма саккизинчи қисмида акциядорлар акциядорлик жамиятининг фаолиятдан келиб чиқадиган низолар бўйича ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги даъво билан иқтисодий судга мурожаат қилган тақдирда акциядорларга давлат божини тўлаш муддати кечиктирилиб, бу бож кейинчалик айбдор тарафдан ундириб олинishi белгиланган<sup>110</sup>.

Шуни инобатга олиш лозимки, бундай даъво аризасига акциядор томонидан унинг мулкий аҳволи давлат божини ўрнатилган тартибда тўлаш учун имконият бермаслигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг

---

<sup>109</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>110</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

илова қилиниши талаб этилмайди. "Давлат божи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида нима сабабдан жамиятнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклидан келиб чиқиб, фақатгина акциядорга судга мурожаат қилишида бундай имтиёзли ҳуқуқ берилганлигини тушуниш мураккаб.

Фикримизча, акциядорга ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги даъво билан иқтисодий судга мурожаат қилган тақдирда давлат божи тўловининг кечиктирилганлиги, ҳар қандай корпоратив муносабат иштирокчисига, шу жумладан, масъулият чекланган жамият иштирокчисига ҳам берилиши лозим ва МЧЖнинг иштирокчиси ҳам ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги даъво билан иқтисодий судга мурожаат қилган тақдирда, олдиндан давлат божи тўловидан озод этилиши лозим. Чунки, биринчидан, МЧЖнинг иштирокчилари ҳар доим ҳам юридик шахс бўлавермайди.

Корпоратив низолар бўйича ишлар ўрганиб чиқилганда, кўп ҳолларда жисмоний шахслар бўлган иштирокчилар судларга бузилган ҳуқуқларини тиклаш мақсадида мурожаат қилганлигини кузатиш мумкин. "Давлат божи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида иқтисодий судга мурожаат қилишда пул маблағлари мавжуд бўлмаган ва бу хизмат кўрсатувчи банк томонидан тасдиқланган тақдирда, тадбиркорлик фаолияти билан

шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахсларга суднинг ажримига кўра давлат божини кечиктириб тўлашга рухсат берилиши мумкинлиги, банк тасдиғида судга мурожаат қилинган санадан кўпи билан уч кун олдинги сана қайд этилган бўлиши кераклиги қайд этилган<sup>111</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Иқтисодий ишлар бўйича суд харажатларини ундириш амалиёти тўғрисида” 2020 йил 19 декабрдаги 36-сонли қарорининг 11-бандига кўра, ҳам юридик, ҳам жисмоний шахсдан давлат фойдасига ундириладиган давлат божини кечиктириш масаласини ҳал қилишда, суд уларнинг бу харажатларни қисман ёки бир йўла тўлашга пул маблағлари бўлмаганлигини тасдиқловчи ҳолатлар мавжудлиги ҳақидаги далилларни текшириши лозим<sup>112</sup>.

Аксарият ҳолларда жисмоний шахс бўлган иштирокчиларнинг банкда ҳисоб рақами бўлмаганлиги сабабли банкдан "Давлат божи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган мазмундаги маълумотномани олиш имконияти бўлмайди. Натижада, жисмоний шахс бўлган иштирокчининг, юридик шахс бўлган иштирокчидан фарқли равишда, мазкур Қонунда

---

<sup>111</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>112</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

белгиланган имтиёздан фойдаланиш имконияти йўқолади ва судга мурожаат қилишда, албатта, давлат божини тўлашга мажбур бўлади. Ушбу ҳолатда, МЧЖ иштирокчиси юридик шахс ва жисмоний шахс бўлган ҳолларда ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жараёнида икки хил ёндашув борлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Ваҳоланки, “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонунининг 8-моддасида жисмоний ва юридик шахс бўлган иштирокчиларнинг ҳуқуқларини амалга оширишда бир хил ҳуқуқлар белгиланган<sup>113</sup>. Яъни, иштирокчиларга субъект нуқтаи назаридан классификация қилиш орқали преференцияларни белгилаш, корпоратив муносабатларнинг концептуал характериға тўғри келмайди.

Шунингдек, "Давлат божи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахсларға суднинг ажримиға кўра давлат божини кечиктириб тўлашға рухсат берилиши мумкинлиги белгиланган<sup>114</sup> бўлиб, МЧЖ иштирокчисининг корпоратив муносабатдан келиб чиқадиган ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиши тадбиркорлик фаолияти ҳисобланмайди. Шу сабабли корпоратив муносабатларда фуқароларға ҳам юридик шахсларға

---

<sup>113</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>114</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

берилган ҳуқуқлардан фойдаланиш бўйича ҳуқуқий пойдеворни яратиш зарур.

Иштирокчиларнинг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишда мавжуд муаммоларни бартараф этиш ҳамда жамиятнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъий назар, судларга мурожаат қилишда бир хил стандартларни ўрнатиш мақсадида фикримизча, “Давлат божи ставкалари” тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 19-моддасининг йигирма саккизинчи қисми<sup>115</sup>ни қуйидаги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

“Иштирокчилар жамиятнинг фаолиятдан келиб чиқадиган низолар бўйича ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги даъво билан иқтисодий судга мурожаат қилган тақдирда уларга давлат божини тўлаш муддати кечиктирилиб, бу бож кейинчалик айбдор тарафдан ундириб олинади”.

Судларда иштирокчиларни жамиятдан чиқариш бўйича кўриб чиқилган ишларда ҳам давлат божини ундиришда турли хил фикрлар мавжуд. Авваламбор, шуни таъкидлаш лозимки, мазкур низо номулкий тусдаги даъво аризаси ҳисобланиши туфайли "Давлат божи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига илова сифатида тасдиқланган Давлат божи ставкаларининг миқдорларига мувофиқ

---

<sup>115</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

БҲМнинг 10 баравари миқдорида давлат божи тўланиши керак<sup>116</sup>. Демак, даъво аризаси бир неча даъвогарлар томонидан бирта жавобгарга нисбатан берилган тақдирда, давлат божи базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари миқдорида тўланиши лозим. Бунда тўлов бирта даъвогар ёки бир неча даъвогар томонидан тўланган бўлиши аҳамиятга эга эмас. Яъни, даъво аризаси бўйича давлат божи белгиланган миқдорда тўланганлиги сабабли судлар томонидан даъво аризасини ушбу асос билан қайтарилишига йўл қўйилмайди. Лекин даъво бир неча жавобгарларга нисбатан берилган тақдирда, судда икки хил амалиётни кузатиш мумкин.

Масалан, “РОНАТ” масъулияти чекланган жамиятининг иштирокчиси “АВТОТЕХХИЗМАТ” масъулияти чекланган жамиятининг жамиятнинг 26 та иштирокчисини жамият иштирокчилари сафидан чиқариш тўғрисидаги даъво аризаси Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2021 йил 2 мартдаги ажрими билан қайтарилиб, ажримга даъвогар томонидан ҳар бир иштирокчини жамиятдан чиқариш учун базавий ҳисоблаш миқдори (БҲМ)нинг 10 бараваридан давлат божи тўланиши лозим бўлса-да, даъвогар томонидан 10 БҲМ миқдорда давлат божи тўланганлиги асос сифатида кўрсатилган.

---

<sup>116</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).



Апелляция инстанция судининг 2021 йил 13 апрелдаги қарори билан мазкур суд ҳужжати бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган ва ушбу даъво бўйича БҲМнинг 10 баравари миқдорида давлат божи тўғри тўланганлиги, биринчи инстанция суди томонидан қонун талаблари бузилиб, даъво аризаси нотўғри қайтарилганлиги баён этилган<sup>117</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Иқтисодий ишлар бўйича суд харажатларини ундириш амалиёти тўғрисида” 2020 йил 19 декабрдаги 36-сонли қарорининг 6-бандига кўра, бир нечта мустақил талаблардан иборат бўлган даъво аризаларидан (аризалардан) давлат божи ҳар бир талаб бўйича, ушбу талаб учун белгиланган тегишли ставкалар бўйича алоҳида ундирилади<sup>118</sup>.

Фикримизча, ҳар бир иштирокчини жамиятдан чиқариш алоҳида мустақил талаб ҳисобланади. Жумладан, даъво икки ва ундан ортиқ иштирокчига нисбатан киритилган бўлса, суд, иш ҳолатларидан келиб чиқиб, даъво талабини бир иштирокчига нисбатан қаноатлантириши, иккинчисига нисбатан рад этиши, учинчисига нисбатан иш юритишни тугатиши мумкин.

---

<sup>117</sup> Қаранг: Тошкент туманлараро иқтисодий судининг иши.

<sup>118</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

Шунингдек, унинг оқибатлари ҳам ҳар хил бўлади. Яъни суднинг муайян иштирокчини жамиятдан чиқариш тўғрисидаги ҳал қилув қарорини кучга кириши, ушбу иштирокчи учун корпоратив муносабатнинг “туғаш нуқтаси” ҳисобланади. Шу сабабли, ҳар бир иштирокчини жамиятдан чиқариш учун давлат божи алоҳида тўланиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Жамият иштирокчисининг юридик шахс томонидан тузилган битимларни ҳақиқий эмас деб топиш ва (ёки) бундай битимларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш ҳақидаги даъволари бўйича битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва битимни ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш иккита мустақил талабдан иборат бўлган даъво эканлигини инобатга олиш лозим. Шу боис, бундай даъволар бўйича давлат божи ҳар бир талаб учун алоҳида тўланиши лозим.

Мазкур мазмундаги даъволарнинг ўзига хос хусусияти шундаки, бундай даъволарнинг мақсади жамиятнинг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишга (тиклашга) қаратилган бўлиб, англо-америка ҳуқуқида (derivative claims) шаклланган ва ҳозирга қадар кенг қўлланилиб келинади<sup>119</sup>.

---

<sup>119</sup> Joffe V. Minority Shareholders: Law, Practice and Procedure/ V. Joffe, D. Drake, G. Richardson, D. Lightman, T. Collingwood// Oxford University Press. 2015, p. 33.

Миллий қонунчилигимизда ҳосила (билвосита) даъволар тушунчаси мавжуд эмас. Ҳосила (билвосита) даъво - бу иштирокчи (акциядор) томонидан жамият манфаатида, судга мурожаат қилиш шакли бўлиб, бундай даъвонинг қаноатлантирилишида иштирокчининг манфаати мавжуд бўлади. қатор қонунларда иштирокчиларнинг жамият манфаатида судларга даъво билан мурожаат қилиш ҳуқуқи белгиланган.

Суд амалиётида, иштирокчининг ҳосила (билвосита) даъвоси қаноатлантирилганда, давлат божи жамиятдан ундирилади. Масалан, Асака туманлараро иқтисодий суди даъвогар “Савдо ва ишлаб чиқариш” МЧЖнинг таъсисчилари Р.Жовлиев, А.Соатов ва А.Мелиевларнинг “Савдо ва ишлаб чиқариш” МЧЖ ва “ЁҚИЛҒИ” МЧЖ ўртасида 2018 йил 11 сентябрда расмийлаштирилган 1-сонли кўчмас мулкни олди-сотди шартномасини ваколатсиз шахс Т.Қориев томонидан жамият таъсисчиларининг розилигисиз, умумий йиғилиш қарорисиз, қонунга хилоф тузилган шартномаси сифатида баҳолаб, олди - сотди шартномани ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъвосини қаноатлантириб, “Савдо ва ишлаб чиқариш” МЧЖдан 2 230 000 сўм давлат божи ундирилган<sup>120</sup>.

---

<sup>120</sup> Қаранг: Асака туманлараро иқтисодий судининг 4 - 1704-2002/420 -сонли иши

Ушбу ҳолатда ИПКда ўрнатилган тарафлар, уларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунчалари ҳамда давлат божини ундириш борасидаги умумий тамойиллар бузилганга ўхшайди. Яъни, иштирокчининг даъвоси қаноатлантирилар экан, жамиятнинг ҳуқуқи тикланиб, давлат божи айбдор шахс сифатида яна жамиятнинг ўзидан ундирилади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, корпоратив муносабат субъектларининг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш воситаси сифатида ҳосила (билвосита) даъволарни қонунчиликка киритиш орқали уларнинг тушунчаси ва хусусиятларини ифодалаган ҳолда процессуал қонунчиликни такомиллаштириш лозим.

Инобатга олиш лозимки, суд ўз ташаббуси билан битимнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаган тақдирда, давлат божи ундирилмайди.

Имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи бузилганлиги ҳолати бўйича сотиб олувчининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ўзига ўтказиш тўғрисида судга тақдим этиладиган даъво номулкий тусдаги даъво ҳисобланиши сабабли улуш қийматидан қатъий назар БҲМнинг 10 баравари давлат божи тўланади.

Даъво аризасида сотиб олувчининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини иккита ва ундан ортиқ шартномалар бўйича ўтказиш талаб қилинганда, ҳар бир шартнома бўйича давлат божи базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваридан ундирилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, корпоратив ҳуқуқларни суд орқали ҳимоя қилишда барча субъектларга бир хил ҳуқуқларнинг таъминланиши, қонунчиликдаги айрим тушунмовчиликларни бартараф этиш билан бир қаторда, корпоратив муносабат субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим ўрин эгаллайди.

## 7-БОБ

### ЮРИДИК ШАХС ТАЪСИСЧИЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОЛАР

Маълумки, тадбиркорлик субъектлари коллегиял ёки яккабошчилик асосида бошқарилади. Бу уларнинг ташкилий-ҳуқуқий тузилишига бевосита боғлиқ бўлиб, хусусий фирма, хусусий корхона, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда бир шахс томонидан ташкил этиладиган масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамиятларда бошқарув жамиятнинг ягона таъсисчиси томонидан амалга оширилса, икки ёки ундан ортиқ иштирокчи томонидан ташкил этиладиган масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамиятлар, яъни корпорациялар коллегиял орган орқали бошқарилади.

Битта шахс томонидан қарорнинг қабул қилиниши жараёни нисбатан содда бўлиб, қарор қабул қилинишида алоҳида тартиб қоидалар, келишувлар ва бошқа механизмларни тақозо қилмайди. Аммо бошқарув соҳасида муайян қарорнинг қабул қилиниши, икки ва ундан ортиқ шахсга боғлиқ бўлиб қолганда-чи? Албатта, бунда ушбу шахсларнинг манфаатдорлиги, дунёқараши ва фикрларининг хилма-хиллиги нуқтаи-назаридан қараганда бир тўхтамга келишда келишмовчиликлар вужудга келиши табиий ҳол. Таҳлиллар натижаси шуни

кўрсатмоқдаки, иштирокчи (таъсисчи)лар ўртасидаги келишмовчиликлар кейинчалик жамиятнинг фаолиятига жиддий таъсир кўрсатиб, айрим ҳолларда жамиятнинг тўловга қобилиятсизлик ҳолатига келиб қолишига ҳам сабаб бўлмоқда. Бундай келишмовчиликларни ҳал этиш ва олдини олишнинг бирдан бир йўли, корпорациялар иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини амалга ошириш, ҳимоя қилиш ва таъминлашнинг моддий ва процессуал ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашни талаб қилади.

Жамият ёки корпорацияни бошқаришда иштирок этиш, иштирокчининг номулкий ҳуқуқи ҳисобланиб, унинг бу ҳуқуқлари амалдаги қонунчилик нормаларида мустаҳкамлаб қўйилганлиги билан бир қаторда, жамият таъсис ҳужжатлари ёки умумий йиғилиш қарори билан қабул қилинган бошқа ички локал норматив ҳужжатлар билан ҳам белгилаб қўйилиши мумкин.

Корпорация иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда корпорациянинг таъсис ҳужжатлари ва локал ҳужжатлари билан белгиланади .

“Масъулияти чекланган жамиятлар ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг 29-моддасида жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши жамият бошқарувининг олий органи ҳисобланади, деб белгиланган бўлса, Қонуннинг 8-

моддасида жамият иштирокчилари ушбу Қонунда ва жамиятнинг таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда жамиятнинг ишларини бошқаришда иштирок этишга ҳақли эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган<sup>121</sup>.

Номулкий ҳуқуқлар иштирокчининг корпорацияда номулкий иштироки воситаси ҳисобланади. Иштирокчиларнинг номулкий ҳуқуқлари мулкӣ ҳуқуқларига нисбатан бир қадар иккинчи даражали деб қаралади. Аксинча, иштирокчининг номулкий ҳуқуқларини етарлича баҳоламаслик нотўғри бўларди. Чунки бу ҳуқуқлар ўз моҳиятига кўра иштирокчининг корпорация фаолиятида номулкий иштироки бўлсада, асосан унинг мулкӣ ҳуқуқларини амалга ошириш воситаси бўлиб хизмат қилади .

Бугунги кунда қонунчиликда корпорацияларнинг ички ҳуқуқий муносабатлари, корпоратив бошқарув ва корпоратив муносабатлар соҳаси етарлича ўрганиш ва тартибга солишни талаб қиладиган соҳалардан бири бўлиб қолмоқда. Бу соҳада қонунчиликда бўшлиқлар мавжудлиги ва қонунни тадбиқ қилиш амалиёти етарлича шаклланмаганлиги сабабли суд амалиётида мазкур тоифадаги низоларни ҳал этиш билан боғлиқ

---

<sup>121</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).



мураккаб ва мунозарали масалаларни юзага келтирмоқда.

“Масъулияти чекланган жамиятлар ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида иштирокчиларга ўзининг жамиятни бошқариш ҳуқуқидан тўлақонли фойдаланиш имконини яратиш мақсадида умумий йиғилишни чақиришнинг тартиб-таомиллари белгилаб қўйилган<sup>122</sup>. Бироқ, амалиётда объектив ва субъектив сабабларга кўра уни чақиришнинг белгиланган тартибларининг ва иштирокчиларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари бузилиш ҳоллари кузатилади.

Қонунчилик ва суд амалиётида шундай ўрганиш ва такомиллаштириш талаб қиладиган масалалардан бири - иштирокчиларнинг умумий йиғилишини чақириш билан боғлиқ низолар ҳисобланади.

ИПК 30-моддаси биринчи қисмининг 6-бандида юридик шахс иштирокчиларининг умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги низолар рўйхати келтирилган бўлиб, мазкур норма айнан ушбу жараёндаги низолар вужудга келганда иштирокчи ёки ҳуқуқи бузилган тарафнинг судга мурожаат қилиш ҳуқуқини ва унинг суд томонидан ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашни белгилайди.

---

<sup>122</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

Бундай муурожаат даъво аризаси шаклида расмийлаштирилади ва ИПКнинг 149-моддасида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлиши керак. Ушбу моддага кўра даъво аризаси судга ёзма шаклда берилади. У даъвогар ёки унинг вакили томонидан имзоланади.

Умумий йиғилишни чақириш тўғрисидаги даъво аризасида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- 1) даъво аризаси берилётган суднинг номи;
- 2) ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми), жойлашган ери (почта манзили) ёки яшаш жойи;
- 3) даъво талабларига асос бўлган ҳолатлар;
- 4) даъво талабларининг асосларини тасдиқловчи далиллар;
- 5) илова қилинаётган ҳужжатларнинг рўйхати.

Даъво аризасида даъвогарнинг ёки унинг вакилининг телефонлари, факслари рақамлари, электрон манзили кўрсатилиши мумкин<sup>123</sup>.

Бундай маълумотларнинг кўрсатилиши ишни суд муҳокамасига тайёрлаш учун қулайликлар яратиш билан бир қаторда, ишда иштирок этувчи шахсларнинг огоҳлантирилмаганлиги сабабли ишни кўришни кейинга қолдирилишини олдини олади, шунингдек низоларни белгиланган муддатларда ҳал этилишига ёрдам беради.

---

<sup>123</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

Алоҳида судловга тегишлилик қоидаси бўйича бундай даъволар юридик шахс жойлашган ердаги судга такдим этилади.

Қоида тариқасида жамиятнинг жойлашган манзили унинг давлат рўйхатидан ўтказилган жойига қараб белгиланади. Аммо, жамиятнинг таъсис ҳужжатларида унинг бошқарув органлари доимий жойлашган ер ёки унинг асосий фаолияти юритиладиган жой жамиятнинг жойлашган манзили деб белгиланиши мумкин. Шу сабабли, бошқа корпоратив низолар сингари ушбу тоифадаги низолар бўйича даъво аризасига ИПҚнинг 151-моддасида назарда тутилган ҳужжатлардан ташқари, юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ва унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳужжат илова қилинади. Статистика органларидан олинган расмий маълумотлар ёки юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари жамиятнинг жойлашган манзилени тасдиқловчи далил бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Шунингдек, умумий йиғилишни чақириш тўғрисидаги даъволар номулкӣ хусусиятга эга бўлганлиги сабабли “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига илова сифатида тасдиқланган Давлат божи ставкаларининг миқдорларини иккинчи қисмининг б) бандига мувофиқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари миқдорда давлат божи ва базавий ҳисоблаш

миқдорининг ўндан бир қисми миқдорида почта харажати тўланиши керак<sup>124</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми “Иқтисодий судлар томонидан корпоратив низоларни ҳал этишнинг айрим масалалари тўғрисида” 2014 йил 20 июндаги 262-сонли Қарорининг 17-бандида берилган тушунтиришга мувофиқ бундай даъволар бўйича жавобгар бўлиб ушбу бошқарув органлари эмас, балки жамиятнинг ўзи ҳисобланади<sup>125</sup>.

Амалдаги қонунчиликда умумий йиғилишни чақириш ва ўтказиш тартиби иштирокчининг жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини амалга ошириш воситаси сифатида “Масъулияти чекланган жамиятлар ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида, жамият уставида ва унинг ички ҳужжатларида белгилаб қўйилган.

“Масъулияти чекланган жамиятлар ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида иштирокчилар умумий йиғилишининг икки хил: навбатдаги ва навбатдан ташқари турлари белгиланган бўлиб, йиғилишни чақириш тартиби,

---

<sup>124</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>125</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

муддатлари, даврийлиги қонунда ёки жамият уставида белгилаб қўйилади.

Мазкур Қонуннинг 31-моддасига асосан жамият иштирокчиларининг навбатдаги умумий йиғилиши жамиятнинг уставида белгиланган муддатларда, лекин йилига камида бир марта ўтказилади. Жамият иштирокчиларининг навбатдаги умумий йиғилиши жамиятнинг ижро этувчи органи томонидан чақирилади<sup>126</sup>.

Навбатдан ташқари умумий йиғилиш эса Қонуннинг 32-моддасига кўра, жамиятнинг уставида белгиланган ҳолларда, шунингдек, агар бундай умумий йиғилишни ўтказишни жамиятнинг ва унинг иштирокчиларининг манфаатлари тақозо этса, бошқа ҳолларда ҳам ўтказилади.

Жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши жамиятнинг ижро этувчи органи томонидан:

жамият иштирокчилари умумий овозлар сонининг жами камида ўндан бирига эга бўлган жамият иштирокчиларининг;

жамият кузатув кенгашининг;

жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) талабига биноан чақирилади.

Жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши зарур ҳолларда жамиятнинг ижро

---

<sup>126</sup> www.lex.uz.

этувчи органи томонидан унинг ташаббусига биноан чақирилиши мумкин<sup>127</sup>.

Умумий йиғилишни чақиришнинг белгиланган тартибига риоя қилмаслик, йиғилиш якуни бўйича чиқариладиган қарорни манфаатдор шахснинг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилишига асос бўлишини инобатга олган ҳолда умумий йиғилишни чақириш ва ўтказиш жараёнида эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатларни иккита муҳим туркумга ажратиб кўрсатишимиз мумкин.

Булар:

I. Умумий йиғилишни чақиришдаги тартиб-таомиллар;

II. Иштирокчиларнинг қонуний ҳуқуқларини амалга ошириш билан боғлиқ қоидалар.

Биринчи туркум қоидаларга қуйидагилар киради:

1) Умумий йиғилишни ўтказишдан камида ўттиз кун олдин бу ҳақда жамиятнинг ҳар бир иштирокчисини жамият иштирокчиларининг рўйхатида кўрсатилган манзил бўйича буюртма хат билан ёки жамиятнинг уставида назарда тутилган бошқа усулда хабардор қилиш;

2) Хабарномада жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши ўтказиладиган вақт ва жой,

---

<sup>127</sup> www.lex.uz.

шунингдек таклиф қилинаётган кун тартибини кўрсатиш;

3) Иштирокчиларнинг умумий йиғилишининг дастлабки кун тартибига жамият иштирокчиларининг таклифига биноан ўзгартишлар киритиладиган бўлса, умумий йиғилишни чақирувчи орган ёки шахслар умумий йиғилиш ўтказиладиган кундан камида ўн кун олдин кун тартибига киритилган ўзгартишлар ҳақида жамиятнинг барча иштирокчиларини қонунда ёки жамият уставида белгиланган тартибда хабардор қилиш;

4) Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш чоғида жамият иштирокчиларига тақдим этилиши лозим бўлган ахборот ва материаллар билан таништириш.

Иккинчи туркум қоидаларга қуйидагилар киради:

1) Иштирокчиларнинг умумий йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар ва улар юзасидан умумий йиғилиш муҳокамасига тақдим этилаётган ҳужжатлар билан танишиш, ахборот олиш ҳуқуқи (Қонун 32-моддаси);

2) Иштирокчиларнинг умумий йиғилиши кун тартибига қўшимча масалаларни киритишни таклиф қилиш ҳуқуқи (Қонун 33-моддаси).

3) Иштирокчиларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилиш ҳуқуқи (Қонун 32-моддаси)<sup>128</sup>.

Иштирокчининг иштирокчиларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилган масалалар ва улар юзасидан умумий йиғилиш муҳокамасига тақдим этилаётган ҳужжатлар билан танишиш, ахборот олиш ҳуқуқининг бузилиши ўз навбатида иштирокчининг Қонуннинг 8-моддасининг биринчи қисмида белгиланган қонунчиликда ва жамият таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда жамиятнинг фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳуқуқининг ҳам бузилишига олиб келади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, иштирокчиларнинг умумий йиғилишини чақириш билан боғлиқ низоларни умумий йиғилишни чақириш тартиб-таомилларининг бузилиши ва иштирокчиларнинг умумий йиғилишни чақириш жараёнидаги қонунда белгиланган ҳуқуқларининг бузилиши соҳасидаги низолар кўринишида юзага келади, деб хулоса қилишимиз мумкин.

Суд амалиётида умумий йиғилишни чақириш билан боғлиқ низолар кўп эмас. Бу борадаги келишмовчиликлар аксарият ҳолларда иштирокчиларнинг ҳуқуқларини амалга оширилишига тўсқинлик қилинганлиги, яъни умумий

---

<sup>128</sup> www.lex.uz.



Йиғилишни чақириш тартиб-таомилларига риоя қилинмаслиги ёки мазкур таомилларни белгиланган тартибда қонунчиликка мувофиқ равишда амалга оширилмаслиги натижасида иштирокчиларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари бузилиши оқибатида келиб чиқаётганлиги кузатилмоқда.

Қоракўл туманлараро судида кўрилган корпоратив низони бунга мисол сифатида келтиришимиз мумкин. Ушбу иқтисодий ишда даъвогар “Проект” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси М.Ҳалимова жавобгарлар “Проект” масъулияти чекланган жамияти ҳамда ушбу жамият таъсисчиси С.Саидовага нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгарларга нисбатан 2015-2019 йиллар учун йиллик натижаларини тасдиқлаш мақсадида, жамият таъсисчиларининг навбатдаги умумий йиғилишини чақириш ҳамда бухгалтерия ҳужжатларини тақдим қилган ҳолда жамият молиявий ҳисоботлари тўғрилигини, бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибининг белгиланган талабларга мувофиқлигини, соф фойда миқдорини аниқлаш учун аудиторлик текширув ўтказиш мажбуриятини юклашни сўраган.

Даъво аризасида баён этилишича, жамиятнинг иккинчи таъсисчиси ва директори ўзаро тил бириктириб, жамият фаолиятига оид ҳужжатларни унга бермасдан, жамиятда ишламайдиган ходимларга ойлик иш ҳақилари ёзиб олишган, хизмат сафарлари

мақсадида пул маблағларини ўзлаштирган, дивидентларни тақсимланмаган ва жамиятга зарар келтирган.

Ушбу ҳолатларга аниқлик киритиш мақсадида даъвогар жамиятга 2020 йил 26 мартда хабарнома билан мурожаат қилган ва 2020 йил 27 апрелда Бухоро вилоят тадбиркорликка кўмаклашиш маркази Бухоро шаҳар бўлими биносида МЧЖнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақирган. Жамият иккинчи таъсисчи томонидан даъвогарни таъсисчилар сафидан суд тартибида чиқариш тўғрисида даъво аризаси киритилганлигини, ушбу масала судда кўриб чиқилгунга қадар умумий йиғилиш чақириш масаласи кўриб чиқилмаслиги маълум қилган.

Даъвогарнинг умумий йиғилишни чақириш тўғрисидаги таклифи жамият томонидан рад этилганлиги, мазкур низонинг келиб чиқишига ва судда кўрилишига сабаб бўлган.

“Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 32-моддасига кўра жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарор жамиятнинг ижро этувчи органи томонидан фақат қуйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин:

агар жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги

талабни тақдим этишнинг ушбу Қонунда белгиланган тартибига риоя этилган бўлмаса;

агар жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг кун тартибига киритиш учун таклиф қилинган масалалардан бирортаси ҳам унинг ваколатлари жумласига кирмаса<sup>129</sup>.

Мазкур ҳолатда МЧЖ томонидан даъвогарнинг умумий йиғилиш чақириш тўғрисидаги талабини рад этиш асослари қонун ҳужжатида мавжуд эмаслиги, ИПК 30-моддаси биринчи қисмининг 7-бандига кўра юридик шахс иштирокчиларининг умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги низолар корпоратив низолар бўйича ишлар жумласига кириши, даъвогар МЧЖга 2017 йил 18 июлда таъсисчи бўлиб кирганлигини инобатга олиб, даъвогарнинг МЧЖга нисбатан 2017-2019 йиллар учун йиллик натижаларини тасдиқлаш мақсадида МЧЖ таъсисчиларининг навбатдаги умумий йиғилишини чақириш мажбуриятини юклаш талабини қаноатлантиришни лозим деб топган.

Ваҳоланки, Қонун 32-моддасининг ўн биринчи қисмига кўра, агар ушбу Қонунда белгиланган муддат ичида жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинмаган ёки уни ўтказишни рад этиш

---

<sup>129</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса, жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши уни ўтказишни талаб қилаётган органлар ёки шахслар томонидан чақирилиши мумкин. Бундай ҳолда жамиятнинг ижро этувчи органи мазкур органлар ёки шахсларга жамият иштирокчиларининг манзиллари кўрсатилган рўйхатни тақдим этиши шарт<sup>130</sup>.

Таъкидлаш керакки, умумий йиғилишга тайёргарлик кўриш, уни чақириш ва ўтказиш харажатлари жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг қарорига биноан жамиятнинг маблағлари ҳисобидан қопланиши мумкин. Мазкур ҳолатда ҳуқуқни ҳимоя қилиш воситасида сифатида судга даъво киритиш ҳуқуқи назарда тутилмаган.

Қонунда бундай ҳолларда навбатдан ташқари умумий йиғилишни уни ўтказишни талаб қилаётган органлар ёки шахсларнинг ўзлари томонидан чақирилиши назарда тутилган бўлиб, иштирокчи ёки жамият органига навбатдан ташқари умумий йиғилишни мустақил чақириш ҳуқуқини бериш орқали уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминланган.

Демак, мазкур органлар ёки шахслар томонидан жамиятга нисбатан навбатдан ташқари умумий йиғилишни ўтказиш мажбуриятини юклаш тўғрисида даъво билан мурожаат қилинган ҳолларда, уларнинг

---

<sup>130</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

бу талаби навбатдан ташқари умумий йиғилишни ўтказиш ҳуқуқи қонун ҳужжатлари билан ўзларига берилганлиги ҳамда қонунчиликда бу низони суд тартибида ҳал қилиш назарда тутилмаганлиги сабабли, суд томонидан қаноатлантирилиши рад этилиши лозимлиги масаласини ўйлаб кўриш лозим.

Россия Федерацияси судлари амалиётида ҳам масъулияти чекланган жамияти иштирокчиларининг умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилинганда, даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш амалиёти шаклланган. Бинобарин, мисол тариқасида Россия Федерацияси тажрибасидан қуйидагиларни келтириш мумкин.

“Жамият иштирокчиси фуқаро Б. томонидан жамиятга нисбатан навбатдан ташқари умумий йиғилиш ўтказиш мажбуриятини юклаш ҳақида даъво аризаси билан судга мурожаат қилинган.

“Масъулияти чекланган жамиятлар тўғрисида”ги Федерал Қонун билан жамият иштирокчиларига жамиятга нисбатан навбатдан ташқари умумий йиғилишни чақириш мажбуриятини юклаш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқи назарда тутилмаганлиги ҳамда мазкур қонун 35-моддасига асосан бундай иштирокчининг ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг бошқа усули белгиланганлиги, яъни агар жамият органи томонидан қонун билан белгиланган муддатда иштирокчиларнинг навбатдан ташқари умумий

Йиғилишини чақириш ҳақида қарор қабул қилинмаган ёки чақиришни рад этилган ҳолларда, иштирокчиларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши уни чақиришни талаб қилаётган орган ёки шахслар томонидан чақирилиши мумкинлиги белгиланганлигига асосан иштирокчининг бу талабини қаноатлантириш суд томонидан рад қилинган.

Бундан ташқари Россия қонунчилигида Россия Федерациясининг “Масъулияти чекланган жамиятлар тўғрисида”ги Федерал қонунида белгиланган муддатларда умумий йиғилиш чақирилмаган ҳолларда Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги Кодексининг 15.23.1-моддасида белгиланган тартибда умумий йиғилишни ўтказишга масъул шахслар маъмурий жавобгарликка тортиш белгиланган .

Бу умумий йиғилишни чақириш тартибига риоя этилишини ҳуқуқий тартибга солишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Шуларни инобатга олиган таъкидлаш керакки, фикримизча, бугунги кунда жамият ҳаётига илм-фан ва технология ютуқлари кенг жорий қилинаётганлиги, электрон шаклда иш юритиш асослари ривожланаётганлиги сабабли ва амалиётда иштирокчиларни умумий йиғилиш ҳақида хабардор қилиш жараёнида юзага келаётган ноқулайликларни бартараф қилиш ва бу борада иштирокчилар ҳуқуқини таъминлашда қулайлик яратиш, шунингдек бу борада

юзга келадиган низоларни ҳал қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш мақсадида “Масъулияти чекланган жамиятлар ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг умумий йиғилишни чақиришда иштирокчиларни хабардор қилиш ҳақидаги нормага шу билан боғлиқ тегишли ўзгартиришлар киритишни талаб қилади. Шу боис, иштирокчиларни умумий йиғилиш ҳақида хабардор қилиш усуллари сирасига SMS хабар ёки электрон почтадан фойдаланишни назарда тутиш билан боғлиқ қоидаларни жорий этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Юқоридагиларни инобатга олиб, “Масъулияти чекланган жамиятлар ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни<sup>131</sup>га янги “Тегишли тарзда хабардор қилиш” деган 33<sup>1</sup>-моддани қуйидаги мазмунда киритиш таклиф қилинади: “Агар жамият иштирокчиси умумий йиғилиш ўтказишнинг вақти ва жойи ҳақида ушбу қонунда назарда тутилган усуллардан бири орқали хабардор қилинган бўлса, ушбу иштирокчи тегишли тарзда хабардор қилинган деб ҳисобланади.

Жамият иштирокчиси қуйидаги ҳолларда ҳам жамият томонидан жамият иштирокчиларининг

---

<sup>131</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

умумий йиғилиши ўтказиладиган вақт ва жой ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинган деб ҳисобланади, агар:

хабарнома йўлланган иштирокчи хабарномани олишни рад этган ва ушбу рад этиш қайд этилган бўлса;

жамият томонидан иштирокчи юридик шахснинг жамиятга маълум бўлган охириги жойлашган ери (почта манзили), фуқаронинг яшаш жойи бўйича юборилган хабарномани олувчи кўрсатилган манзилда йўқлиги сабабли топширилмаган ва бу ҳақда алоқа муассасаси жамиятни хабардор қилган бўлса;

хабарнома жамият томонидан электрон почта орқали ёки хабардор қилинганлик фактини тасдиқловчи бошқа алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда, шу жумладан SMS-хабар юборилган кундан эътиборан уч кун ўтган бўлса”.

“Масъулияти чекланган жамиятлар ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 33-моддасининг биринчи қисмида “Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишини чақирувчи орган ёки шахслар уни ўтказишдан камида ўттиз кун олдин бу ҳақда жамиятнинг ҳар бир иштирокчисини жамият иштирокчиларининг рўйхатида кўрсатилган манзил бўйича буюртма хат билан ёки жамиятнинг уставида назарда тутилган бошқа усулда хабардор



қилиши шарт” деб белгиланган<sup>132</sup>. Бироқ амалдаги қонунчиликда рўйхатни ким томонидан тузилиши, ундаги ахборотларнинг ҳаққонийлиги учун жавобгарлик кимнинг зиммасида эканлиги ва ким томонидан назорат қилиниши, бу маълумотларни тақдим этиш кимнинг зиммасида эканлиги тартибга солинмаган. Бу эса судлар фаолиятида иштирокчиларнинг ҳуқуқини тиклаш соҳасида бир қанча зиддиятларни келтириб чиқаради. Бу каби ҳолатларга қонуний ечим топиш мақсадида мазкур Қонунга “Жамият иштирокчиларининг рўйхати” деб номланган моддани қуйидаги таҳрирда киритиш таклиф қилинади: ”Жамият иштирокчиларининг рўйхати жамият иштирокчиларининг белгиланган санадаги ҳолатга кўра шакллантирилган, уларга тегишли улушлар миқдори, қиймати, шунингдек иштирокчиларга ахборотни юбориш имкониятини берадиган маълумотлар, яъни юридик шахснинг жойлашган ери (почта манзили), фуқаронинг яшаш жойи, иштирокчиларнинг ўз номига рўйхатдан ўтказилган алоқа воситалари: телефон, мобил телефон, электрон почта манзили кўрсатилган рўйхатидир.

Жамият иштирокчиларининг рўйхатини шакллантириш жамият ижро органи томонидан амалга оширилади.

---

<sup>132</sup> www.lex.uz.

Иштирокчиларнинг умумий йиғилишда иштирок этиши, дивидендлар олиши ва жамият томонидан корпоратив ҳаракатлар бажарилганда қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳуқуқларни амалга ошириши жамият иштирокчиларнинг рўйхати асосида амалга оширилади.

Жамият иштирокчиларининг рўйхатида жамиятнинг ҳар бир иштирокчиси ҳақидаги, унинг жамият устав фондидаги улуши миқдори, улуш қандай шаклда киритилганлиги (мол-мулк, пул маблағлари ёки интеллектуал мулк) тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қонунчиликда назарда тутилган бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Жамият ижроия органи иштирокчиларнинг рўйхатини шакллантирилишини таъминлаши ва шакллантирилган рўйхатни сақлаши шарт.

Иштирокчи ўзига оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида жамият ижро органига ўз вақтида хабардор қилиши шарт. Иштирокчи ўзига оид маълумотлар ўзгарганлиги ҳақидаги ахборотни тақдим этмаган ҳолларда, жамият (жамият ижро органи) бунинг оқибатида иштирокчига етказилган зарар учун жавобгар бўлмайди”.

Миллий қонунчиликка “Масъулияти чекланган жамиятлар ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида ва жамият уставида белгиланган муддатларда умумий йиғилиш чақирилмаган

ҳолларда умумий йиғилишни ўтказишга масъул шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги қоидаларни ҳам киритиш лозим деб ҳисоблаймиз. Бу кейинги пайтларда амалиётда жамиятнинг умумий йиғилишини ўтказиш масалаларида учраётган қонунбузилишлар, жамият йиллик ҳисоботлари, дивидендларига боғлиқ масалаларни ўз вақтида ҳал қилинмаслиги каби ҳолатларни бартараф қилишга, жамият масъул шахслари ва органларининг масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Корпоратив низоларни кўриш жараёнида қонун ҳужжатларидан бўўлиқларни тўлдириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленуми “Иқтисодий судлар томонидан корпоратив низоларни ҳал этишнинг айрим масалалари тўғрисида” 2014 йил 20 июндаги 262-сонли қарори<sup>133</sup>ни қуйидаги мазмундаги 16.1-банд билан тўлдириш ҳам мақсадга мувофиқ:

“Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 32-моддаси биринчи қисмининг ўн олтинчи хатбошисига кўра, “агар ушбу Қонунда белгиланган муддат ичида жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинмаган ёки уни ўтказишни рад этиш тўғрисида

---

<sup>133</sup> www.lex.uz.

қарор қабул қилинган бўлса, жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши уни ўтказишни талаб қилаётган органлар ёки шахслар томонидан чақирилиши мумкин”, деб белгиланган.

Шу муносабат билан эътиборга олиш керакки, жамият иштирокчиси ёки юридик шахс органи (тузилма – яъни жамият кузатув кенгаши, жамият тафтиш комиссияси (тафтишчиси) томонидан жамиятга нисбатан берилган жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш мажбуриятини юклаш ҳақидаги талаб билан судга мурожаат қилинганда, бундай талабни қаноатлантириш рад этилади.

Шунингдек, мазкур таклифларнинг моддий ва процессуал қонунчилигимизга киритилиши иштирокчиларнинг умумий йиғилишини чақириш юзасидан келиб чиқадиган низоларни олдини олишга, бундай низоларнинг ҳал этилишини қонуний асосларининг яратилишига, судлар томонидан малакали кўриб чиқирилишини таъминланишида муҳим аҳамият касб этади ва натижада фуқароларнинг мулкдор сифатида ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиниши механизмларини такомиллаштиришига хизмат қилади.

## **8-БОБ**

### **МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИ (УСТАВ КАПИТАЛИ)ДАГИ УЛУШ БИЛАН БОҒЛИҚ НИЗОЛАР**

Аслида табиий фанларга мос тушунча сифатида “улуш” ибораси муайян бутунликнинг сифат ёки миқдорда ифодаланган бир бўлаги маъносида ишлатилади. Ҳуқуқ тизимларида улуш атамаси кенг ишлатилса-да, миллий қонунчиликда ушбу атамага аниқ таъриф мавжуд эмас.

Юридик адабиётларда улуш тушунчаси тўғрисида хилма-хил фикрлар мавжуд. Жумладан, Хелсбери Англия қонунларида улуш тушунчасига компания фаолияти давомида унинг устав капиталига муайян ҳуқуқ ва мажбуриятни белгиловчи ҳуқуқ сифатида таъриф берилган<sup>134</sup>.

Р.Фатхутдинов ўзининг “Уступка доли в уставном капитале ООО: Теория и практика” асарида масъулияти чекланган жамиятнинг устав капиталидаги улуш – бу жамият фаолиятида иштирок этиш ҳуқуқукининг бир тури бўлиб, компания иштирокчисининг ягона ва чекланмаган ваколатлар тўпламидан ташкил топган жамият фаолиятини

---

1. <sup>134</sup> Halsbury's Laws of England.  
URL:<https://www.lexisnexis.co.uk/products/halsburys-laws-of-england.html>

ташқил этишда иштирок этишнинг субъектив ҳуқуқидир<sup>135</sup> деб таъкидлаган.

Жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда, миқдорда, усулларда ва муддатларда дастлаб жамият устав фондини шакллантириш, кейинчалик кўпайтириш учун кўшилган ҳиссалар, устав фондига ҳиссани киритган шахсларнинг жамиятидаги улуши сифатида юритилади. Пул, қимматли қоғозлар, ўзга ашёлар ёки мулкый ҳуқуқлар ёхуд пул баҳосига эга бўлган бошқа шахсга ўтказиладиган ўзга ҳуқуқлар жамиятнинг устав фондига кўшиладиган ҳиссалар бўлиши мумкин.

Россия Федерацияси Олий арбитраж суди Раёсатининг 2014 йил 15 июлдаги 3640/14-сонли қарорида масъулияти чекланган жамиятидаги улуш ашё эмас, балки жамият иштирокичисининг муайян мулкый ва номулкий ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг мажмуи бўлиб, фуқаролик ҳуқуқлари объектларининг гуруҳига кирадиган бошқа мол-мулк деб тушунтириш берилган<sup>136</sup>.

Жамият устав фондида жамият ҳар бир иштирокчиси улушининг миқдори ва номинал қиймати тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилиши

---

<sup>135</sup> Фатхутдинов Р. С. Уступка доли в уставном капитале ООО: Теория и практика. М.: Волтерс Клувер, 2009.- С. 22.

<sup>136</sup> Постановлении Президиума ВАС РФ от 15.07.2014 N 3640/14

зарурий шарт сифатида белгиланганлиги сабабли жамиятнинг устав фондига қўшиладиган пулсиз хиссаларнинг пул баҳоси жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг жамиятнинг барча иштирокчилари томонидан бир овоздан қабул қилинадиган қарори билан тасдиқланади.

“Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддасида устав фондини шакллантиришда улушга нисбатан унинг “номинал қиймати” тушунчаси ишлатилган<sup>137</sup>. Улушнинг номинал қиймати деганда нима тушунилади? Улушнинг номинал қийматидан ташқари яна қандай қийматлари мавжуд ва ушбу қийматлар қайси ҳолларда қўлланилади?

Қонунчиликда улушнинг уч хил қиймати тўғрисида сўз юритилади:

1. Номинал қиймат;
2. Ҳақиқий қиймат;
3. Бозор баҳоси (шартномавий қиймат)

Улушнинг номинал қиймати жамиятнинг таъсис ҳужжатларида аниқ кўрсатилган бўлади. Бошқача айтганда, таъсис ҳужжатларида иштирокчи улушининг декларацияланган қиймати улушнинг номинал қиймати дейилади. Улушнинг номинал

---

<sup>137</sup> www.lex.uz.

қиймати таъсис ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказилганлиги асосида ўзгаради.

Масалан: устав фондининг 100 фоизи миқдори 100 млн сўмни ташкил қилади. Битта иштирокчининг номинал қиймати 30 млн сўмни, иккинчи иштирокчининг номинал қиймати эса 70 млн сўмни ташкил қилади. Улушнинг номинал қиймати билан устав фондининг нисбати тегишинча устав фондининг 30 фоизи ва 70 фоизини ташкил қилади.

Жамиятдаги улушнинг номинал қийматига жамият иштирокчисининг жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳиссасини кўрсатиб турувчи индикатор сифатида қаралиши мумкин.

Жамият ўз фаолияти жараёнида молиявий жиҳатдан ривожланиши (фойда олиши, товар-моддий бойликларни харид қилиши, шу жумладан узоқ муддатли активларни сотиб олиши) ёки аксинча зарар кўриши мумкин. Бундай ҳолатда улушнинг номинал қиймати жамиятнинг ҳақиқий молиявий ҳолатига мос келмайди. Улушнинг ҳақиқий қиймати номинал қийматидан (таъсис ҳужжатларида декларацияланган) юқори ёки паст бўлиши мумкин.

Жамият иштирокчиси улушнинг ҳақиқий қиймати жамият соф активлари қийматининг унинг улуши миқдorigа мутаносиб бўлган бир қисмига мос бўлади. Соф активлар жамиятнинг қарз мажбуриятлари чегириб ташланган ҳолдаги мол-мулкнинг қийматидир. Улушнинг ҳақиқий қиймати



жамиятнинг бухгалтерия ҳисоботлари маълумотлари бўйича аниқланади ва ушбу ҳужжат асосида ўзгариб туради.

Масалан, жамият устав фондининг миқдори 100 млн сўм, соф активлари эса 1 млрд сўм дейлик. Битта иштирокчи улушининг миқдори устав фондининг 30 фоизини, унинг улушининг номинал қиймати 30 млн сўмни, улушининг ҳақиқий қиймати эса 300 млн сўмни ташкил қилади. Иккинчи иштирокчи улушининг миқдори устав фондининг 70 фоизини, унинг номинал қиймати 70 млн сўмни, улушнинг ҳақиқий қиймати эса 700 млн сўмни ташкил қилади.

Юқоридаги Қонунда жамиятдан чиқарилган ёки ундан чиқиб кетган жамият иштирокчисининг улушини жамият томонидан тўланиши тартиби белгиланган бўлиб, бунда жамият жамиятдан чиқарилган ёки чиқиб кетган иштирокчига улушининг (улушининг бир қисмини) (матнда улуш деб юритилади) чиқарилиш ёки чиқиб кетиш санасидан олдинги охириги ҳисобот даври учун жамиятнинг бухгалтерия ҳисоботлари маълумотлари бўйича аниқланадиган ҳақиқий қийматини тўлаши ёки жамиятдан чиқарилган ёки чиқиб кетган иштирокчисининг розилиги билан унга худди шундай қийматдаги мол-мулкни асли ҳолида бериши шартли белгиланган. Шунингдек, жамият иштирокчисининг қарзлари бўйича ундирув суднинг қарорига асосан жамият иштирокчисининг жамият устав фондидаги

улушига қаратилган тақдирда ҳам жамият кредиторларга жамият иштирокчиси улушининг ҳақиқий қийматини тўлаши мумкин.

Иштирокчилар одатда улушини ҳақиқий қиймати миқдорида сотишга рози бўлишмайди. Айниқса, йирик товар-айланмасига ва фойда билан ишлайдиган жамиятлар иштирокчиларига бундай битим манфаатли ҳисобланмайди. Чунки, бухгалтерия ҳисоботларида жамият активлари ҳақиқий бозор қийматида эмас, балки қолдиқ қиймати бўйича аниқланади. Бу эса деярли ҳар доим бозор қийматидан паст бўлади.

Улушнинг бозор қиймати - бу улушни олди-сотди шартномасида улуш учун тарафларнинг келишуви билан белгиланган баҳо ҳисобланади. “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасида баҳолаш объектининг бозор қиймати деганда энг эҳтимол тутилган нархи тушунилиб, унга кўра мазкур баҳолаш объектининг очик бозорда рақобат шароитида, битимнинг тарафлари барча зарур ахборотга эга бўлган ҳолда ўз манфаатларини йўлида оқилона ва ихтиёрий равишда ҳаракат қилади, битим нархининг баланд-пастлигида эса бирон-бир фавқулодда ҳолатлар, шу жумладан тарафлардан бирининг ушбу битимга қўшилиш мажбурияти акс этмайди, деб тушунтириш берилган.

Улушнинг шартнома қиймати улушни олди-сотди шартномасини тузишда активларнинг бозор қиймати, ишланган мижоз базаси, асосий фаолият тури спецификаси, фойда келтиришлик ва ҳ.к.дан келиб чиқиб тарафлар келишувига кўра аниқланиши мумкин<sup>138</sup>. Улушнинг бозор нархини асослаш бир мунча мураккаб жараён ҳисобланади, чунки улуш қийматини аниқлаш методикаси ва улушнинг ўртача бозор нархи мавжуд эмас.

Қонунчиликда улушни бегоналаштириш ҳолатларини бозор баҳосида белгиловчи нормалар ҳам мавжуд. Жумладан, юқоридаги Қонун 20-моддасининг йигирма иккинчи қисмида жамиятнинг устав фондидаги улушнинг 50 ва ундан ортиқ фоизи эгасига айланган шахс (бундан давлат мустасно), агар шахс бунгача жамиятнинг устав фондидаги улушларга эгалик қилмаган ёки улушнинг 50 фоизидан камроғига эгалик қилган бўлса, миноритар иштирокчиларга улушларини бозор қиймати бўйича ўзига сотишни ўттиз кун ичида таклиф этиши шарт ва жамият иштирокчисининг ўзига тегишли улушини сотиши тўғрисида ўттиз кун ичида ёзма розилиги олинса, жамиятнинг устав фондидаги улушнинг 50 ва ундан ортиқ фоизи эгаси

---

138

[https://www.norma.uz/uz/bizning\\_sharhlar/mchjda\\_ulush\\_sotish\\_uchun\\_narh](https://www.norma.uz/uz/bizning_sharhlar/mchjda_ulush_sotish_uchun_narh)

URL:

таклиф этилган улушни бозор қийматида сотиб олиши шарт.

Шунингдек, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунинг 18-моддасига кўра, чет эллик инвестор чет эл инвестициялари иштирокидаги корхонадан чиқиб кетган ёки бу корхона тугатилган тақдирда, корхона мол-мулкидаги ўз улуши пул ёки бозор баҳосига мувофиқ равишда товар шаклида қайтарилиши ҳуқуқини олади<sup>139</sup>.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат мулки объектларини хусусийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 06.10.2014 йилдаги 279-сонли қарорига 3-илова сифатида тасдиқланган “Масъулияти чекланган жамиятлар устав фондлари (устав капиталлари)даги давлат улушларини сотиш тартиби тўғриси”даги низомнинг 19-бандида савдога қўйишда давлат улушининг бошланғич нархи сотувчи томонидан баҳоловчи ташкилотнинг улуш қийматини баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботида ҳамда баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг ишончлилигини экспертизадан ўтказиш натижалари тўғрисидаги эксперт хулосасида аниқланган миқдорда белгиланади<sup>140</sup>.

---

<sup>139</sup> www.lex.uz.

<sup>140</sup> www.lex.uz.

Дарҳақиқат, улуш фуқаролик ҳуқуқининг объекти ҳисобланади. ФКнинг 82-моддасига кўра, фуқаролик ҳуқуқларининг объектлари эркин суратда бошқа шахсларга берилиши ёки универсал ҳуқуқий ворислик (мерос қилиб олиш, юридик шахсни қайта ташкил этиш) тартибида ёхуд бошқа усул билан, агар улар муомаладан чиқарилмаган ёки уларнинг муомалада бўлиши чеклаб қўйилмаган бўлса, бир шахсдан иккинчи шахсга ўтиши мумкин. Улуш эгаси, мулкдор томонидан қонунда белгиланган айрим истисноларни инобатга олган ҳолда, улушга ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиши, шунингдек ўзининг улушга бўлган мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузилишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқига эга<sup>141</sup>.

Қонунчиликда иштирокчининг ўз улушини тасарруф этишини икки хил усули белгиланган бўлиб, ҳар иккала ҳолатда ҳам улушнинг бегоналаштирилиши шартнома асосида амалга оширилади.

1. Улушни жамиятнинг бир ёки бир неча иштирокчисига ёхуд учинчи шахсларга сотиш
2. Улушдан жамиятнинг бир ёки бир неча иштирокчисига ёхуд учинчи шахслар

---

<sup>141</sup> www.lex.uz.

фойдасига сотишдан бошқача тарзда воз кечиш

Шу ўринда, таъкидлаш жоизки иштирокчининг жамият устав фондидаги улушларнинг жисмоний шахсларнинг меросхўрларига ва жамиятнинг иштирокчилари бўлган юридик шахсларнинг ҳуқуқий ворисларига ўтиши, шунингдек, суд тартибида ўтказилиши “улушнинг ўтиши” тушунчаси сифатида алоҳида ёритилиб берилади.

“Масъулияти чекланган ва кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 20-моддасининг биринчи қисмида жамият иштирокчиси жамиятнинг устав фондидаги ўз улушини ёки унинг бир қисмини жамиятнинг бир ёхуд бир неча иштирокчисига сотишга ёки бошқача тарзда уларнинг фойдасига воз кечишга ҳақли. Бундай битимни тузиш учун, агар жамият уставида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, жамиятнинг ёки жамият бошқа иштирокчиларининг розилиги талаб қилинмайди<sup>142</sup>.

Улушни бегоналаштирилиши учун устав фондининг шакллантирилган ёки шакллантирилмаганлигини аниқлаш зарур. Чунки, улуш тўлиқ тўлангунига қадар бўлган даврда у фақат тўланган қисми бўйича бошқа шахсга ўтказилиши мумкин. Устав капиталининг тўланмаган улушлари

---

<sup>142</sup> www.lex.uz.

билан тузиладиган ҳар қандай битимлар ҳақиқий эмас ҳисобланади.

“Масъулияти чекланган ва кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида улушнинг бегоналаштирилиши шартлари, тартиби ва жараёнларида устав қоидаларининг устуворлиги принципи белгиланганлиги сабабли ушбу жараён ҳар бир жамиятда унинг таъсис ҳужжатлари билан белгиланган тартибда амалга оширилади. Жумладан, агар жамиятнинг уставида улушни учинчи шахсларга сотиш ёки учинчи шахслар фойдасига воз кечишга муайян тақиқлар белгиланган бўлса, одатда уставда бундай тақиқ сифатида жамият бошқа иштирокчиларининг розилиги кўрсатилади, жамият иштирокчиси ўз улушини учинчи шахсларга сотиши ёки бошқача тарзда уларнинг фойдасига воз кечиши жамият бошқа иштирокчиларининг розилигисиз йўл қўйилмайди.

Бухоро туманлараро иқтисодий судида кўрилган иш бўйича “Лойиҳа” масъулияти чекланган жамиятининг Бухоро шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2018 йил 8 майда рўйхатдан ўтказилган уставининг 9.1-бандида жамият таъсисчиларидан ҳар бири жамиятнинг устав фондидаги ўз улушини ёки улушнинг қисмини қолган таъсисчиларга, ёхуд уларнинг розилиги бўйича

учинчи шахсларга сотиш ёки бошқа шаклда уларнинг фойдасига воз кечишга ҳақли эканлиги белгиланган<sup>143</sup>.

Суд иқтисодий ишни кўриб чиқишда жамият уставининг ушбу бандига асосланиб, бошқа иштирокчи шеригининг ўз улушини учинчи шахсга сотишига қарши эканлигини инобатга олиб, жамиятнинг улуши иштирокчи томонидан учинчи шахсларга реализация қилиниши мумкин эмас, деган тўхтамга келган.

Иштирокчи ўзига тегишли улушни сотишга қарор қилган тақдирда, бошқа иштирокчиларга улушни у сотиладиган нархда ва бошқа тенг шартларда сотиб олишни тақлиф қилиши керак. Иштирокчининг имтиёзли сотиб қолиш ҳуқуқи “Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 20-моддаси ва ФКнинг 224-моддасида белгиланган<sup>144</sup>. Бундан ташқари, мазкур Қонун 20-моддасининг бешинчи қисмида иштирокчилардан ташқари улушни имтиёзли сотиб олишда яна бир субъект - жамиятнинг ҳам ҳуқуқи белгиланган бўлиб, унга кўра, агар жамиятнинг бошқа иштирокчилари жамиятнинг иштирокчиси томонидан сотилаётган улушни сотиб олишда ўзининг имтиёзли ҳуқуқидан

---

<sup>143</sup> Бухоро туманлараро иқтисодий судининг 4-2001-1903/2577-сонли иши

<sup>144</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).



фойдаланмаган бўлса, жамият мазкур улушни сотиб олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўлади<sup>145</sup>.

“Масъулияти чекланган ва кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни нормаларининг умумий мазмунидан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш керакки, фикримизча, ушбу Қонун 20-моддасининг бешинчи қисми<sup>146</sup>ни “агар жамиятнинг бошқа иштирокчилари жамиятнинг иштирокчиси томонидан сотилаётган улушни (улушнинг бир қисмини) сотиб олишда ўзининг имтиёзли ҳуқуқидан фойдаланмаган бўлса, агар жамиятнинг уставида улушни (улушнинг бир қисмини) сотиб олишда жамият имтиёзли ҳуқуққа эга эканлиги назарда тутилган бўлса, жамият мазкур улушни (улушнинг бир қисмини) сотиб олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўлади”, деган таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ. Чунки ушбу Қонуннинг 22-моддасида умумий қоида сифатида айрим истисноларни инобатга олган ҳолда жамият ўзининг устав фондидаги улушни олишга ҳақли эмаслиги белгиланган.

Ушбу мазмундаги таҳрирнинг белгиланиши мазкур нормани ФКнинг 224-моддаси, мазкур Қонун 20-моддасининг тўққизинчи қисми ҳамда 22-моддасининг умумий мазмунига

---

<sup>145</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>146</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

мувофиклаштирилади. Зеро, ушбу ҳолатга аниқлик киритиш судга даъво аризаси билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доирасини ва асосини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўз улушини учинчи шахсга сотиш ниятида бўлган жамият иштирокчиси улуши сотиладиган баҳони ва бошқа шартларни кўрсатган ҳолда бу ҳақда жамиятнинг қолган иштирокчиларини ва жамиятнинг ўзини ёзма равишда хабардор қилиши шарт. Бундай хабарнома ФКнинг 367-моддасида белгиланган “оферта” сифатида эътироф этилиши ва унга нисбатан офертага оид нормалар қўлланилиши мумкин. Жамият уставида хабарноманинг жамият орқали юборилиши назарда тутилган тақдирда, келгусида иштирокчиларни хабардор қилиш тартиби бузилганлиги ҳолати бўйича низоларнинг олдини олиш мақсадида уставда белгиланган тартибга риоя қилиниши лозим.

“Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида жамият иштирокчилари ва (ёки) жамиятнинг улушни сотиб олишдаги имтиёзли ҳуқуқининг муддати шундай хабар берилган кундан эътиборан, агар жамият уставида ёки жамият иштирокчиларининг келишувида бошқа муддат назарда тутилган бўлмаса, бир ой қилиб

белгиланган<sup>147</sup>. Агар жамият иштирокчилари ва (ёки) жамият белгиланган муддатда имтиёзли ҳуқуқидан фойдаланмаган тақдирда, улуш жамиятга ва унинг иштирокчиларига маълум бўлган баҳода ва шартларда учинчи шахсга сотилиши мумкин.

Имтиёзли ҳуқуқнинг ўзига хос хусусияти шундаки, ундан бошқанинг фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайди. Имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланган иштирокчи хабарномани қабул қилган ва улушни сотиб олиш истагини билдирган тақдирда, акцепт ёзма тарзда расмийлаштирилиши лозим. Бундай ҳолатда улушни сотиш учун учинчи шахсларни излаш талаб қилинмайди ва таклифни қабул қилган шахс билан шартнома тузилади. Зеро, ФКнинг 364-моддасига кўра, шартнома тарафлардан бирининг оферта (шартнома тузиш ҳақида таклиф) йўллаши ва иккинчи тараф уни акцептлаши (таклифни қабул қилиши) йўли билан тузилади.

“Масъулияти чекланган ва кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 20-моддасининг тўққизинчи қисмига кўра, улуш (улушнинг бир қисми) сотиб олишнинг имтиёзли ҳуқуқи бузилган ҳолда сотилган тақдирда, жамиятнинг исталган иштирокчиси ва (ёки) жамият, агар жамиятнинг уставида улушни (улушнинг бир қисмини) сотиб олишда жамият

---

<sup>147</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

имтиёзли ҳуқуққа эга эканлиги назарда тутилган бўлса, бундай бузилишни билган ёхуд уни билиши лозим бўлган пайтдан эътиборан уч ой ичида сотувчининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ўзига ўтказишни суд тартибида талаб қилишга ҳақли. ФК 224-моддасининг тўртинчи қисмига кўра, улуш имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқини бузган ҳолда сотилган тақдирда, бошқа мулкдорлар уч ой мобайнида сотиб олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўзларига ўтказишни суд тартибида талаб қилишга ҳақлидирлар<sup>148</sup>.

Мазкур ҳолатда иккита қонун нормаси ўртасида тафовут мавжуд. “Норматив ҳуқуқий ҳужжат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 18-моддасининг тўртинчи қисмига кўра тенг юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида тафовутлар бўлган тақдирда, кейинроқ қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжат қоидалари амал қилади, бундан ушбу модданинг бешинчи қисмида назарда тутилган ҳол мустасно<sup>149</sup>. Фикримизча, мазкур ҳолатда ушбу нормани қўллаб бўлмайди. Чунки гарчи Қонун ФКдан кейин қабул қилинган бўлса-да, ҳолатнинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда имтиёзли ҳуқуқ эгаси ушбу фуқаролик ҳуқуқий муносабатда “сотувчи” сифатида эмас балки “сотиб

---

<sup>148</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>149</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

олувчи” бўлиб иштирок этади ва ўз навбатида “сотувчининг” эмас “сотиб олувчининг” ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўтказишни талаб қилишга ҳақли. Қолаверса, Қонуннинг рус тилидаги матнида ҳам “покупателя” яъни сотиб олувчининг сўзи ишлатилган. Шу сабабли, Қонун 20-моддаси тўққизинчи қисмидаги “сотувчининг” сўзи “сотиб олувчининг” сўзи билан ўзгартирилиши лозим.

Имтиёзли ҳуқуқ бузилиши ҳолати бўйича мурожаатлар ўрганиб чиқилганда, жисмоний ва юридик шахслар судларга икки хил мазмундаги даъво талаблари билан мурожаат қилишганлиги аниқланди. Баъзи даъво аризаларида белгиланган имтиёзли ҳуқуқ бузилган ҳолда тузилган битимни, унинг қонун талабларига зид эканлиги сабабли ҳақиқий эмас деб топиш, бошқа ҳолларда сотиб олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўзларига ўтказиш талаби қўйилган. Амалиётда ҳар иккала талаб бирлаштирилган ҳолда судга тақдим этилган даъво аризалари ҳам талайгина.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми “Суд амалиётида битимларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини татбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида” 2006 йил 22 декабрдаги 17-сонли қарорининг 21-бандига кўра, бир вақтнинг ўзида сотиб олувчининг ҳуқуқини ўтказиш ва олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида талаблар арз қилинганда, суд арз қилинган талабларга аниқлик киритиши лозим, чунки умумий

улушли мулкда бўлган мулкни сотишда олди-сотди шартномаси бўйича сотиб олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўтказиш тўғрисидаги талаблар имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи бузилганлиги ёки бошқа асослар бўйича шартномани ҳақиқий эмас деб топишни истисно қилади<sup>150</sup>.

Юқоридаги Пленум қарорининг 22-бандида умумий мулкдаги улушини сотувчи бошқа мулкдорга ўз улушини сотмаслик мақсадида мулк баҳосини атайин юқори кўрсатиши ва у сотиб олишни рад этганидан кейин бошқа шахсга паст баҳода сотганлиги ҳолатининг аниқланганлиги имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи бузилганлигига олиб келиши ва унинг оқибати Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 224-моддаси 4-қисмини қўллаш учун асос бўлиши тўғрисида тушунтириш берилган<sup>151</sup>.

Имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи бузилганлиги ҳолати бўйича сотиб олувчининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ўзига ўтказиш тўғрисида судга тақдим этиладиган даъво номулкий тусдаги даъво ҳисобланиши сабабли улуш қийматидан қатъий назар “Давлат божи ставкалари тўғрисида”ги Ўзбекистон

---

<sup>150</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>151</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми “Суд амалиётида битимларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини татбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида” 2006 йил 22 декабрдаги 17-сонли қарори. URL:

<https://www.lex.uz/docs/1590543>

Республикаси Қонуни билан тасдиқланган Давлат божи ставкаларининг миқдорлари иккинчи қисмининг “б” бандига мувофиқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари давлат божи тўланади<sup>152</sup>. Шунинг билан инобатга олиш лозимки, даъво аризасида сотиб олувчичининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини иккита ва ундан ортиқ шартномалар бўйича ўтказиш талаб қилинганда, ҳар бир шартнома бўйича давлат божи базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваридан ундирилади.

Мазкур мазмундаги даъвони судда кўришда жамиятнинг ўзини ва барча иштирокчиларини судда иштирокчини таъминлаш лозим. Чунки, улушни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқини амалга ошириш истагида бўлган жамият иштирокчиси ўз улушини сотишни таклиф этаётган жамият иштирокчисини етти кунлик муддатда бу ҳақда хабардор қилиши, бунда сотишга таклиф этилаётган улушни тўлиқ ёки унинг муайян қисмини сотиб ололмаслигини эканлигини кўрсатиши керак.

Агар келиб тушган таклифларнинг умумий миқдори сотилаётган улушнинг миқдоридан ошмаса, иштирокчилардан ҳар бири улушнинг ўз хабарномасида кўрсатган қисмини сотиб олади. Агар улушнинг қолган қисми учинчи шахс ихтиёрига ўтказилгунигача қадар жамият иштирокчиларидан кўшимча таклифлар келиб тушмаса, бундай қисм

---

<sup>152</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

учинчи шахсга ўтказилиши мумкин. Агар келиб тушган таклифларнинг умумий миқдори сотилаётган улуш миқдоридан ошса, иштирокчилар, агар жамиятнинг уставида ёки жамият иштирокчиларининг келишувида бошқача тақсимлаш назарда тутилмаган бўлса, устав фондидаги ўз улушлари миқдорларига мутаносиб равишда сотиб олади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судида кўрилган иш бўйича судлов ҳақъатининг 2019 йил 29 июндаги қарори билан Шаҳрисабз туманлараро иқтисодий судининг 2018 йил 5 октябрдаги ҳал қилув қарори ва Бухоро вилоят иқтисодий суди кассация инстанциясининг 2019 йил 10 апрелдаги қарорлари айнан иштирокчилар жалб қилинмаганлиги сабабли бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган. Мазкур ишда жамият иштирокчилари А.Мадаев, Б.Фурқатов, Ш.Муродов, Р.Ноиловлар судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жамият иштирокчиси М.Юнусов сотиб олган жами 27 457 200 сўмлик (44,29 фоиз) улушнинг имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи бузилган ҳолда сотиб олинган 21 952 031 сўмлик қисми бўйича жамият иштирокчиси М.Юнусовнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, яъни мулк ҳуқуқини А.Мадаевга 6 875 283 сўм (13,12 фоиз), Б.Фурқатовга 8 264 617 (15,77 фоиз), Ш.Муродовга 2 567 248 сўм (4,91 фоиз), Р.Ноиловга 4 244 883 сўм (4,91 фоиз)ни жамият устав



фондидаги улушига мутаносиб равишда ўтказишни сўраган.

Жамият иштирокчиси М.Юнусов жамият ва жамият иштирокчилари А.Мадаев, Б.Фурқатов, Ш.Муродов, Р.Ноиловларга нисбатан судга қарши даъво аризаси билан муурожаат қилиб, жамият устав фондидаги улушини белгилаб беришни ҳамда жамият ва дастлабки даъво бўйича даъвогарлар зиммасига жамият таъсис ҳужжатларига тегишли ўзгартириш киритиш мажбуриятини юклашни сўраган.

Олий суднинг қарорида қуйи судларга ишни янгидан кўришда биринчи инстанция суди даъвогарларнинг даъво талабларига аниқлик киритиб, дастлабки даъво аризаси бўйича жамиятнинг ва жамиятнинг иштирокчиларини ишга жалб қилиб, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари билан асосланган суд ҳужжати қабул қилиши лозимлиги тўғрисида кўрсатма берилган<sup>153</sup>.

Қонунда ёки бошқа қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда жамиятнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улуш (улушнинг бир қисми) очик кимошди савдоси орқали сотилганда, мазкур улушнинг (улушнинг бир қисмининг) олувчиси жамиятнинг ёки унинг иштирокчиларининг розилигидан қатъи назар, жамиятнинг иштирокчисига

---

<sup>153</sup> Қарши туманлараро иқтисодий судининг 4-1802-1801/1766-сонли иши

айланади. Бундай ҳолатда жамият иштирокчиларининг имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи мавжуд бўлмайди.

Мазкур норманинг судлар томонидан қандай қўлланилишини Ўзбекистон Республикаси Олий судининг

бошқа шу каби иқтисодий иши бўйича қабул қилинган қарорида кўришимиз мумкин. Мазкур низоли ишда масъулияти чекланган жамият шаклидаги “OWT” қўшма корхонаси таъсисчиси Ўзбекистон Республикаси Давлат активлари бошқариш агентлиги Тошкент шаҳар бошқармаси 2019 йил 5 сентябрда қўшма корхона орқали бошқа иштирокчиларга таклиф билан чиқиб, ўзининг 4 фоиз улушини 2 681 700 000 сўмга сотишини таклиф қилган.

Қўшма корхонанинг таъсис ҳужжатларига кўра 34,1 фоиз улуш эгаси Д.Эгамова мазкур таклифни кўриб чиқиб, ёзма рад жавобини берган. Қолган иштирокчилар томонидан қизиқиш билдирилмаганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Давлат активлари бошқариш Тошкент шаҳар бошқармасининг 2019 йил 17 сентябрдаги буйруғига асосан жамиятдаги 4 фоиз улуши “E-AUKSION” орқали 2 681 700 000 сўмга сотувга чиқарилган. Аммо, таклиф қилинган нархда улушга қизиқиш билдирилмаган.

Давлат комиссиясининг 2020 йил 11 июндаги йиғилиш қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси

Давлат активлари бошқариш Тошкент шаҳар бошқармасининг 4 фоизли улуши жамиятнинг бухгалтерия ҳужжатлари бўйича балансдаги активларининг охириги қиймати бўйича пропорционал тарзда 132 488 320 сўмга такроран аукцион савдосига чиқарилишига қарор қилинган.

Аукцион натижалари бўйича жамиятнинг 4 фоизли улуши 2020 йил 9 октябрдаги олди-сотди шартномасига асосан “Premium” масъулияти чекланган жамиятига 139 112 736 сўмга сотилган ва таъсис ҳужжатларига ўзгартириш киритилган.

Жамият иштирокчиси Д.Эгамова мазкур ҳолатдан норози бўлиб, имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи бузилганлиги тўғрисидаги ваз билан жавобгар Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ҳамда қўшимча жавобгар “PREMIUM” масъулияти чекланган жамиятига нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, қўшма корхонанинг устав фондидаги 4 фоиз улушни сотиш ҳақида 2020 йил 9 октябрдаги 42-сонли шартнома бўйича сотиб олувчининг ҳуқуқлариини ўзига ўтказишни сўраган. Ишни судда кўриш жараёнида масъулияти чекланган жамияти шаклидаги “SPI” қўшма корхонаси, “Elektron onlayn auksionlarni tashkil etish markazi” давлат унитар корхонаси, Давлат хизматлари агентлиги Тошкент шаҳар бошқармаси Юнусобод туман Давлат хизматлари маркази,

А.Исаков, “SOV” масъулияти чекланган жамияти низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида ишга жалб қилинган.

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2020 йил 10 декабрдаги ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Тошкент шаҳар суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2021 йил 3 февралдаги қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилинган. Даъвони қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ҳамда қўшимча жавобгар “PREMIUM” масъулияти чекланган жамияти ўртасида тузилган масъулияти чекланган жамияти шаклидаги “SPI” қўшма корхонасининг устав фондидаги 4 фоиз улушни олди-сотдиси ҳақида 2020 йил 9 октябрдаги 42-сонли шартнома бўйича сотиб олувчининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари Д.Эгамовага ўтказилган.

Биринчи ва апелляция инстанцияси судлари Ўзбекистон Республикаси Давлат активлари бошқариш агентлиги Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан қолган иштирокчиларга улуш 139 112 736 сўмга тақлиф этилмаганлигини асос қилиб кўрсатишган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил 15 апрелдаги қарори билан қуйи инстанция судларининг суд ҳужжатлари бекор қилиниб, даъвони қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Суд ҳужжатида ФК 224-моддасининг биринчи қисми асос сифатида кўрсатилган. ФК 224-моддасининг биринчи қисмига кўра, мулкдорлардан бири ўз улушини бошқа шахсга сотган вақтида қолган мулкдорлар сотилаётган улушни у сотиладиган нарҳда ва бошқа тенг шартларда имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эгадирлар, кимошди савдоси орқали сотиш ҳоллари бундан мустасно<sup>154</sup>.

Таъкидлаш керакки, улушни бегоналаштиришнинг яна бир хил усули бу жамият иштирокчисининг улушини сотишдан бошқача тарзда воз кечишдир. Улушнинг уни сотишга қараганда ўзгача тарзда воз кечиш йўли билан ўтказиш тушунчаси ФКнинг 502-моддаси<sup>155</sup>да белгиланган ҳада шартномасининг юридик конструкциясига мувофиқ келади. Хусусан, ҳада шартномасига мувофиқ бир тараф (ҳада қилувчи) бошқа тараф (ҳада олувчи)га ашёни текинга мулк қилиб беради ёки

---

<sup>154</sup> Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 4-1001-2021/17728-сонли иши.

<sup>155</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

бериш мажбуриятини олади ёхуд унга ўзига ёки учинчи шахсга нисбатан мулк ҳуқуқи (талаби)ни беради ё бериш мажбуриятини олади, ёхуд уни ўзи ёки учинчи шахс олдидаги мулкый мажбуриятдан озод қилади ёинки озод қилиш мажбуриятини олади.

Жамиятнинг уставида жамият иштирокчисининг улушини сотишдан бошқача тарзда учинчи шахслар фойдасига воз кечиш учун жамиятнинг ёки жамият иштирокчиларининг розилигини олиш зарурлиги назарда тутилиши мумкин. Агар жамиятнинг уставида бундай розиликни олиш зарурлиги назарда тутилган бўлса, жамият мурожаат этилган пайтдан эътиборан ўттиз кун ичида ёки жамият уставида белгиланган бошқа муддат ичида жамиятнинг ёзма розилиги олинган бўлса ёхуд жамиятдан розилик беришга ёзма раддия олинмаган бўлса, бундай розилик олинган деб ҳисобланади ва ушбу жараёндан кейингина улушдан учинчи шахслар фойдасига воз кечишга йўл қўйилади. Қонунда белгиланган муддатга риоя қилинмаган ҳолда улушни сотишдан бошқача тарзда воз кечиш битимни ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлади.

Жамиятнинг устав фондидаги улушдан бошқа шахснинг фойдасига воз кечиш, агар уни нотариал шаклда амалга ошириш тўғрисидаги талаб жамиятнинг уставида назарда тутилмаган бўлса, оддий ёзма шаклда амалга оширилиши керак. Шу боис, улушдан бошқа шахснинг фойдасига воз кечиш процедурасини амалга оширишда, жамиятнинг таъсис

хужжатларини ўрганиб чиқиш зарур. Чунки, таъсис хужжатида белгиланган шаклга риоя қилинмаган ҳолда улушдан ўзганинг фойдасига воз кечишга доир битим кейинчалик унинг ҳақиқий эмас деб топилишига олиб келади.

Жамият иштирокчиси жамиятнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) ўз улушини ёки унинг бир қисмини жамиятнинг бир ёхуд бир неча иштирокчисига сотишда қонун талабларига риоя қилинмаган тақдирда, ушбу ҳуқуқни суд орқали ҳимоя қилиш - сотиб олувчининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ўтказиш, сотишдан бошқача тарзда воз кечишда эса битимни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъво аризасини судга тақдим этиш йўли билан бартараф этилиши мумкин.

Улушга нисбатан ҳуқуқни расмийлаштириш учун улушнинг бошқа шахсга ўтишини тасдиқлайдиган ҳужжатларни тақдим этган ҳолда улуш сотилганлиги ёки улушга доир ҳуқуқдан учинчи шахслар фойдасига воз кечилганлиги тўғрисида жамиятни ёзма равишда хабардор қилиш керак. Амалиётда буни жамиятнинг ижрочи органига улушнинг олди-сотди, улушга доир ҳуқуқдан учинчи шахслар фойдасига воз кечиш шартномаси, улушни қабул қилиш-топшириш далолатномаси ёки сотувчи (ҳуқуқ эгаси) билан харидор (ҳуқуқни қабул қилувчи) биргаликда имзолаган ва ҳуқуқнинг ўтишини хабар қиладиган бошқа ҳужжатнинг нусхасини имзо

чекдириб топшириш йўли билан қилиш мумкин. Улуш бошқа шахсга ўтганлиги ҳолатини тасдиқловчи ҳужжатлар имкон қадар қисқа муддатда жамиятга топширилиши керак. Чунки, харид қилувчи унга сотиб олинган улушлар воситасида берилган ҳуқуқларни фақат ана шундай хабар берилганидан кейин амалга ошира олади.

Қонун талабларига мувофиқ улуш сотилганда ёки улушдан бошқача тарзда воз кечилганда жамият таъсис ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш зарурати пайдо бўлади. Жамият таъсис ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига кириши туфайли, ушбу масала жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишида кўриб чиқилиши лозим. Чунки, Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 40-бандига кўра, улушнинг (ҳиссанинг) бошқа шахсга ўтиши билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчаларни қайта рўйхатдан ўтказишда, муассиснинг муассислар рўйхати ўзгаришига розилиги мавжуд эмаслиги, давлат рўйхатидан ўтказишни, қайта рўйхатдан ўтказишни рад этиш учун асос бўлади<sup>156</sup>.

Амалиётда, улуш сотилганда ёки сотишдан бошқача тарзда учинчи шахслар фойдасига воз

---

<sup>156</sup> www.lex.uz.



кечилганда, улушнинг янги эгаси ҳуқуқларини амалга оширишда жуда кўп ҳолларда тўсиқларга учрайди. Бу ҳолат, айниқса, корпоратив муносабатларда ички келишмовчиликлар мавжуд бўлган иштирокчилар бошқарувидаги жамиятларда намоён бўлади. Натижада манфаатдор шахслар томонидан судларга турли хил мазмундаги, жумладан жамият иштирокчиларига таъсис ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш бўйича зарур ҳаракатларни амалга ошириш мажбуриятини юклаш ва жамият таркибидаги ўзгаришларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этиш мажбуриятини юклаш тўғрисидаги даъволар киритилади.

Юқоридаги Қонунда иштирокчиларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун белгиланган камида ўттиз кунлик муддат ҳамда судда ишларини кўриш (бир ой) ва суд ҳужжатининг қонуний кучга кириши (бир ой) учун белгиланган процессуал муддатлар, шу давр мобайнида улуш эгасига мулкдор сифатида мулк ҳуқуқидан тўла-тўқис фойдаланиш ҳуқуқини чекланишига сабаб бўлади. Бунинг оқибатида қонун талаблари ҳам бузилади. Зеро, таъсис ҳужжатлари маълумотларидаги, шу жумладан таъсис ҳужжатларининг устав фонди миқдоридаги, муассислар таркибидаги, шунингдек бошқа ўзгаришлар билан боғлиқ бўлган ўзгаришлар (қўшимчалар) - тегишли ўзгаришлар ваколатли шахс томонидан тасдиқланган пайтдан бошлаб 30 кун

мобайнида, муассисларнинг (иштирокчиларнинг) устав фондидаги улушлари (ҳиссалари) ўзгариши - тегишли битим амалга оширилган пайтдан бошлаб 30 кун мобайнида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим<sup>157</sup>.

Мазкур Қонунда юридик ва жисмоний шахслар жамиятнинг иштирокчилари бўлиши тўғрисида тушунтиришлар берилган бўлса-да, уларнинг иштирокчи сифатидаги мақоми қачон вужудга келиши аниқ кўрсатилмаган. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленуми “Иқтисодий судлар томонидан корпоратив низоларни ҳал этишнинг айрим масалалари тўғрисида” 2014 йил 20 июндаги 262-сонли қарорининг 4-бандида шахснинг ҳўжалик ширкатининг иштирокчиси (акциядори) эканлигини аниқлаш учун:

тўлиқ ва командит ширкатлардан таъсис шартномасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;

масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлардан таъсис шартномаси (агар муассислар сони икки ва ундан ортиқ бўлса) ва жамият

---

<sup>157</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 2016 йил 28 октябрдаги ПҚ-2646-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. Тошкент ш., 2017 йил 9 февраль, 66-сон. URL: <https://lex.uz/uz/docs/3111347>

уставининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;

акциядорлик жамиятларидан акциядорлар реестридан кўчирма талаб қилиб олиниши лозимлиги белгиланган<sup>158</sup>.

Пленум қарорида берилган тушунтиришга қараганда, “жамиятнинг иштирокчиси” мақоми тегишинча таъсис ҳужжатларига ўзгартириш киритилиб, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилгандан кейин вужудга келади.

Аммо мазкур Қонун 20-моддасининг йигирма қисмида ушбу Қонунда ёки бошқа қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда жамиятнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улуш (улушнинг бир қисми) очиқ кимовши савдоси орқали сотилганда, мазкур улушнинг (улушнинг бир қисмининг) олувчиси жамиятнинг ёки унинг иштирокчиларининг розилигидан қатъи назар, жамиятнинг иштирокчисига айланиши белгилаб берилган. Яъни, ушбу ҳолатда улушни сотиб олган шахснинг тўғридан-тўғри иштирокчи мақомини олиши белгиланган. Пленум қарорида ушбу ҳолат назарда тутилмаган.

Бундан ташқари, Қонун 20-моддасининг ўн иккинчи қисмига кўра, жамиятнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушни (улушнинг бир

---

<sup>158</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

қисмини) олувчи мазкур воз кечиш тўғрисида жамият ёзма равишда хабардор қилинган пайтдан эътиборан жамият иштирокчисининг ҳуқуқларини амалга оширади ва унинг мажбуриятларини ўз зиммасига олади<sup>159</sup>. Мазкур ҳолатда эса улушни олган шахс иштирокчи ҳисобланмайди, фақат иштирокчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлади.

Улуш сотилганда (очиқ кимошди савдоси бундан мустасно) эса Қонуннинг ушбу нормасида сотиб олувчи қачондан бошлаб иштирокчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларидан фойдаланиши мумкинлиги назарда тутилмаган.

Фикримизча, улуш эгасининг ҳуқуқларини кафолатини таъмилаш мақсадида ушбу жараёни ўзини соддалаштириш лозим. Масалан, “Масъулияти чекланган жамиятлар тўғрисида” Россия Федерал Қонуни 21-моддасининг 12-бандига кўра, улушни ёки улушнинг бир қисмини бегоналаштиришга қаратилган битим нотариал тасдиқланган пайтдан бошлаб, нотариал тасдиқлаш талаб қилинмайдиган ҳолларда, юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар асосида тегишли ўзгартиришлар киритилган пайтдан бошлаб, уни олувчига ўтади<sup>160</sup>. Германия Федератив

---

<sup>159</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>160</sup> Россия Федерациясининг "Масъулияти чекланган жамиятлар тўғрисида" 1998 йил 8 февралдаги N 14-ФЗ-сонли Қонуни

Республикасининг “Масъулияти чекланган жамиятлар тўғрисида”ги Қонунининг 16-моддасига мувофиқ акциядорнинг шахси ёки унинг иштироки даражаси ўзгарганда, компанияга нисбатан акция эгаси бўлиб фақат шу тарзда тижорат реестридаги акциядорлар рўйхатига киритилган шахс ҳисобланади<sup>161</sup>. Мазкур Қонунда ҳам акцияга нисбатан мулк ҳуқуқини расмийлаштириш учун тасдиқловчи ҳужжатларни тегишли ваколатли органга тақдим этилиши ва рўйхатга олиниши, шахсининг акциядор сифатида тан олиниши учун асос бўлиши белгиланган.

Баён этилганларга асосан, улушга нисбатан мулк ҳуқуқини қўлга киритган шахс, бу борада жамиятни хабардор қилган ҳолда, улушни ўзига тегишли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатларни ваколатли давлат органига тақдим этишининг ўзи, уни иштирокчи сифатида рўйхатдан ўтказилиши ва тан олиниши учун кифоя бўлиши керак. Қонун ҳужжатларига мазкур мазмундаги ўзгартиришларнинг киритилиши, улушга нисбатан

---

URL:

<http://pravo.gov.ru/proxy/ips/?docbody=&nd=102051516&intelsearch=08.02.1998+14>

<sup>161</sup> Германия Федератив Республикасининг “Масъулияти чекланган жамиятлар тўғрисида”ги 1892 йил 20 апрелдаги Қонуни URL: <https://www.gesetze-im-internet.de/gmbhg/>

мулкдор ҳуқуқларининг кафолатларини мустаҳкамлаш билан бир қаторда, сансалорликларни олдини олишга хизмат қилади. Бу эса ўз навбатида, корпоратив бошқарув соҳасидаги муайян муаммоларни ҳал этиш орқали корпоратив муносабатларни барқарор ривожланишига ва жамият фаолиятининг самарадорлигини оширишга замин яратади.

## 9-БОБ

# ТЎЛОВГА ҚОБИЛИЯТСИЗ МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ ИШТИРОКЧИЛАРИ ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИГА ОИД АЙРИМ МАСАЛАЛАР

Ҳар қандай юридик шахс, шу жумладан масъулияти чекланган жамиятнинг молиявий аҳволи ёмонлашиб, тўловга қобилиятсизлик аломатлари вужудга келганда унинг иштирокчилари жамиятнинг тўловга қобилиятини тиклаш чораларини кўришга масъулдирлар. Бундай ҳолатда қарздор жамиятнинг раҳбари жамиятнинг молиявий аҳволи тўғрисида қарздорнинг иштирокчиларига ёзма шаклда хабар қилиши шарт. Тўловга қобилиятсизликнинг олдини олиш мақсадида жамият иштирокчилари қарздорни молиявий жиҳатдан соғломлаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади. “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонуни<sup>162</sup>да бу жараён судгача санация қилиш таомили деб юритилади.

Айрим олимлар судгача санация қилишни тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги қонунчилик билан тартибга солинадиган муносабатлар жумласига киритмайди<sup>163</sup>. Бошқалари эса судгача санация

---

<sup>162</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>163</sup> Постатейный комментарий к ФЗ «О несостоятельности (банкротстве)» /Под ред. В.В.Витрянского. –М.: Статут, 2001. – С. 38;

қилишни ташқи бошқарув ва кузатув билан бир каторда қўлланиладиган тиклашга оид тартиб-таомил деб ҳисоблайди<sup>164</sup>. Ҳар иккала гуруҳ олимларининг фикрларини қисман қувватлаган ҳолда, гарчи судгача санация қилиш банкротликнинг таомили сифатида хусусиятларга эга бўлмаса-да, тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солиниши лозим деб ҳисоблаймиз.

Судгача санация қилиш жамият иштирокчиларининг хоҳиш иродаси сифатида қарздорни молиявий тиклашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуаси бўлиб, бунда жамият иштирокчилари фаол ҳаракатлантирувчи субъект сифатида диққат марказда туради. Зеро, иштирокчиларнинг хоҳиши ва сайъи ҳаракатсиз жамиятга судгача санация қилишни амалга ошириб бўлмайди.

Борди-ю, жамиятнинг нормал фаолиятини тиклаб давом эттириш имконияти мавжуд бўлмаса, иштирокчилар ушбу масалани ҳал этиш чораларини кўришлари лозим. Аммо “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида бошқарув органлари томонидан жамиятнинг тўловга

---

Белых В.С., Дубинчин А.А., Скуратовский М.Л. Правовые основы несостоятельности (банкротства). – С. 136.

<sup>164</sup> Свит Ю. Восстановительные процедуры – способ предотвращения банкротства //Российская юстиция. 1998. № 3. – 19.



қобилиятсизлиги масаласини ҳал этиш шартлари ва тартиби назарда тутилмаган.

Фикримизча, жамиятнинг тўловга қобилиятсизлиги жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига киритилиши, жамиятда тўловга қобилиятсиз аломатлари вужудга келган тақдирда умумий йиғилишда кўриб чиқилиши ва умумий йиғилишнинг қарори асосида ҳал этилиши лозим. Шу сабабли, “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуннинг жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг ваколатлари тўғрисидаги 30-моддасининг иккинчи хатбошисини “жамиятнинг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисида қарор қабул қилиш” ҳақидаги 16-банд билан тўлдириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Иштирокчилар умумий йиғилишининг қарорига асосан жамият бошқарув органи бир ойлик муддатда жамиятга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилиши шарт. Бунда ариза ИПК ва “Масъулияти чекланган жамиятлар ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни талабларига мувофиқ расмийлаштирилиши лозим. Чунки судга мурожаат қилишнинг белгиланган тартибига риоя қилмаслик, аризанинг қайтарилишига асос бўлади. Бу эса, ўз навбатида жамият раҳбари томонидан судга мурожаат

қилинмаганлиги сифатида баҳоланиши ва жамият мажбуриятлари бўйича унинг субсидиар жавобгарлигига асос бўлиши мумкин.

Таъкидлаш керакки, жамият иштирокчиларининг қарорисиз ижро органи томонидан жамиятни банкрот деб топиш тўғрисида судга киритилган ариза қайтарилади. Агар ариза суд томонидан иш юритишга қабул қилинган бўлса, уни кўрмасдан қолдириш учун асос бўлади.

Ҳуқуқшунос А.Маликовнинг фикрига кўра, банкротлик аломатлари вужудга келганда юридик шахсни бошқариш бўйича иштирокчиларнинг ҳуқуқларини сақланиши жамиятни банкрот деб топиш ҳақидаги ариза судга ким томонидан киритилганлигига боғлиқ бўлиши керак. Агар жамиятни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза кредитор томонидан киритилган бўлиб, жамиятга нисбатан соғломлаштириш жараёнлари танланган бўлса, жамиятни “оёққа турғазиш” иштирокчиларга эмас, балки кредиторларга кераклиги сабабли жамиятни фаолиятини тиклаш тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш кредиторларнинг ваколатига киритилиши лозим.<sup>165</sup>

Ҳуқуқшуноснинг фикрига қўшилмаган ҳолда, банкротлик тўғрисидаги иш ким томонидан илгари сурилганлигидан қатъий назар, жамиятда банкротлик

---

<sup>165</sup> <http://test.ssla.ru/dissertation/referats/29-03-2017-1r.pdf>

аломатларининг пайдо бўлиши, иштирокчиларнинг бир нечта фундаментал ҳуқуқларини чеклашини, шунингдек муайян ҳуқуқларини вужудга келтиришини таъкидлаш лозим. Чунки иштирокчи ҳуқуқларини амалга оширишдаги чекловлар тўловга қобилиятсизликнинг тартиб-таомилларидан келиб чиқиб фарқланади. “Масъулияти чекланган жамиятлар ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 30-моддасига мувофиқ қарздор юридик шахснинг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисидаги ишни кўриб чиқишда қуйидаги тартиб-таомиллар қўлланилади:

1. Кузатув;
2. Суд санацияси;
3. Ташқи бошқарув;
4. Тугатишга доир иш юритиш<sup>166</sup>.

“Масъулияти чекланган жамиятлар ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасида жамият пул мажбуриятларини бажармаганлиги муносабати билан унинг кредиторига унга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш кўзғатиш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат этиш ҳуқуқи берилган<sup>167</sup>. Бунда пул мажбурияти солиқ ва бошқа мажбурий йиғимлар бўйича вужудга келса, давлат

---

<sup>166</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>167</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

солиқ солиқ органлари, шунингдек устав фондида давлат улуши бўлган ва (ёки) пул мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси олдида қарзи бўлган юридик шахсларга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишлар бўйича ваколатли давлат органи ва унинг ҳудудий бошқармалари судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Жамиятга нисбатан кредиторнинг аризасига асосан иш қўзғатилган тақдирда, иштирокчининг ўзи кредитор сифатида тан олинмайди. Чунки, Қонуннинг 3-моддасида тўловга қобилиятсизликда кредитор тушунчаси берилган бўлиб, унга кўра ўз иштирокида келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича қарздор юридик шахснинг муассасалари (иштирокчилари) тўловга қобилиятсиз жамиятнинг кредиторлари бўлиши мумкин эмас<sup>168</sup>. Яъни, жамият иштирокчиси жамиятнинг пул мажбурияти бўйича иштирокчи олдида қарзи бўлган тақдирда ҳам унга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақли эмас.

Рус ҳуқуқшунос олими В.Витрянский, иштирокчининг корпоратив муносабатларидан келиб чиқадиган ҳуқуқлари ички характерга эга эканлиги сабабли мулкӣ характердаги ташқи мажбуриятлар билан бир қаторда қаралиши мумкин эмас. Бу борада

---

<sup>168</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

иштирокчиларнинг бирдан бир ҳуқуқи кредиторлар олдидаги мажбуриятлар қопланганидан кейин қолган мол-мулкка бўлган ҳуқуқларини эълон қилишдан иборат.<sup>169</sup>

Аммо, шуни инобатга олиш жоизки, бир вақтнинг ўзида “Масъулияти чекланган жамиятлар ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда ҳисобланган дивидендлар бўйича қарздорнинг акциялари эгалари кредиторларнинг бешинчи гуруҳ каторига киритилган. Жумладан, акциядорга дивиденд тўлаш белгиланган бўлиб, ушбу тўлов амалга оширилмасдан акциядорлик жамияти банкрот бўлиб қолган тақдирда акциядор бешинчи гуруҳ реестридаги кредитор сифатида дивидендни талаб қилиб олиши мумкин. Бундай ҳолатда гарчи иштирокчи кредитор сифатида реестрга киритилсада, кредиторлар йиғилишида овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмайди<sup>170</sup>.

Жамият фаолиятининг нормал режимида иштирокчилар фақат жамият бошқарув органларида вакилик қиладилар, бироқ банкротлик аломатлари вужудга келганда ва банкротлик жараёнида иштирокчилар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда мустақил иштирокчи субъект сифатида ҳуқуқларини

---

<sup>169</sup> См.: Химичев В.А. Защита прав кредиторов при банкротстве. С. 28. Определение ВАС РФ от 06.10.2010 № ВАС-10254/10 по делу № А45-808/2009 // [Электронный ресурс]: СПС «КонсультантПлюс»

<sup>170</sup> www.lex.uz.

амалга оширишади. Қонунда кредиторлар йиғилишида ёки кредиторлар қўмитасида қарздор иштирокчиларининг шахсан иштироки назарда тутилмаган.

Яна бир муҳим масала, жамиятнинг тўловга қобилиятсизлиги жараёнида иштирокчилар номидан фақатгина вакил қатнашиши лозим. Бу борада рус олими А.В.Егоров, банкротликка оид иш юритуви жараёнида қонун чиқарувчи жамият иштирокчиларининг шахсан иштирокини чеклаб, уларнинг жамоавий ҳуқуқларини амалга оширишини бирта шахсга (вакилга) олиб берилганлиги бежизга эмаслигини, акс ҳолда, банкротлик иши доирасида кредиторлардан кўра иштирокчилар кўпроқ бўлиши мумкинлигини таъкидлайди.<sup>171</sup> Аммо юқоридаги Қонунда вакилнинг қандай тартибда ва банкротликнинг қайси босқичида сайланиши ҳамда вакилнинг ваколатларини расмийлаштирилиши тартиби борасида аниқ тушунтиришлар мавжуд эмас. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, жамият иштирокчиларининг вакили номзоди жамиятга нисбатан банкротлик иши қўзғатилиши билан кузатув жараёнида иштирокчиларнинг умумий йиғилишда

---

<sup>171</sup> Егоров А.В. Дело «Арбитражный управляющий Гончаров В.П. к учредителям ООО «Промагротрейд»» о взыскании расходов по делу о банкротстве» (постановление от 23.01. 2007 № 10898/06) // Правовые позиции Президиума Высшего арбитражного суда Российской Федерации: избранные постановления за 2007 год с комментариями / под ред. А.А. Иванова. М., 2012.

сайлаш орқали тасдиқланмоқда. Фикримизча, Қонунга иштирокчиларнинг вакилини умумий йиғилишида сайлаш билан боғлиқ нормаларни киритилиши ҳамда банкротликка оид иш юритиш жараёнида жамият иштирокчиларининг вакилига бериладиган ишончномага (иштирокчининг вакилига ишончномасига қўйилган талаб қонун аналогиясига мувофиқ таклиф қилинмоқда)<sup>172</sup> унинг нотариал тартибда тасдиқланиши талабининг киритилиши иштирокчиларнинг ҳуқуқларини сансалорликларсиз амалга оширишга замин яратади. Шу ўринда, таъкидлаш лозимки, агар иштирокчилар ўртасида корпоратив низо мавжуд бўлиб, вакиллик борасида муайян келишувга эришиш имконияти бўлмаса, яъни муайян иштирокчи жамиятнинг тўловга қобилиятсизлиги иши доирасида иштирокчилар номидан таклиф қилинган вакилга қарши бўлса, ушбу иштирокчи ҳуқуқларини амалга ошириш учун банкротлик ишида бошқа иштирокчилардан мустақил тартибда иштирок этиш ҳуқуқини бериш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилиши лозим. Ягона иштирокчиси бўлган жамиятда ушбу иштирокчи ҳуқуқларини амалга оширишда вакилликсиз тўғридан-тўғри амалга ошириши мумкин.

---

<sup>172</sup> “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуни 34-моддасининг иккинчи қисмига қаранг

Иштирокчиларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш усулига кўра актив ҳуқуқлар ва пассив ҳуқуқларга бўлиш мумкин. Актив ҳуқуқлар бу иштирокчининг бевосита ўзининг саъй-ҳаракати ва хоҳиш иродасига асосан қонунда белгиланган ҳуқуқларини амалга ошириши (бухгалтерия хужжатлари билан танишиш) бўлса, пассив ҳуқуқлар иштирокчига ҳуқуқлар корпоратив муносабат иштирокчиларнинг ҳуқуқларини амалга ошириши оқибатида берилади (иштирокчининг умумий йиғилиш тўғрисида белгиланган тартибда оғохлантирилиши, кузатув кенгашига сайланиши).<sup>173</sup>

“Масъулияти чекланган жамиятлар ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида жамиятда тўловга қобилиятсизлик аломатлари юзага келган тақдирда, қарздорнинг раҳбари бу ҳақда қарздорнинг иштирокчиларига ёзма шаклда хабар қилиши шартлиги, шунингдек, суд бошқарувчиси томонидан кредиторлар йиғилиши тўғрисида иштирокчиларнинг хабардор қилиниши мажбурияти белгиланганлиги иштирокчининг пассив ҳуқуқларини амалга оширишини таъминлайди<sup>174</sup>. Бироқ, иштирокчининг жамиятни тўловга қобилиятсизлик ҳолати бўйича муайян ҳолатлар тўғрисида хабардор қилиниши

---

<sup>173</sup> М.Саидовнинг магистрлик иши УДК:346.2(043.3)(575.1)

<sup>174</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).



мажбурияти масъул шахслар томонидан бажарилмаган тақдирда, уларга нисбатан жавобгарлик чораларини белгиланмаганлиги, банкротлик жараёнида иштирокчининг ҳуқуқларини амалга ошириш борасида тўсиқларни келтириб чиқармоқда.

Мазкур Қонунда иштирокчининг ҳуқуқларини амалга ошириш чекланган тақдирда, иштирокчининг жавобгарлигини бекор қилувчи ҳамда бундай ҳолатларда ҳаракатсизликка йўл қўйган масъул шахслар учун муайян оқибатлар келтириб чиқарувчи нормаларнинг киритилиши, тўловга қобилиятсизлик жараёнида иштирокчиларнинг ҳуқуқларини таъминланишига ва риоя этилишига хизмат қилади.

Қонунда иштирокчиларнинг вакилига кредиторлар йиғилишида овоз бериш ҳуқуқисиз иштирок этиш ҳуқуқи кафолатланган. Иштирокчилар вакилининг кредиторлар йиғилишида овоз бериш ҳуқуқи назарда тутилмаганлиги, унинг кредиторлар йиғилишининг қарори устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқини чекламайди. Чунки, Қонуннинг 38-моддасида тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишда қарздор юридик шахс ходимларининг вакили, қарздорнинг муассислари (иштирокчилари) вакили ёки қарздорнинг мол-мулки эгаси, қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг вакили, кредиторлар йиғилиши (кредиторлар қўмитаси) вакили ҳамда бошқа шахслар иштирок этиши мумкинлиги

белгиланган<sup>175</sup>. Эътиборли жиҳати шундаки, бугунги кунга қадар банкротликка оид муносабатларни тартибга солувчи дастлаб 1994 йил, кейинчалик 1998, 2003 ва 2019 йилларда қабул қилинган “Банкротлик тўғрисида”ги Қонунда жамият иштирокчиларининг банкротлик иши доирасида ҳуқуқий мақоми аниқ тартибга солинмаган. Бу эса ўз навбатида банкротлик иши доирасида иштирокчининг ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш борасида бир қатор муаммоларни келтириб чиқарган. Тошкент шаҳар судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатида кўрилган иш бунга мисол сифатида келтирилиши мумкин. Мазкур низоли ишда “SUPER” МЧЖ иқтисодий судга ариза билан мурожаат қилиб, “PRIMUS” МЧЖни банкрот деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2021 йил 4 февралдаги ҳал қилув қарори билан “PRIMUS” МЧЖ банкрот деб топилган ва тугатишга доир иш юритиш бошланган.

“PRIMUS” МЧЖ иштирокчиси К.Зоирова томонидан мазкур ҳал қилув қароридан норози бўлиб, унинг устидан апелляция шикояти берилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2021 йил 30 июндаги ажрими билан апелляция шикояти бўйича иш юритишни тугатилган. Суднинг қарорига “Банкротлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси

---

<sup>175</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

Қонуни 36-моддасининг биринчи қисмида банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахслар рўйхати келтирилган бўлиб, таъсисчи (иштирокчи) ишда иштирок этувчи шахс ҳисобланмаслиги асос сифатида келтирилган.<sup>176</sup>

Амалдаги Қонунга мувофиқ иштирокчиларнинг вакили барча процессуал ҳуқуқлардан фойдаланади, банкротлик таомиллари жараёнида қабул қилинган суд ҳужжатлари устидан, шунингдек жамиятни банкрот деб топиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори устидан процессуал қонун талабларига риоя қилган ҳолда судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Бундан ташқари иштирокчилар вакили уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган кредиторлар йиғилишининг қарорлари устидан ҳамда суд бошқарувчисининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиши мумкин. Эътиборли жиҳати шундаки, банкротликка оид иш юритиш жараёнида ҳуқуқларни суд орқали ҳимоя қилишда қискартирилган процессуал муддатлар белгиланган. Иштирокчилар томонидан уларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини бузаётган суд бошқарувчисининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), кредиторлар йиғилиши қарорлари устидан берилган шикоятлар ўн беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда

---

<sup>176</sup> Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 4-1001-2015/19184-сонли иши

кўриб чиқилади ва/агар кредиторлар йиғилишининг қарори иштирокчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузса, бундай қарор суд томонидан ҳақиқий эмас деб, суд бошқарувчисининг хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги)ни ноқонуний деб топилиши учун асос бўлади.

Қарздор жамиятга нисбатан унинг мол-мулки бут сақланишини таъминлаш, унинг молиявий аҳволи таҳлилини ўтказиш, кредиторлар талаблари реестрини тузиш ва биринчи кредиторлар йиғилишини ўтказиш учун қарздорни тўловга қобилиятсиз деб топиш тўғрисидаги ариза қабул қилинган кундан эътиборан кейинги тўловга қобилиятсизлик тартиб-таомилига қадар суд томонидан қўлланиладиган кузатув тартиб-таомилида суд бошқарувчиси жамият бошқарув органларининг функцияларини ўзига олмайди, лекин қонун талабидан келиб чиқиб уларнинг фаолиятини катъий назоратга олади.

С. Зинченко ва В.Галовлар таъкидлаганидек, кузатув таомилида суд бошқарувчисининг функциялари қарздорнинг бошқарув тузилмаларининг “синишига” олиб келмайди<sup>177</sup>. Шунингдек, айнан шу таомилда жамият иштирокчиси (вакили) тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахс мақомини қўлга киритади ва кейинги

---

<sup>177</sup> <https://udmurtiya.arbitr.ru/about/press/reliz/3>

таомилларда уларнинг айрим ҳуқуқларидан фойдаланилади.

Маълумки иштирокчининг жамият бошқа иштирокчиларининг розилигидан қатъи назар қонунда ва жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда исталган вақтда жамиятдан чиқиш ҳуқуқи мавжуд бўлиб, иштирокчининг ушбу бирламчи ҳуқуқини амалга ошириш иштирокчига қўшимча (эргаш) ҳуқуқ, яъни улушининг ҳақиқий қийматини талаб қилиш ҳуқуқини беради. Аммо, жамиятга нисбатан кузатув таомили жорий этилиши билан жамиятга иштирокчиларининг унинг таркибидан чиқиб кетиши муносабати билан жамиятнинг мол-мулкидан улушини ажратиш ҳақидаги талабларини қаноатлантириш тақиқланади.

Бундай ҳолда жамиятдан ихтиёрий равишда чиқиб кетган ёки суднинг қарори билан чиқариб юборилган иштирокчига улушни қийматини олиб чиқиб кетиш ёки ажратиш имконияти бўлмайди. Аммо шуни инобатга олиш лозимки, чиқиб кетган иштирокчи жамиятнинг банкротлик ҳолатига келишига сабаб бўлган қарорни қабул қилишда иштирок этган ёки этмаганлигидан ёхуд жамиятда банкротлик аломатлари иштирокчининг жамиятдан чиқиб кетганидан кейин вужудга келганлиги аҳамиятга эга бўлмайди. Айнан шундай ҳолатда улуш қийматини талаб қилиш билан боғлиқ вужудга келган низолар бўйича Россия Федерацияси арбитраж

судлари амалиётида талаблар рад этилиб, суд хужжатиغا иштирокчиларнинг жамиятни самарали ишлаши учун жавобгарлиги ва шунга мос равишда жамиятни бошқаришни салбий оқибатларини маълум бир хавфини ўз зиммаларига олишини асос сифатида кўрсатишган.<sup>178</sup>

Жамиятнинг фойдасини иштирокчиларга тақсимлаш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш пайтида жамият қонунга мувофиқ банкротлик белгиларига жавоб берса ёки агар мазкур белгилар жамиятда шундай қарор қабул қилиниши натижасида пайдо бўлса, жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши кун тартибидаги фойдани тақсимлаш масаласи бўйича қарор қабул қилинишига ҳам йўл қўйилмайди. Бундай ҳолатда жамият бухгалтерияси томонидан иштирокчиларга тегишли хужжатларнинг тақдим этилиши, фойдани тақсимлаш масаласини йиғилиш кун тартибидан чиқариш учун асос бўлади. Жамиятда банкротликлик белгилари мавжуд бўлган пайтда ёки

---

<sup>178</sup>Определение Верховного суда Российской Федерации от 20.10.2017 г. No 305-ЭС17-14803 [Электронный ресурс] // Режим доступа URL[https://kad.arbitr.ru/PdfDocument/56e96227-cf47-447b-8d5a-2339362cc72c/04364576-2829-4419-a687-c69decf09460/A40-90675-2016\\_20171020\\_Opreделение.pdf](https://kad.arbitr.ru/PdfDocument/56e96227-cf47-447b-8d5a-2339362cc72c/04364576-2829-4419-a687-c69decf09460/A40-90675-2016_20171020_Opreделение.pdf)

13.Постановление Арбитражного суда Московского округа от 12.07.2017 г. по делу No А40-90675/16 [Электронный ресурс] // Режим доступа URL [https://kad.arbitr.ru/PdfDocument/56e96227-cf47-447b-8d5a-2339362cc72c/b31fd74a-de92-4b66-979b-26d6fe68e162/A40-90675-2016\\_20170712\\_Reshenija\\_i\\_postanovlenija.pdf](https://kad.arbitr.ru/PdfDocument/56e96227-cf47-447b-8d5a-2339362cc72c/b31fd74a-de92-4b66-979b-26d6fe68e162/A40-90675-2016_20170712_Reshenija_i_postanovlenija.pdf);

қарор қабул қилиниши натижасида банкротлик аломатлари вужудга келадиган ҳолатда иштирокчиларнинг фойдани тақсимлаш тўғрисидаги қарори “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 41-моддасининг биринчи қисмига<sup>179</sup> мувофиқ суд томонидан ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлади.

Шунингдек, жамиятга айнан кузатув таомилининг жорий этилиши муносабати билан жамият иштирокчилари умумий йиғилишларида қарздорни қайта ташкил этиш (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, ажратиб чиқариш, бўлиш, ўзгартириш) ва тугатиш тўғрисидаги, юридик шахсларни тузиш ҳақидаги ёки бошқа юридик шахсларнинг иштироки тўғрисидаги, ваколатхоналар очиш ва филиаллар ташкил этиш тўғрисидаги, дивидендлар тўлаш ёки қарздорнинг даромадини (фойдасини) унинг муассислари (иштирокчилари) ўртасида тақсимлаш тўғрисидаги, облигациялар ва бошқа эмиссия қоғозларини жойлаштириш тўғрисидаги қарорларни қабул қилишга ҳақли эмас. Иштирокчилар ҳуқуқларини амалга оширишга ўрнатилган бу каби чекловларнинг мақсади қарздорнинг мол-мулкларини сақлаш ва келгусида кредиторлар талабларини қаноатлантиришга йўналтирилган.

---

<sup>179</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

Суд санацияси тартиб-таомилида ҳам жамиятнинг ишларини бошқариш ваколатларини санация қилувчи бошқарувчига ўтказмаган ҳолда жамиятга нисбатан унинг тўлов қобилиятини тиклаш ва унинг кредиторлар олдидаги қарзини тўлаш учун чора-тадбирлари кўрилади. Зеро, ушбу таомил иштирокчиларнинг илтимосномасига асосан суд томонидан белгиланиши мумкин. Қонунда иштирокчиларнинг жамиятга нисбатан суд санацияси тартиб таомилини жорий этиш тўғрисидаги илтимоснома билан судга муурожаат қилиш ҳуқуқини белгиланганлиги, банкротликнинг бошқа таомилларида назарда тутилмаганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Жамият иштирокчиларининг суд санацияси тартиб-таомилини жорий этиш ҳақидаги илтимосномасига суд санациясининг режаси, қарзни тўлаш жадвали, жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг баённомаси илова қилиниши керак. Мазкур умумий йиғилишнинг баённомасида суд санацияси тартиб-таомилини жорий этиш учун овоз берган иштирокчилар рўйхати ҳамда бу шахслар томонидан қарзни тўлаш жадвалининг бажарилишини таъминлашга оид ҳужжатлар кўрсатилиши керак.

Ташқи бошқарув тартиб таомилида эса жамиятга нисбатан уни молиявий жиҳатдан соғломлаштириш учун жамиятнинг ишларини бошқариш ваколатлари ташқи бошқарувчига ўтказилади. Ушбу таомилда иштирокчиларнинг



жамиятни бошқариш ваколатлари тўхтатилади ва жамиятни бошқариш ташқи бошқарувчи томонидан амалга оширилади.

Шунингдек, иштирокчиларнинг жамиятни бошқаришдаги қонунда назарда тутилган ва таъсис ҳужжатларига асосан ўрнатилган муайян ҳуқуқлари бекор бўлади. Масалан, банкротликка оид иш юритиш жараёнида иштирокчиларнинг жамият томонидан йирик битимни тузишга розилик бериш ҳуқуқи талаб этилмайди. Суд бошқарувчиси бундай масалаларни жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши қарорисиз ҳал қилади. Қонуннинг 118-моддасига кўра, агар Қонунда ёки ташқи бошқарув режасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, йирик битимлар ва манфаатдорлик назарда тутилган битимлар ташқи бошқарувчи томонидан фақат кредиторлар йиғилишининг ёки кредиторлар қўмитасининг розилиги билан тузилади<sup>180</sup>.

Қонуннинг 123-моддасига кўра, кредиторларнинг йиғилишида ташқи бошқарувчи, қарздор муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки қарздор мол-мулки эгасининг вакили ҳамда қарздорнинг ходимлари вакили маслаҳат овози ҳуқуқи билан иштирок этиш ҳуқуқига эга<sup>181</sup>. Иштирокчилар вакилининг маслаҳат овози ҳуқуқи

---

<sup>180</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>181</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

жамиятнинг нормал фаолиятида мавжуд бўлмаган ва фақатгина банкротлик жараёнида вужудга келадиган махсус ҳуқуқ сифатида намоён бўлади.

Аммо, шуни инобатга олиш лозимки, жамият иштирокчилари ташқи бошқарув тартиб-таомили тугагунга қадар исталган вақтда кредиторларнинг талаблари реестрига мувофиқ барча кредиторларнинг талабларини бир йўла қаноатлантиришга ҳақли.

Судда кўрилган банкротликка оид ишлар таҳлили натижалари тугатишга доир иш юритиш энг кўп қўлланиладиган таомил эканлигини кўрсатмоқда.

Қонуннинг 141-моддасига мувофиқ суд томонидан қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақида қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан қарздорнинг бошқарув органлари қарздорнинг мол-мулкани бошқариш ва тасарруф этиш вазифаларини бажаришдан, агар илгари четлаштирилмаган бўлса, четлаштирилади, иштирокчининг қарздор мол-мулкани бошқариш ва тасарруф этишга доир ваколатлари тугатилади. Шунингдек, иштирокчилар жамиятни бошқаришдаги ўз хоҳиш-иродасини ифода этиш имкониятини йўқотишади<sup>182</sup>.

Банкротликнинг бошқа таомилларидан фарқли равишда тугатишга доир иш юритиш

---

<sup>182</sup> www.lex.uz.

таомилининг ўзига хос шахсий ва мулкый оқибатлари борки, иштирокчиларнинг нафақат жорий ҳуқуқлари балки тугатишга доир иш юритиш таомили яқунланганидан кейинги ҳуқуқларига ҳам таъсир қилади. Масалан, Қонун 70-моддасининг мазмунига кўра, агар жамиятнинг тўловга қобилиятсизлиги шу жамият учун мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган иштирокчи(лар)нинг ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли юзага келган бўлса, ушбу иштирокчи(лар) жамиятнинг кредиторлари олдидаги мажбуриятлари қаноатлантирилгунига қадар бошқа юридик шахснинг иштирокчилари ёки мулкдори сифатида иштирок этишга ҳақли эмас<sup>183</sup>. Ушбу норманинг мақсади инсофсиз иштирокчиларга нисбатан жавобгарлик чораларини белгилаш билан бир қаторда уларнинг муайян ҳуқуқларини чеклашга қаратилган. Яъни, жамиятнинг банкрот бўлишига сабабчи бўлган иштирокчи кредиторларнинг қарзи қопланмагунча бошқа юридик шахснинг иштирокчиси бўла олмаслиги императив характердаги норма билан қатъий ўрнатилган бўлса-да, уни амалга ошириш механизми мавжуд эмас. Қонундаги ушбу моддани реализация қилиш учун тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишлар бўйича ваколатли давлат органи (Давлат активларини бошқариш агентлиги) томонидан банкротликка

---

<sup>183</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

сабабчи бўлган иштирокчиларнинг электрон маълумотлар базаси шакллантирилиб, юритилиши ҳамда ушбу маълумотлар базаси юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган (Давлат хизматлари агентлиги)нинг электрон маълумотлар базаси билан интеграция қилиниши лозим. Бу билан банкротликка сабабчи бўлган иштирокчиларни автоматик тарзда аниқлаб, бошқа юридик шахснинг иштирокчиси бўлишини олдини олишга эришилади.

Қонунда иштирокчининг бошқа юридик шахснинг иштирокчилари ёки мулкдори сифатида иштирок этишга ҳақли эмаслиги унинг субсидиар жавобгарлиги тўғрисидаги моддада белгиланган. Амалдаги қонун ҳужжатларида ўрнатилган асосларга мувофиқ иштирокчини субсидиар жавобгарликка тортиш масаласи осон эмас. Қолаверса, инсофсиз иштирокчи томонидан қонунда белгиланган субсидиар жавобгарликка тортиш асосларини ҳуқуқларини суиистеъмол қилиш орқали ёки жамият ижро органи раҳбари билан келишилган ҳолда четлаб ўтиш имкониятлари мавжуд. Шунининг илоҳидида бошқа юридик шахснинг иштирокчиларнинг жамият фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш ва жамият фаолиятини назорат қилиш каби қудратли ваколати бор экан, унинг масъулиятини ошириш борасида муайян механизмларни жорий этиш лозим. Бу борада кўшни давлатларда бир қатор таъсирчан механизмларнинг мавжудлигини кўриш мумкин.

Масалан, Беларусия Республикаси “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонунининг 151-моддасида қарздор учун мажбурий кўрсатмалар беришга ёки унинг ҳаракатларини бошқача тарзда белгилашга қодир бўлган мол-мулкнинг эгаси, жамият иштирокчиси ёки бошқа шахс, раҳбарига юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг ягона давлат реестрига қарздор тугатилганлиги ҳақидаги ёзув киритилган пайтдан эътиборан бир йил ичида бошқа тадбиркорлик субъектининг иштирокчиси бўлиш ҳуқуқи тақиқланган.<sup>184</sup>

Банкротликка оид иш юритув жараёнида жамият кредиторлари талаблари тўлиқ қаноатлантирилганидан кейин иштирокчилар қолган мол-мулкни олиш ҳуқуқига эга. Бу борада Ўзбекистонда қарздор жамият иштирокчиларининг ҳуқуқлари бошқа давлатлар қонунчилиги билан солиштирилганда бир мунча чекланганлигини кузатиш мумкин. Масалан, “Банкротлик тўғрисида”ги Россия Федерал Қонунининг 148-моддасига кўра, қарздор жамият иштирокчилари нафақат кредитор-лари талаблари тўлиқ қаноатлантирилганидан кейин қолган мол-мулк, шунингдек сотишга таклиф қилинган, лекин тугатишга доир иш юритиш мобайнида реализация қилинмаган ҳамда кредиторлик қарзларини тўлаш ҳисобига таклиф этилган бўлса-да, кредиторлари

---

<sup>184</sup> <https://pravo.by/document/?guid=3871&p0=h11200415> – Национальный правовой Интернет-портал Республики Беларусь

томонидан қабул қилинмаган мол-мулкни (сотилмаган мол-мулк) талаб қилишга ҳақли.<sup>185</sup> Ўзбекистонда эса Қонуннинг 159-моддасига асосан сотилмаган мол-мулк маҳаллий давлат ҳокимияти органларига топширилади. Шунингдек, ушбу Қонунда Устав фондида давлат улуши бўлган жамиятнинг сотилмаган мол-мулки, давлат мулкига ўтказилиши ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг балансига топширилиши назарда тутилган<sup>186</sup>. Фикримизча, бундай ҳолатларда қарздор жамият иштирокчиларининг ҳуқуқлари устунлиги мавқеи таъминланиши лозим. Чунки, жамиятнинг иштирокчиси бўла туриб, сотилмаган мол-мулкни маҳаллий давлат ҳокимиятига топширилиши фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлари-нинг умумий принципларига мувофиқ келмайди.

Бундан ташқари, устав фондида давлат улуши бўлган икки ва ундан ортиқ иштирокчилардан иборат жамиятнинг сотилмаган мол-мулкни давлат ҳисобига ўтказилиши ҳам давлат улушига эксклюзив ҳуқуқнинг берилиши оқибатида бошқа иштирокчиларнинг ҳуқуқларини чекланиши (камситилиши) ҳисобланади. Зеро, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг тенг ҳуқуқлиги принципи устида бунёд этилган.

---

<sup>185</sup> <https://zakonobankrotstverf.ru/glava-7/statya-148>

<sup>186</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

# **КОРПОРАТИВ НИЗОЛАРНИ СУДДА КЎРИШГА ОИД АЙРИМ МАСАЛАЛАР**

(амалий қўлланма)

Мухаррир М.Талипова  
Мусахҳих: Р.Юнусова  
Техник муҳаррир: Ф.Хошимова

Босишга рухсат этилди: 22.03.2023 й. Бичими 60x84 1/16  
Офис қоғози. Ризограф усулда. Times гарнитураси.  
Шартли босма табағи 12,0. Нашр. ҳисоб табағи 9,5.  
Адади 100 нусха. Буюртма № 23-12

«IMPRESS MEDIA» МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.  
Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Қушбеги